


Абдүлазиз Қозоқов

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Абдулазиз Қозоқов

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЗУМЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

(Илмий-услубий рисола)

Тошкент – 2016

А.Қозоков “Мустақиллик йилларида узумчиликни ривожлантириш йўллари” (Илмий-услубий рисола).

Рисолада Ўзбекистонда узумчиликни кисқача тарихи, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу соҳага оид олиб борилаётган ишлар, узум навларини яратиш, саклаш йўллари, кўлланиладиган агротехник тадбирлар, узумчиликка зарар келтирувчи заараркунандалар, турлари, тарқалиши, хаёт кечириши ва карши курашиш усуллари, узумнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти каби масалалар илмий ва оммабоб кўрининишида ёритил берилган.

Ушбу илмий-услубий рисоладан олий ўкув юртларининг экология ва биология йўналишлари талабалари, магистрлари, докторантлари ҳамда агроинжинериёт касб-хунар коллежлари ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:



Муроджон Абдулаев – Наманган Муҳандислик Педагогика институти “Кимё-технология” кафедраси доценти, кишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Аҳмадхон Аъзамов – Тўракўргон тумани “Ўсимликларни химоя қилиш” ҳудудий отряд раҳбари.

Мазкур илмий-услубий рисола Ўзбекистон Республикаси Экологик Ҳаракати Марказий Кенгаши Наманган вилояти ҳудудий кенгашида 2016 йил 12 сентябр (баённома №3) ҳамда Наманган давлат университети қошидаги 2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурини амалга оширилишини максадли ўрганиш ҳамда ирригация-мелиорация тадбирлари самараадорлигини оширишда, сув ресурслари ва сув хўжалиги обьектлари бўйлаб жойлашган ер участкаларидан оқилона фойдаланишда методик ёрдам кўрсатиш бўйича Илмий-Амалий Кенгашларида (2016 йил 20 сентябр Баённома №2) муҳокама қилинган ва нашр этишга тавсия этилган.

Ушбу рисола Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. Каримов хонадоңларига ташриф буюриб, дилдан сұхбатлашган ва енгил автомашина совга қылган, 20 дан ортиқ узум навларини яратған уста бөгбон, ажойиб ва камтарин инсон, Абдужаббор ота Юсуповнинг ёрқин хотираларига багишланади.

МУҚАДДИМА

Узумчилик - боғдорчиликнинг ток ўстириш ва узум етиштириш билан шуғулланадиган тармоғи. Узумчилик ахолини янги узум, майиз билан, виночилик, консерва саноатларини хом ашё билан таъминлайди. Узумчиликнинг 4 та асосий: хўраки узум етиштириш, майиз қуритиш, техник мақсадларда узум етиштириш (консерва маҳсулотлари, шарбатлар, концентратлар тайёрлаш), виночилик (хом ашё тайёрлаш) соҳалари мавжуд.

Узумчилик боғдорчиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ҳалқ хўжалигига салмоқли ўрин эгаллади. Жаҳон бўйича 84 мамлакатда узум етиштирилади. Токзорлар майдони бўйича энг олдинги ўринларда Испания (1 млн. 200 минг гектар), Италия (871 минг гектар), Франция (870 минг гектар), Туркия (560 минг гектар), Португалия (252 минг гектар), АҚШ (Калифорния штати, 357 минг гектар), Руминия (250 минг гектар), Эрон (260 минг гектар), Хитой (243 минг гектар), МДҲ давлатлари ичida Молдова (154 минг гектар) туради. Дунё бўйича токзорлар 7,4 млн. гектарни ташкил қиласиди, ўртача ҳосилдорлик 81,7 ц/га. Энг кўп майиз АҚШ, Эрон, Туркияда тайёрланди. (Интернет материаллари).

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда узумчилик узок тарихга эга. Милоддан аввалги IV асрларда ҳам ток экилгани мълум. Узок йиллар давомида Ўрта Осиё ҳалқ селекциясида юзлаб навлар яратилган. Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудида,

айниқса, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё воҳаларида узум кўп экилган. Лекин мўғуллар истилоси даврида боғдорчилик таназзулга юз тутган, Узумчилик XV асрга келиб қайта ривожлана бошлади. Ўзбекистонда узумчиликнинг ривожланишида Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлими муҳим роль ўйнади. Бўлим узумнинг маҳаллий шароитга мос энг яхши навларини ўрганди, тегишли навларни бошқа минтақалар (Крим, Молдова, Закавказье)дан олиб келинди. Кейинчалик бу бўлим асосида Туркистон узумчилик ва виночилик қўмитаси ташкил этилди. Қўмита узумчилик ва виночиликни илмий асосда ривожлантириш (касалликларга, зааркунандаларга қарши кураш), унинг агротехника усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланди.

XX аср бошларида Ўзбекистонда 30,6 минг гектар токзор бор эди. 20-йилларнинг 2-ярмидан ихтисослаштирилган боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари ташкил этила бошлади. 50-йиллар охири - 60-йиллардан 2500-3000 гектар боғ ва токзорларга эга бўлган агрокомбинатлар ташкил этилди.

Узумчилик соҳасидаги илмий тадқиқот ва амалиёт ишлари 1948 йилда ташкил этилган Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтида олиб борилди. Узумчиликнинг назарий ва амалий масалалари, кишиш навларининг ҳосилдорлиги ҳамда узум сифатини оширишда ўстирувчи моддалар таъсири (масалан, гиббереллин) ўрганилди, тоғ ва тоғ олди шағалли ерларда, Мирзачўл ва Фарғона водийсида узумзорлар барпо қилиш услуби ишлаб чиқилди. Институтнинг Самарқанд филиалида 100 гектар майдонда узумнинг 105 нави ўстириладиган тажриба майдони ташкил қилинди, Ўзбекистонда экиласидаган токларнинг ботаник коллекцияси яратилди.

Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ҳамда унинг вилоятлардаги филиалларида, Бутуниттифоқ ўсимлиқшунослик институти Ўрта Осиё филиалида узумнинг Ўзбекистон мускати, Фалаба, Октябр, ВИР 1, Хишров кишмиши, Самарқанд кишмиши, Жўра узум, Тарное, Ризамат ва ўнлаб навлари яратилди. Бу ишларда академик М.Мирзаев, А.М.Негрул, М.С.Журавел, А.В.Рибаков, В.И.Горбач, Ю.М.Жавакянс ва бошқа олимларнинг, Р.Мусамуҳамедов каби селекционерларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 400 минг гектар токзорлар барпо этилди. Унинг 70% Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм, Бухоро вилоятларида жойлашган. Ҳосил берадиганлари 150 минг гектар, ўртacha ҳосилдорлиги 70,1 ц/г (2013). Республикада токзорларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, жаҳон талабларига мос маҳсулотлар етиштиришга эътибор берилмоқда. Узумчилиқда кўплаб фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Бу борада "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компанияси, "Мевасабзавот" уюшмаси каби ташкилотлар катта ишларни амалга оширмоқда.

Узумчилик токнинг биологик хусусиятлари ва ўстириш усусларини ўрганадиган фан (ўсимлиқшуносликнинг бўлими)дир.

Узумчилик умумий ва хусусий узумчилика бўлинади. Умумий узумчилик - ток биологияси, экологияси, агротехникасини ўрганади; хусусий узумчилик - турли тупрок иқлим шароитида ток агротехникасини ишлаб чиқади; ампелография, ток селекцияси бўлимларидан иборат.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримовнинг "2013-2015 йилларда республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари"га оид қарори бу борадаги

ишлиар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Ўзвиносаноатхолдинг" компанияси тизимидағи узумни қайта ишлашга ихтисослашган бир юз йигирмадан ортиқ корхоналар саноатбоп узумзорлар барпо этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 2011-2013 йилларда мазкур корхоналар тасарруфидаги токзорлар 2,9 минг гектардан 4,4 минг гектарга етди. 2016 йилгача яна 17,3 минг гектар янги токзорлар барпо этилди.

2012 йидда қайта ишлаш корхоналарида 19,2 минг тонна узум қайта ишланди, жорий йилда бу кўрсаткични 30,1 минг, 2014-2016 йилларда 118,5 минг тоннага етказилди. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот сифатини ва экспорт ҳажмини оширишга хизмат қиласди.

Боғдорчилик ва узумчилик соҳасида юқори сифатли навларга эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада ҳозирги кунда 1991 йилдагига нисбатан ҳосилдорлик боғдорчиликда гектарига 72, узумчиликда эса 47 центнерга ортгани, сўнгги беш йилда тармокнинг экспорт салоҳияти изчил кўпайгани фикримиз тасдигидир.

Шингили 300-350 г., донаси 6,5 г.га teng, пушти рангли, пўсти юпқа, этли, қарсилдоқ, таъми ширин Ризамат узум нави бугун ҳамманинг тилида достон.

Реепубликамизда тупроқ-иқлим шароитига мос, серҳосил мевали, пакана ва яримпакана кўчатларни кўпайтириш, боғларда тежамкор технологияларни татбиқ этиш асосида тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, бугун ўз самарасини бермокда. Тоғ ва тоғолди ҳудудларни ўзлаштириб, боғ-токзорлар барпо этиш, бу жойларда касаллик ва зааркундаларга қарши кураш чоралари

күрилаётгани натижасида 2016 йилда мамлакатимиз бўйича интенсив боғлар майдони 10,1 минт гектарга етди, баъзилари қайта реконструкция қилинди.

Хўш, интенсив усулнинг афзалликлари нимада?

Аввало, мазкур усудда яратилган дараҳтлар танаси кичик. Шунинг учун уларга ишлов бериш жуда қулай. Қолаверса, кўчатларга ёруғлик тушиши, ҳаво айланиши меъёрида бўлгани учун мева сифати юқори бўлади. Ҳосилни йигиб олиш ҳам анча осон. Агар агротехника тадбирлари ўз вақтида тўлиқ ўtkазилса, пакана ва яримпакана боғлар 2-3 йилда нишона беради. Масалан, иккинчи йили гектарига 2-5, учинчи йили 5-10, тўртинчи-бешинчи йилга бориб эса 40-50 тоннагача ҳосил олишга эришилади. Бу анъанавий боғларга нисбатан 2-3 баробар кўп натижа, деганидир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожи моддий-техника ва сув ресурсларини тежаш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, иссиқхоналарда муқобил иссиқлик манбаларини қўллаш жараёнлари билан узлуксиз боғлиқдир.

М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти агротехника бўлими мутахассислари айтишича, боғ қатор ораларига кўп йиллик кўкатларни экиш ҳосилдорликни оширишида қўл келади. Бунда майдонга сули, дала ялпизи ва райграс (майса) экилиши яхши самара беради. Яъни, ўсимликлар вегетация даврида тўрт марта ўриб олиниб, бир мавсумда унинг массаси 25-30 тоннани ташкил этади. Бу 10 тонна маҳаллий ўғитга tengdir. Мазкур жараён 8-10 йил давом этади.

Боғ ва узум маҳсулотлари кўпайтиришнииг муҳим омили томчилатиб сугориш усулидан оқилона фойдаланишдир. Шу орқали обиҳаёт 30 фоизга иқтисод қилиниши баробарида, ҳосил

эгатлаб сүфорилганга нисбатан 30-60 центнерга күтарилиб, 10-15 кун эрта пишади. Ушбу усул, шунингдек, адирлар, лалми, тоғ ва тоғолди ҳудуддарида боғдорчилик ва узумчиликни жадал равнақ топтириш учун кенг имкониятлар эшигини очади. Ўз навбатида бу – ердан мақсадли фойдаланиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, тармокда қайта ишлашни йўлга қўйиш, энг асосийси, қўшимча иш ўринларини ташкил этишга замин яратади.

Боғдорчилик ва узумчиликда саноат ютуқлари, айникса, замонавий минитехнологиялар жадал жорий этилмоқда, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизими янада такомиллаштирилиб, хорижий инвестициялар кенг жалб қилинаётир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг муҳим икки тармоғи -боғдорчилик ва узумчиликни замонавий андозалар асосида равнақ топтириш, унинг саноатлашуви ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун зарур имконият, имтиёзу преференциялар яратиб берилмоқда. Буларнинг барчаси озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оиласи бизнес, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

Узумни истеъмол қилишда Италия биринчи ўринда туради, бу давлат аҳолиси йилига 1,5 млн. тонна узум истеъмол қилади. Туркия эса 0,8 млн. тонна, Греция 300 тоннагача, Франция эса 200 минг тонна узумни "пакқос туширишади". Европада етиштирилган узумнинг 55% и истеъмол қилинади. Дунё бўйича киши бошига 1,5-2 кг узум тўғри келади. Италия ва Болгарияда бу рақам 10-20 кг.ни, Испания, Венгрияда 50- 10 кг, АҚШ да 1 кг.ни ташкил этади.

Ўзбекистонда узум етиштириш туманларини икки гурӯхга

ажратиш мумкин: шимолий ва жанубий туманлар.

Шимолий туманга Тошкент, Фарғона, Наманган, Андіжон, Хоразм вилоятлари киради, бу вилоятлар иқлими, етиштириладиган узум навлари сифатли, енгил, нордон шароблар ишлаб чиқаришга мослашган.

Жанубий туманларга Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари киради. Иссик иқлим ва қандилиги юқори узум навларидан маркали, юқори сифатли кувватланган, десерт шароблар тайёрланади.

Ўзбекистонда хўраки, кишмишбоп ва шароббоп узум навлари етиштирилади.

Тошкент вилоятида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи, Александрия мускати, Октябрский, Паркати етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Пушти мускати, Кульгинский (Гўлжа узуми), Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Қора майский, Хиндогны, Тарнов, Баёни ширей (Баян ширей), Морастел, Сояки етиштирилади.

Сирдарё вилоятида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гўзал қора, Нимранг, Александрия мускати, Октябрский етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Кульгинский (Гўлжа узуми), Венгрия мускати, Рислинг, Ркацители, Сапаерави, Хиндогны, Баёни ширей (Баян ширей), Морастел етиштирилади.

Фарғона вилоятида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Қора андижоний, Гўзал Пушти тоифа, Нимранг етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Кульгинский (Гўлжа узуми), Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Тарнов, Баёни

ширэй (Баян ширей) етиштирилади.

Наманганд вилоятида хүраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гүзал қора, Пушти тоифи, Нимранг, Қора андижоний етиштирилади. - Шароббоп навлардан: Пушти мускати, Кульгинский (Гүлжа узуми), Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Андижон вилоятида хүраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гүзал қора, Қора андижоний, Нимранг, Пушти тоифи етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Пушти мускати, Кульгинский (Гүлжа узуми), Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Самарқанд вилоятида хүраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гүзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Пушти мускати, Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Тарнов, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Бухоро вилоятида хүраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гүзал қора, Қора жанжал, Катта қўргон, Султоний, Нимранг, Пушти тоифи, Хушрав кишмиши етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Жиззах вилоятида хүраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ хусайни, Гүзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи, Октябрский етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Кульгинский (Гүлжа узуми), Венгрия

мускати, Рислинг, Ркацители, Саперави, Хиндогны, Баёни ширей (Баян ширей), Морастел етиштирилади.

Қашқадарё вилоятида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ ҳусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Александрия мускати, Пушти тоифи етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Пушти мускати, Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Сурхондарё вилоятида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ ҳусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тоифи, Катта қўргон, Султоний, Октябрский етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Пушти мускати, Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Хоразм вилоятида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ ҳусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Қизил хурмойи, Нимранг, Александрия мускати, Пушти тоифи етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Кульгинский (Гўлжа узуми), Венгрия мускати, Алеатико, Тавквери, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Қорақалпоғистон республикасида хўраки навлардан: Қора кишмиш, Китоб сурхоги, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ ҳусайни, Гўзал қора, Қора жанжал, Қизил хурмойи, Нимранг, Пушти тоифи етиштирилади.

Шароббоп навлардан: Кульгинский (Гўлжа узуми), Венгрия мускати, Алеатико, Рислинг, Ркацители, Саперави, Баёни ширей (Баян ширей) етиштирилади.

Узум шаробчиликнинг ягона хом ашёсидир. Узумнинг шира миқдори мева таркибидаги доначалар сонига боғлиқ. Масалан, Баян Ширей узум навида доначалар 4-6% ни ташкил қилса, қандлилиги 17-19% дан ошмайди. Кишмиш узум навида эса уруғи йўқ, қандлилиги эса 24-26% га тенг.

УЗУМНИ САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Узумни узоқ вақт давомида сифатли сақлаш усуллари куйидагилардан иборат:

1) Шингилни осиб қўйган ҳолда сақлаш. Бу усулнинг камчилиги узум ризолари тўкилади.

2) Ўрада банди билан сақлаш. Узум шохчаси билан қирқиб олинади ва ўрада сакланади. Ишлаб чиқаришда бу усул яроқсиз деб топилган.

3) Махсус омборларда паст ҳароратда сақлаш. Айрим узум навларини 15-45 кун, баъзиларини эса 8 ойгача сақлаш мумкин. Узоқ муддат сақлашга Шабаш, Ташлы, Нимранг, Тоифи, Мускат навлари тавсия этилади. Сугорилмайдиган майдонда етиширилган узумлар, шу билан-бирга унинг баланд ва ўрта қисмидаги шингиллар узоқ сакланади.

Касалланган, совук урган узумларни саклаб бўлмайди. Узумни сақлаш учун қуруқ об-ҳавода эрталаб ёки кечки пайт узилади. Сақлаш хоналари ва идиш дезинфекция қилинади. Дезинфекцияловчи эритмалар: формалин ва SO_2 эритмаси, 5% CuSO_4 .

Етиширилган жами узумнинг 85% и турли шароблар, коньяқ, алкоголсиз ичимликлар, концентрат ва қуритилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Узум осон қайта ишланади ва тайёр маҳсулотнинг сифатини, мазасини ва парҳез хусусиятларини таъминлайди. Узум бирламчи

қайта ишлаш корхоналарига шингили билан бирга автомашина ёки сават-яшикларда келтирилади. Узумнинг техникавий хоссалари унинг шингили, банди ва бошқа қисмларининг тузилиши билан тасвирланади. Шингилнинг катта-кичиклиги, шакли, зичлиги узум навига хос бўлиб, ташқи шароитга ҳам боғлиқ. Узум шингилининг шакли конуссимон, цилиндричесимон, қанотли, овал ва бошқа шаклларда бўлиб, шохчаларининг сони билан ҳам ажралиб туради. Узум шингилининг узунлиги 60-30 мм., эни 5-190 мм. бўлиб, тузилиш зичлиги узум донасининг (ризо) катталигига, бандининг характерловчи узунлиги ва бошқа қатор кўрсаткичларга боғлиқдир.

Узум навининг характерловчи кўрсаткичларидан бири - шингил зичлиги. Узум шингилининг тузилиши ва технологик хусусиятларини таснифлаш учун иккита катталик таклиф этилган.

Модул катталиги – шингил узунлигининг унинг ўрта диаметрига нисбати деб хисобланади.

Зичлик коэффициенти – ризолар ҳажмининг шингилнинг умумий ҳажмига нисбати. Зичлик коэффициентининг сони узум навига боғлиқ бўлади. Бир шингилдаги узум ризоларининг сони узум навининг тавсифлайдиган кўрсатгичи бўлиб, гуллаш, чанганиш ва экологик омилларга боғлиқ. Узум ризоси – доначаси уруғ атрофидаги гўштни қоплаган юпқа, эгилувчан теричадан таркиб топган. Гўшти йирик хужайралардан иборат бўлиб, ушбу хужайра шарбат билан тўлган бўлади.

Узум уруғлари гўшт билан қопланган. Теричаси яқинида турли бўёқ моддалар тўпланган бўлади, хужайраларда қанд, кислота, эфир мойлари жойлашади, лекин уларнинг тақсимиши бирдек эмас. Масалан, эфир мойлари гўштида, маҳсус халтачаларда тўпланиб, тери яқинида йигилади.

Углеводлар эса гўшт хужайраларида тўпланиб, ўз-ўзидан оқадиган суюқ қисми-шарбатда тўпланган. Пишган узумларда шарбат қуюқлашиб, ёпишқоқ бўлиб қолганлиги сабабли прессадан чиқсан шарбатнинг қандлилиги баландроқ бўлади.

Узум ризосидаги уруғлар билан қанд ва кислоталилик орасида боғлиқлик мавжуд. Уруғлар сони кўпайган сари шарбатнинг қандлилиги камаяди, кислоталилиги ошади. Уруғсиз кишишибоп узум навларида шарбатнинг ширалиги юкори, кислоталилиги эса паст бўлади. Узум шингилининг ривожланиш даврида унинг ризоси ҳам ривожланиб, титрланадиган кислоталилик 35-40г/дм³, фенол моддаларининг тўпланиши синтез бўлишини кузатамиз. Узумнинг физиологик ўсиши ҳам интенсив кечади.

Узум мевасининг етилиши 30-60 кун давом этади, физик ривожланиши тўхтаб, аста-секин юмшай бошлайди. Интенсив физиологик ўсиши натижасида қанд микдори кўпайиб, кислоталар микдори камайиб боради. Мева оғирлашиб, уруғлари етилиб боради. Шу даврда узум физиологик етукликка эга бўлади. Кейин технологик етуклик турли босқичларини босиб ўтади. Технологик етилиш даврида узум мевасидаги қанд ва кислоталар маълум нисбатда тўпланади ва турли типдаги шароблар тайёрланишини таъминлайди.

Меванинг ривожланиши тўхтагач, "прюин" қатлами ҳосил бўлади, гўшти юмшаб, мева юзасига яқин пўст қатламларида навига ҳос эфир мойлари ва бўёқ моддалари йигилади. Узум тўлиқ етилганида етилиш даврининг охирида қанд, ароматик ва бўёқ моддаларининг энг кўп тўплаган давридир. Узум гуллаб тўлиқ етишишигача 130 кун ўтади.

Клетчатка, бўёқ моддалар мева пўстлоғида тўпланади, донача яқинида кислота, қанд, ҳид берувчи моддалар тўпланади,

бу пектин, азот-моддалар бўлади. Гўштининг ўртароғида органик кислоталар, муаттарлик берувчи моддалар ва қанднинг асосий қисми йигилади. Шу сабабдан узумнинг суви - шарбат (прессланмаган) углевод ва кислоталарга бой хушбўй хидли бўлади. Прессдан сиқиб олинган шарбатда қандлилиги оқим шарбатига нисбатан 8-10% га кам, паст кислотали бўлиб, азот, фенол, пектин ва бошқа экстрактив моддаларга бой бўлади.

Узумнинг таркиби микроорганизмларнинг ўсишига кулай, уларнинг ривожланишига шароит мавжуд. Узумнинг юзасида доим ҳаво таъсирида ўтган турли ёввойи ва маданийлаштирилган ачитқилар бўлади, узум қайта ишланганда шарбат билан намланиб, шарбатнинг ўзига ўтади.

Узумни қайта ишлаш жараёнида (4 соат ичидаги) ачитқилар ўз фаолиятини олиб боради. Замбуруғ ва бактериялар касалликка олиб келади, бу оидиум ва милғду касали. Бу касалликка дуч келган ризолар юзаси буришиб, куриб тўкилади. Могол замбуруғлари ризоларнинг устида кул ва қора рангли могол ҳосил қиласи.

Шарбатнинг кимёвий таркиби узумнинг тузилишига, ҳосилдорлигига, шаклига, таъмига, навига, иқлимга, тупрок таркибига ва ҳолига, сақлаш шароитига боғлик. Кимёвий таркибига келганда 5-24% қанд, 0,2-1,2% органик кислоталар, пектин, пўстлоғида минерал моддалар ионлари, каротин, В ва С витаминалари узум шарбатида топилган. Углеводлардан фруктоза, глюкоза, минерал моддалар, тузлар мавжуд.

Меванинг пишган даври – бандининг қотиб, жигарранг бўлиши, япроғидан озиқа моддалар келиши билан тавсифланади. Бунда титрланадиган кислоталилик камайиб, сув буғланиб, шарбати қуюқлашиб, экстракт моддалари, нисбат микдори ошиб, қанд микдори 30-40 г/100 мл.гача етади.

Узумнинг техник етуклиги кўрсаткичларидан асосийси қанд микдори ва титрланадиган кислоталилик микдори, шарбат мухитининг pH, бўёқ моддаларининг технологик микдори ва бошқалар. Узумга, тайёрланадиган шароб турига қараб, маълум талаблар қўйилади, масалан:

	Қанд микдори, %	Титрланадиган кислоталилик, %
Конъяк хом шароби	16 ва ундан юқори	5-11
Шампан хом шароби	17	8-10
Кувватли хом шароблар	18-24	5-8
Десерт хом шароблари	22 ва ундан юқори	5-7

Узум шингилининг механик таркибини таснифлашда пўстлоғи, гўшти, уруғлари, бандининг фоиз микдори аниқланади. Асосий кўрсаткичлари:

Мева кўрсаткичи - 100 гр. шингилдаги ризонинг сони.

Тузилиш кўрсаткичи - шарбат вазни шингилнинг қаттиқ қисмининг вазнига нисбати.

Бу кўрсаткич узумнинг қандай маҳсулот ишлаб чиқариш технологик йўналишини аниқлайди. Масалан, тузилиш кўрсаткичи қанча катта бўлса, демак, бу узумнинг шарбати кўп бўлиб, қаттиқ қисмларнинг оғирлиги кам бўлса, бу узум нави шароббоп деб топилган, шароб ишлаб чиқаришда кенг кўлланилади. Агарда қаттиқ қисми кўп бўлса, бу навдаги узум киёмга, мураббога ишлатилса, яхши натижা беради. Узум банди ўрта хисобдан 3-7%, гўшт билан шарбати 75-85%, уруғи 3-6%, пўстлоғи 15-20% ни ташкил қиласди.

Узилган узум 4 соат ичидага корхонага етказилиши ва қайта ишланиши керак. Узиш пайтида узум навларга ажратилади,

чунки шароб ишлаб чиқариш корхоналарида навли-"сортовой" шароб тайёрлашда, рангли ва оқ шароб тайёрлашда узум навларга кўра алоҳида бункерга қабул қилинади. Узумни дегустациядан ўтказиш шарт. Масалан, шароб тайёрлашда ишлатиладиган узум навларининг пўстлоги қалинроқ, кўпол, тахир, гўшидан ажралиб турган, гўшти серсув бўлади. Хўраки узумлари эса юбқа пўстли, майин, пўстидан гўшти тез ажралмайдиган, шираси кучли ва кислоталилиги сезилмайди.

Виночиликда узумнинг етилиш даври иккига ажратилган:

1. Физиологик етуклик ёки тўлиқ етилиш;
2. Технологик етуклик - ишлаб чиқаришга яроқли етилиш.

Муайян типдаги шарбатни тайёрлаш учун узумга қўйилган талабга жавоб берувчи узумнинг етилиш ҳолатига техникавий етилиш дейилади.

Узумнинг қанд ва кислоталар миқдори барқарорлигини сақлаб турган ҳолат физиологик етилиш дейилади. Узумни узиш вақти (асосан эрталаб, ҳаво ҳарорати юкори бўлса, ачиди, паст бўлса, ачиши қийинлашади) унинг технологик етилиши билан аниқланади.

Узум қайта ишлашга асосан автоприцеп, маҳсус автомашиналарда яшиксиз, саватсиз олиб келинади. Узумни қайта ишлашга олиб келишда уни фақат икки маротаба ағдаришга /тўкишга/ рухсат берилган. Йиғимчилар саватда транспорт сифинига ва ундан қабул бункерига топширадилар. Узумни куёш, ёмғир ва чангдан сақлаш мақсадида сифин юзаси полиэтилен билан ёпилади. Узум узилган куни заводларга келтирилиб, шу куннинг ўзида қайта ишланиши керак. Узум маҳсус контейнерларда КБА, КВС ва трактор прицепи ТВП-25да заводга жўнатилади. Корхонадаги автотарозида узум тортилади. Тортишдан олдин узумнинг касаллангани, янчилган даражаси ва

навнинг тозалиги текширилади. Лаборатория ходими намуна олиб, узум таркибидаги қанд микдори, титрланадиган кислоталилик микдорини тасдиқланган усуллар билан аниқлайди. Қандлилиги паст, лат еган узум кўп бўлса, унинг нархи пасаяди. Қайта ишланадиган узум қабул қилиниб, бункер-питателга тўкилади, ундан бир текисликда янчишга узатилади. Бир вақтнинг ўзида бир неча узум нави қайта ишлашга қабул қилинса, улар навига қараб алоҳида бункер-питателга йифилади. Бункер сиғимида узум 30 дақиқадан кўп бўлмаслигини ҳисобга олиш лозим.

Хомток. Ток, асосан, йилига икки марта хомток қилинади. Биринчи хомток шўра чиқариб, ҳосилли ва ҳосилсиз новдалари маълум бўлганда (апрел ойининг охиридан ток гулга киргунга қадар) қилинади. Бу шўра хомток дейилади. Шўра хомток вақтида эндигина гулга кираётган ҳосилдор новдаларнинг учини (1-2 см.) чилпиш яхши натижа беради. Чунки новдалар вақтинча тўхтаб, ўсишга сарфланадиган озиқ моддалар шўра ва гулларнинг ривожланишига сарфланади. Натижада ҳосил ва унинг сифати ошади. Иккинчи хомток ток гуллаб, ғўралар мoshдек бўлганда (июн ойининг ўрталарида) ўтказилади. Бу ғўра хомток дейилади.

Хомток вақтида ҳосилсиз, ортиқча, тескари ўсган, кераксиз бачки новдалар токқайчи билан олиб ташланади. Натижада узум бошларининг атрофи очилади, ток ҳаво, куёш нури, ёруғликдан яхши баҳра олади, замбуруғ касаллиги ривожланмайди, новдалар вақтида пишиб етилади, ҳосил мўл, сифатли ва ширадор бўлади.

Хомтокнинг қандай даражада қилиниши ток нави, парвариши, ер шароитларига боғлик. Кучли ўсувчи ток новдалари (хусайн, нимранг, каттакўрғон, кора кишиш ва бошқалар) хомток қилинганда новдаларнинг ортиқчаси олиниб, сийраклаштирилади. Ток ўртача ўсиб, ҳосили яхши бўлса,

новдалари тараб боғланади. Суст ўсган (баъзи винобоп навлар, парвариши ёмон) токнинг новда ва барглари оз бўлиб, ҳосили қуёш нуридан заарланиши мумкин. Бундай токлар хомток қилинмай, новдалари тараб боғланади. Ўртacha ҳамда суст ўсган ҳар бир ток тути 1 кг атрофида минерал ўғитлар (азотли, фосфорли, калийли) билан озиқлантирилади, қондири сугорилади.

Хомток вақтида ҳосилсиз, аммо, калта бўғимли, яхши ривожланган новдаларнинг баъзилари кундадан чиккан новдаларнинг 2-3 таси зангни алмаштириш мақсадида қолдирилади. Баргларни пала-партиш олиб ташлаш ярамайди. Акс ҳолда, барглар камайиб, новдаларга озиқ моддаларнинг келиши сусаяди, ҳосил ва унинг сифатига путур етади. Барг пала-партиш юлинса, куртак заарланиши мумкин.

ТОК ЗААРКУНДАЛАРИ

Ток канаси (*Eriophyes vitis Nal.*)

Зарари. Бу кана баъзан жуда кўпайиб кетади, ток баргларини сўриб, унинг новдасини анча кувватдан кетказади, натижада узум ҳосили камаяди ва сифати пасаяди. Одатда бу ҳашарот кам бўлиб, иккинчи даражали аҳамиятга эгадир.

Тарқалиши. Ток канаси Ўзбекистонда, Закавказъеда, Українанинг жанубий туманларида, Ўрта ва Жанубий Европада, Яқин Шарқ мамлакатларида, Калифорнияда учрайди.

Таърифи. Кана оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган даражада майда (микроскопик) бўлиб, катталиги 0,14—0,16 мм келади; гавдаси чўзиқ, учидаги узун қиллари бор, оёғи икки жуфт. Токда кана борлиги барглардаги ясси ғуддалар шаклидаги галларга қараб билинади, улар баргнинг орқа томонини қоплаб олади, чукурчалари ялтирок парда билан ўралган бўлади. Янги

ҳосил бўлган галларнинг ички томони оқ, кумуш рангда, эскиларники кўнғир-занг тусдадир.

Ҳаёт кечириши. Кана ток куртаклари ёнида қишлиб, кўкламда бу куртаклар барг ёзиши биланоқ унга ўрмалаб чиқади. 1990 йил августда Венада бўлиб ўтган XI Халкаро энтомологик конгресснинг қишлоқ хўжалиги энтомологияси секциясида кўрсатиб ўтилганидек (Харпац ва Бернштейн), ток канасининг маҳсус биологик тури ҳам бор экан. У токнинг баргларига эмас, балки куртакларига ёпишиб, энг аҳамиятли бирламчи куртакларни нобуд қилади, шундан кейин иккиласми ва учламчи куртаклар ривожланади.

Қаровсиз қолдирилган токзорларда, бегона ўтлар босган, айниқса ёғочга ёки ишкомга олинмай ерда қолдирилган, ёки аймоқи токда кана ҳаммадан кўпроқ бўлади. Ёғочга ёки ишкомга олинган ток кананинг ривожланиши учун ноқулайдир.

Кана узумнинг Кавказ ва Европа навларига қараганда Осиё навларига кўпроқ зарар етказади.

Ток канаси ёз бўйи бир неча насл беради ва вегетация даврининг охиригача баргларда тураверади.

Кураш чоралари. Ток канасига қарши энг асосий олдини олиш чораси —токни ёғочга ёки ишкомга олишdir. Канани йўқотиш учун токка коллоид олtingугуртнинг икки процентли суспензияси ёки 1° ли оҳак-олtingугурт қайнатмаси пуркалади (гектарига 1000 л ҳисобидан), шунингдек олtingугурт гули ёки майда қилиб тортилган қаламча олtingугурт (ишкомга олинмаган токларнинг гектарига 15 кг ва ишкомга олинган токларнинг гектарига 30 кг ҳисобидан) чангланади. Соф олtingугурт ўрнига 1 ва 2-сорт олtingугурт концентратларини ишлатиш мумкин, айни вақтда концентратдаги олtingугурт микдорига қараб дозировка оширилади.

Ўргимчаккана

Зарари. Баъзан айрим ток тупларида кўп бўладиган ўргимчаккана ток баргларини тўкиб юборади ва узумни етилтирмай қўяди; кана кам бўлса барглар қизаради-ю, тўкилиб кетмайди, бунда узум, гарчи пишса ҳам, шираси кам бўлади. Кана сўриши туфайли қувватдан кетган ток ҳосилини камайтиради.

Тарқалиши. Ўргимчаккана Ўзбекистоннинг турли туманларидаги токларга зарар етказадиган микдорда қайд қилинган.

Таърифи. Бу кана катталиги ва шакли жиҳатидан гўза ўргимчакканаси (*Tetranychus telarius L.*) га ўхшайди; *Tetranychus sp.* канаси оқ ёки оч пушти-оқ рангли бўлади.

Хаёт кечириши. Махсус текширилмаган ва асосан олганда гўза ўргимчакканасининг ҳаёт кечиришига ўхшайди.

Изабелла, Тавквери ва Матрасса узум навлари канадан зарарланмайди; Каберне франқ, Мурведр, Морастель ва Ркацителли навларига эса кана кўпроқ зарар етказади.

Кураш чоралари. Ўргимчакканага қарши олtingугурт гули, янчилган қаламча олtingугурт ёки олtingугурт концентратлари чангланади, ёки коллоид олtingугурт суспензияси, ё бўлмаса оҳак-олtingугурт қайнатмаси пуркалади, улар ток канасига қарши қандай нисбатда ишлатилган бўлса, ўргимчакканага қарши ҳам ўшандай нисбатда ишлатилади.

Акация сохта қалқондори

Зарари. Акация сохта қалқондори токни сўриб, қувватдан кетказади, узум бошларини ёпишқоқ тезаги билан ифлослантиради ва ширасини камайтиради.

Тарқалиши. Акация сохта қалқондори Ўрта Осиё, Қозогистон, Закавказье, Узок Шарқда, Ғарбий Европа мамлакатларида ва Шимолий Америкада таркалган.

Таърифи. Акация сохта қалқондорининг биринчи насли 4—7 мм катталиқда, жуда ҳам қавариқ, оч жигар ранг тусда бўлади, иккинчи насли 2—5 мм катталиқда, яссироқ, сарик-жигар ранг тусдадир. Оғиз органлари, оёқлари ва мўйловлари жуда кичкина бўлади, гавдасининг бўғимларга бўлинганлиги деярли сезилмайди.

Тухуми 0,08—0,10 мм катталиқда, овал шаклда, оқ бўлиб, мумсимон чанги бор.

Биринчи ёшдаги личинкаси оқ тусли бўлиб, мумсимон караш билан қопланган; гавдаси ясси бўлиб, учидаги иккита узун дум или бор, оёқлари узун, рўй-рост кўриниб туради. Иккинчи ёшдан бошлаб личинка дум ипларини йўқотиб, қалқон шаклини олади, қалқони овал шаклли, оч сарғиш тусли бўлиб, кейин қорамтири тулага киради.

Ҳаёт кечириши. Акация сохта қалқондори Ўзбекистонда йилига иккита насл беради. Личинкалари токда, кўпгина дарахт, буталарнинг тана ва шохларида ва ўтсимон ўсимликларда қишлияди. Апрелда личинкалар қишлиаган жойларида озиқлана бошлайди. Улар оқ акацияда айниқса кўп бўлади, бу ҳашаротнинг номи ҳам шундан олинган. Сохта қалқондорнинг зарари токда ва қисман олмада яққолроқ сезилади. Токда биринчи насл сохта қалқондор эски ва бултурги новдаларни сўради.

Личинкалар май охирида вояга етган қалқондорларга айланади; июнь бошларида урғочиси 1000 тача тухум қўйиб, кейин нобуд бўлади. Тез орада тухумлардан иккинчи насл личинкалари пайдо бўлиб, улар токка ўрмалаб чиқади. Биринчи ёшдаги личинкалари шамол ёрдамида ҳам тарқалиши мумкин;

ҳашарот токка ён-веридаги акация дaraohтларидан баъзан шу йўл билан ўтади.

Сохта қалқондорнинг личинкалари ёпишқоқ тезак чиқаради, бу ҳашарот кўп бўлса, бутун ток тезак билан қопланади, шу билан бирга тезак узумга тушса унинг ширасини камайтиради. Личинкалар кўпинча узумнинг ўзини ҳам сўради. Улар кузда озиқланиши тугаллаб, сохта қалқондорнинг майдароқ формасига айланади (мавсумий диморфизм). Ўрта Осиёда акация сохта қалқондорининг эркаклари топилган эмас. Бу ҳашарот партеногенез йўли билан кўпаяди.

Кураш чоралари. Эрта кўкламда (куртаклар бўртгунча) ёки кеч кузда токларга ва ён-веридаги дaraohт, буталарга 5° ли оҳак-олтингугурт қайнатмаси пуркалади. Куртаклари уйғонмаган дaraohт ва буталарга 6—8 процентли карболинеум эмульсиясини ёки 10 процентли минерал мой эмульсияларини пуркаш янада яхши. Токларга эрта кўкламда (куртаклар бўртгунча) темир купоросининг эритмасини (1 л сувга 60 г ҳисобидан) пуркаб кўйиш керак. Темир купороси эритмаси узумнинг доғли антракноз касаллигига қарши кураш учун ҳам фойдали эканлиги билан айникса муҳимдир. Унинг сохта қалқондорларга инсектицид сифатида таъсир этиши жуда ҳам эҳтимол. Токзорлар яқинига оқ акация экиш тавсия этилмайди, чунки сохта қалқондор шу дaraohтда кўпаяди ва сакланиб туради.

Ток унсимон қурти (*Pseudococcus citri* Risso)

Зарари. Ток қурти ҳаммахўр бўлиб, токдан ташқари анжир, цитрус ўсимликлари ва бошқа меваларга, тут дaraohтига, ҳар хил полиз экинларига ва декоратив ўсимликларга зарар етказади.

Закавказъедаги кузатишларга қараганда, ток қурти кўпайиб

кетганда узум ҳосилини баъзан 40—60% гача камайтириб юборади. Зааралланган узум буришиб ёки куриб қолади, ток новдалари тузук ўсмайди.

Тарқалиши. Бу курт Туркманистон, жанубий Тожикистоннинг айрим жойларида, Ўзбекистондаги Денов туманининг баъзи ерларида, Фаргона водийсида, Закавказъеда, Кримнинг жанубий соҳилида, Фарбий Европа жанубида, Азор ва Канар оролларида, Шимолий, Ўрта ва Жанубий Африкада, Яқин Шарқ мамлакатларида, Индонезия, Япония, Хитойда, Бермуд оролларида, Вест-Индия, Бразилия, Гавайя ва Новогебрид оролларида учрайди.


Таърифи. Куртнинг урғочиси 3,5—4,0 мм узунликда, кенг овал шаклида бўлиб, оқ мумсимон қават билан қопланган. Териси сарғиш-жигар ранг мумсимон модда билан қопланган бўлиб, узунасига кетган қорамтиричилиги бор. Гавдасининг икки ёнида 17 жуфт калта мумсимон ўсиқлари бор; шу жумладан орқадаги бир жуфти (дум иплари деб аталадигани) бошқаларидан анча узунроқ бўлиб, гавда узунлигининг $\frac{1}{4}$ ёки $\frac{1}{5}$ қисмини ташкил этади.

Эркагининг катталиги 1,2—1,5 мм чамасида бўлиб, бир жуфт қаноти, иккита дум ипи, анчагина узун мўйловлари бор (1-расм).

Ҳаёт кечириши. Ток унсимон қурти ток занги ёриқларида ва кўчган пўстлоги остида, токни кўтариб турадиган тиргакларнинг ёриқларида, дараҳтлар пўстлоғининг остида ва бегона ўтларда етилмаган урғочи стадиясида қишлиайди. Қисман 1 см ча чукурликдаги тупрокда эркак личинкалари ҳам қишлиайди. Қишилаб чиқсан эркак личинкалари кўкламда ҳалок бўлади, кеч кузда ривожланиб бўлган эркак ҳашаротлардан бир қисми ҳам кейинчалик нобуд бўлади. Шу сабабли Ўрта Осиёда ток қурти

деярли нукул партеногенез йўли билан кўпаяди.

Кишилаб чикқан ургочи ҳашарот апрель охири—майда жинсий вояга етиб, ток новдаси ёки дараҳт танаси ва шохларининг қайси жойларини сўрган бўлса, ўша жойга тухум қўяди. Температура 16° дан паст бўлмаган вақтда тухумлардан личинкалар чиқади (Алексидзе).



I-расм. Ток унсимон қурти.

Озарбайжондаги кузатишларга қараганда, ток қурти мавсумда учта, қисман тўртта насл беради. Биринчи насли ток занги, новдалари ва баргларини сўриб озиқланади, иккинчи насли асосан баргларни ва шўрани сўриб озиқланади, учинчи насли деярли нукул барг ва меваларни сўриб озиқланади. Айниқса ёз охирида ва кузда кўпроқ зарар етказади. Ток куртининг ургочиси занг ва новдаларга 4—40 та, баргларга 100—150 та, шўра бандларига ва гўрага 250—600 та тухум қўяди. Овқатланиш режимидан ташқари, температура ҳам ургочиларнинг тухум қўйишига таъсир этади; $22-25^{\circ}$ ли оптимал температурада ургочи курт кўпроқ урчийди. Тухумдан 10—14 кунда личинка чиқади. Биринчи ёшдаги личинкалар $22-25^{\circ}$ (оптимал) температурада 15 кунда, иккинчи ва учинчи ёшдаги личинкалар эса 16 кунда ривожланади. Вояга етган ургочи куртлар 50 кунгача

яшайди. Ургочи қуртлар сүнгги марта пўст ташлагандан кейин орада икки ҳафта ўтгач жинсий жиҳатдан етилиб олади.

Кураш чоралари. Олдини олиш чоралари қўйидагилардан иборат: токзор бегона ўтлардан тоза тутилади, эрта кўкламда занг пўстлоғи ва дараҳтларнинг таналари нобуд бўлган пўстлардан тозаланади ҳамда уларга оҳак-керосин эмульсияси суриб қўйилади.

Кураш чоралари: ток ва дараҳтларга 0,5 кг оҳак, 1,5 л керосин билан 6 кг сивуш мойини 100 л сувга аралаштириб тайёрланган эмульсия пуркалади, ҳар бир туп токка шундай эмульсиядан 1,5 л чамаси сарфланади (Принц). Аммо бу эмульсия узум сифатини бузади: узум мумсимон пардасидан маҳрум бўлади ва қанд миқдори 0,5% ча камаяди, шу сабабли ток қуртига қарши кураш чораларини мумкин қадар кўкламда (ток гуллагунча) ёки ёз бошларида (ток гуллаб бўлгандан кейин тез орада) амалга ошириш керак.

Сўнгги маълумотларга караганда (Митрофанов, Карумидзе ва бошқалар), ток унсимон қуртига қарши курашда 0,25 процентли тиофос суспензиясини узум пишишидан камида бир ой илгари пуркаш яхши натижа беради.

Янги хўжаликларга ток унсимон қуртининг ўтишига йўл қўймаслик учун шу ҳашарот тарқалган хўжаликлардан кўчат, мева, идишлар, тиргавич ёғочлар, бағаз, пояларни яхшилаб текширилмай ва карантин инспекциясидан рухсат олмай келтириш мумкин эмас.

Комсток қуртига қарши кураш учун кўчат ва меваларни юкумсизлантиришда қандай усул ва воситалардан фойдаланилган бўлса, ток унсимон қуртига қарши курашда ҳам ўшандай усул ва воситалардан фойдаланилади, шунингдек кўчатни 52° гача иситилган сувда 7 минут давомида дезинсекция қилиш тавсия

этилади.

Ўзбекистонда узумга уч хил ари: *Osciё apicus* ёки қовогари (*Vespa orientalis* F.); *майдарипа* (*Vespa germanica* F.) ва *туркман ариси* (*Polistes caspicus* Mor.) зарар етказади.

Зарари. Арилар тупдаги пишган узумни ҳам, қуритилаётган узумни ҳам, омборда сақланаётган узумни ҳам еб кўйиб, баъзан катта иқтисодий зарар етказади. Арилар узумдан бошқа меваларни, жумладан, ўрикни ҳам талайди.

Қовоғари асалариларни ўлдирадиган йирткич бўлиб, асаларичиликка баъзан каттагина зарар етказади. Бундан ташқари, қовоғари гўшт дўконлари ва қушхоналардаги гўштни, баъзан эса яқинда ўлган ҳайвонларнинг гўштини ҳам талайди. Ари ўлаксани талаганда баъзи юқумли касалликларнинг микробларини ва мурда заҳарини механик йўл билан тарқатиб, одам соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин; одамни ари чақкан пайтда мурда заҳари қонга ўта олади.

Ҳар хил арилар, айниқса қовоғари чаққанда жуда оғритади. Ўрта Осиёning жанубий вилоятларида ари кўпроқ бўлиб, катта зиён етказади.

Тарқалиши. Қовоғари Ўрта Осиёда ва Қозоғистоннинг чегарадош жойларида, жануби-шарқий Закавказье, Эрон, Афғонистон, шимолий Ҳиндистон ва Мисрда учрайди. Майда ари Осиёда (тропик вилоятларга қадар), Европа, шимолий Африка ва шимолий Америкада учрайди; туркман ариси ҳозирча фақат Ўрта Осиёда маълум.

Таърифи. Арининг ҳамма турлари полиморф, эркаклари ва ишчилари урғочиларидан майдароқ бўлади. Улар орқасининг олди қисми харакатсиз бўлиб, орқа чеккаси ўйикили, мўйловлари бўғимли, олдинги қанотлари узунасига йифилади.

Қовоғарининг урғочиси ёки она арининг (2-расм) узунлиги 3

см гача этади, эркаги бир оз майдароқ, ишчиларининг узунлиги эса тахминан 2,5 см келади. Боши кўзига қараганда анча орқага қараб давом этади, оддий кўзчалари кўзларининг орқа чеккасидан олдинроқда бўлади. Гавдаси жигар рангда, бошининг мўйловлар ўртасидаги олдинги қисми сариқ бўлиб, қорнининг олдинги ярмида сариқ кўндаланг йўл бор. Қорнининг орқадаги учи сариқ, устида жигар ранг доғлари бор, қанотлари сал-пал қорамтири бўлади. *Майдо арининг* узунлиги тахминан 2 см бўлиб, бошининг кўз орқасидаги қисми кенгайган эмас; оддий кўзчалари кўзларнинг орқа чеккаси билан бир даражада. Боши (усти, кўзлари ва мўйловларидан ташқари) билан қорни сариқ, кўкрагининг асосий қора фонида сариқ доғлар, қорнида эса кўндаланг қора доғлар бор. Оёқларининг учи сариқ бўлиб, сариқ қаншарида учта (баъзан битта) қора нуқта бор.

Туркман арисининг узунлиги 1,6 см гача бўлиб, майдо ариларга қараганда ингичкароқ, чўзиқроқ, қорнининг поячага ўхшаб чўзилган сегменти конус шаклида бўлади ва асосига томон секин-аста торайиб боради, ҳолбуки майдо ариларда бу сегмент юқоридан тикка қирқилиб тушган.



2-расм.
Ковогари(Плотниковдан).

Туркман арисининг қора кўкрагида сариқ доғлар бор, қорни қора бўлиб, кенг сариқ йўллари бор. Бу йўллар сегментларнинг орқа чеккаларидан ўтади. Оёқ сонларининг 3/4 қисми қора, оёқ учлари эса сариқ бўлади. Ариларнинг личинкалари куртга ўхшаш, оёқсиз, гумбаклари эркин бўлади.

Ҳаёт кечириши. Кузда уруғланган она арилар тошлар орасига, деворларнинг тешик-ёриқларига, ўсимлик қолдиқларининг остига кириб қишлиайди.

Кўкламда уйғонган она арилар ин ясайди, айни вақтда қовогари билан майда ари кўпинча бултурги инларидан фойдаланади. Кичкинагина иннинг катаклариға тухум қўяди ва ундан чиқсан личинкаларни асосан ўзи ўлдириб олиб келган ҳашаротлар билан боқади. Қовоғари эса гўшт бериб ҳам боқади.

Личинкаларидан «ишчи» арилар пайдо бўлади, улар инни кенгайтириб, бошқа личинкаларни боқа бошлайди. Она ари эса дастлабки ишчи арилар пайдо бўлгандан кейин дархол личинкаларни боқмай қўяди ва тухум қўйиши давом эттиради, шу билан бирга тухумни тобора тезроқ қўяди. Она ари ҳалок бўлган тақдирда бутун ин қотиб ўлиб колади.

Ишчи арилар ғумбаклардан чиққач ургочи ари баъзан инни ташлаб кетади. Қишлоқ хўжалигига нуқул деярли ишчи арилар зарар етказади. Вақт ўтиши билан колониялар тобора кўпаяди ва ёз охирига келиб, арилар жуда ҳам кўпайиб кетади. Кузда янги эркак ва ургочи арилар пайдо бўлади, улар жуфтлашади ва уруғланган ёш ургочи арилар қишлигани кетади, қолганларининг ҳаммаси ўлади.

Қовоғари пахса девор ва биноларнинг тешик-ёриқларига ин кўяр экан, уларни жағлари билан кенгайтиради. Ари инни соз тупроқ ёки лойдан қуради. Унинг катаклари бир неча қават бўлади, эски инлардаги қаватлар бештагача боради.

Майда ари ва туркман ариси ёғочни жағи билан қиради ва ундан чиқсан қипиқни сўлаги билан бириктариб ин қуради. Бундай ин худди дағал кул ранг қофоздан ясалганга ўхшаб кўринади.

Майда ари ҳам инни қовоғари каби, пахса девор ва биноларнинг тешик-ёриқларига, баъзан ерга қуради. Ини шар шаклида бўлиб, катталиги одам калласидек келади ва ичидаги каторгача катаклари бўлади.

Туркман ариси ҳам инларини баъзан деворларнинг ёриқларига кўяди. Аммо кўпинча иморатларнинг деворларига, дараҳтларнинг тана ва шохларига очик кўяди.

Қовоғари билан майда ариларга паразитлар қаттиқ ҳужум қилиб туради, масалан, Бухоро атрофида қовогарининг айрим инларидаги *Sphecocephala vesparum* Ст. яйдоқчиси тушган катаклар топилган, булар 50 процентгача етиши автор томонидан аниқланган.

Кураш чоралари. Ариларга қарши асосий кураш чораси — ари инларини личинкалари, ғумбаклари ва энг муҳими ургочилари билан бирга йўқотишидир.

Қовоғари ва майда ари инлари сероуглерод, хлорпикрин ёки формалин билан дориланади, бу дорилар қўйилгандан кейин иннинг оғзига лой чапиб қўйилади. Туркман арисининг очик инларига эса қайноқ сув қуйилади ёки ўт ёқилади.


Инларни дорилаш, қайноқ сув билан куйдириш ва ёқиб юбориш ишлари эрталаб соат 5 — 6 ларда, яъни ҳамма арилар инда турган вақтида бажарилади.

Қовогарига қарши курашишда гўштдан заҳарли емлар тайёрланиб, асалари хоналарга, токзорларга, мева қуритиладиган жойлар яқинига ёки ари инлари яқинига қўйилади. Бир парча гўшт маргимуш тузлари билан чангланади, гўштдан тайёрланган заҳарли емнинг устки қаватини арилар еб кетган сайин у янгидан чанглаб турилади.

Зарари. Ўзбекистонда, ток ёғочга олинмаса, унга зарар етказадиган барг ўровчининг куртлари куртак, шўра (гул), мева (ғўра)лар билан озиқланади, шунингдек шўра бандини кирқиб кетади, баъзан ёш новдаларнинг ичига ўйиб киради. Натижада узум доналари қуришиб қолади (3-расм).

Курт ўзи зарар етказган шўраларни ўргимчак ипи билан

ўрайди, уларга кўпинча тупроқ докаларини ҳам ёпиширади. Мирзачўлда каттагина майдондаги қора кишмиш ҳосилининг 40 — 50 процентини барг ўровчи нобуд қилган (Кожанчиков).



3-расм. Ток барг ўровчиси тушган узум боши.

Ўрта Осиёда ток барг ўровчиси деярли нукул қора кишмишни заарлайди.

Тарқалиши. Ток барг ўровчиси Ўзбекистоннинг шимолий туманларида (Самарқандгача, шу жумладан, Самарқанд шаҳрининг ўзида ҳам), Жанубий Қозогистон, Крим, Кавказ, Узоқ Шарқ, Фарбий Европа, Хиндистон ва Кичик Осиёда учрайди.

Таърифи. Капалаги қанотларини ёзиб турганда 12—15 мм келади. Олдинги қанотлари оч сариқ ёки оч кулранг, ялтироқ бўлиб, қанотининг ўртасида кенг кўндаланг қорамтири боғи (4-расм) ва кумуш ранг жилоси бор. Орка қанотлари кулсимон-кўнғир рангда, эркагининг шундай қанотлари эса оч кулрангда бўлади.


Тухуми оқ, яссиланган бўлиб, катталиги 0,65—0,9 мм келади.

Катта ёшдаги куртининг узунлиги 14 мм гача боради, ранги қизил ёки яшилроқ пушти, боши қора бўлади. Гавдасида майда қорамтири сўгалчалар бор. Яқинда тухумдан чиққан курт оч

кулрангда бўлиб, ўртасида қизғиши ҳошияси бор, бу ҳошия гавда бўйлаб ўтади, куртнинг боши қора бўлади.

Гумбаги жигар рангда, узунлиги 5—5,6 мм бўлиб, гунгурт оқ пилланинг ичидаги туради.

Ҳаёт кечириши. Ток барг ўровчиси дараҳтларнинг пўстлок ёриқларида, ток зангининг пўстлоқлари остида, поя ёрикларида ва шунга ўхшаш пана жойларда ғумбаклик стадиясида қишлайди.



4-расм. 1 — ток барг ўровчиси, 2 — курти ва
3 — гумбаги (Принц асаридан).

Кўкламда учиб чиқадиган капалаклари токнинг, айниқса, кўпинча қора кишишининг шўра куртакларига тухум қўяди, айни вақтда ер яқинидаги шўра шингилларининг пастки қисмини хуш кўради, қисман сирень, смородина, печакгул ва учқатга ҳам тухум қўяди. Капалак умрида 60—100 тухум қўяди. Тухумдан чиқсан куртлари токнинг шўра куртакларини ўргимчак или билан ўрайди, шўра куртакларини ейди, шунингдек новдаларнинг ичига ҳам ўйиб киради. Ўсган курт зангининг ер бағирлаб ётган қисмидаги кўчган пўстлоғи остида пилла ўрайди, сўнгра пилланинг ичидаги ғумбакка айланади. 1,5—2 ҳафтадан кейин ғумбаклардан янги капалаклар чиқади.

Ёзги насл капалаклари тухум қўйиш учун намроқ жойлардаги узумни— асосан ерга тегиб турган узум бошларини хуш кўради. Тухумлардан янги чиқаётган куртлар узум

бошларининг қоронфироқ ва ерга якин турган шингилларига зарар етказади. Курт ва ғумбакларнинг ривожланишига намлиқ қулай шароит туғдиради. Ўрта Осиёда узум боши ғуж бўладиган навларда зангга яқин—пастда жойлашган узум бошларининг заарланишига ҳам сабаб шу бўлса керак. Иқлими намроқ жойларда (масалан, Кавказда ёки Европада) ҳар хил нав ва турли баландликдаги узумларга ҳашаротлар зарар етказа беради.

Кураш чоралари. Ўрта Осиё шароитида ток барг ўровчисининг катта зарар етказадиган микдорда кўпайишига йўл кўймайдиган радикал чора— токни ерда қолдирмай, ёғочга ёки ишкомга олишдир. Намни хоҳлайдиган ток барг ўровчиши Ўрта Осиёнинг иссик иқлимида ёғочга ёки ишкомга олиб ўстириладиган токда кўпайиб кета олмайди.

Ток барг ўровчисини кириш чораларидан бири унга кальций арсенат эритмасини (1 л сувга 3 г кальций билан 3 г оҳак қўшиб тайёрланган) гектарига ўрта ҳисоб билан 1000 л дан пуркашдир. Шунингдек 5,5 процентли ДДТ дустини ток гуллашидан илгари гектарига 30 кг ҳисобидан ишлатиш ҳам мумкин.

Зарари. Узум барг ўровчиши узумни заарлайди, кўпинча ток ерда қолдирилганда жуда катта зарар етказади. Масалан, 1970 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида ток ва узум барг ўровчисининг куртлари тушиши натижасида узум ҳосилининг тахминан ярми нобуд бўлганлиги маълум, шу билан бирга узум барг ўровчисининг куртлари зааркунандаларнинг 90 процентини ташкил этган (Кожанчиков). Узум барг ўровчисининг куртлари шўра, ғўра ва сўнгра узумнинг ўзини ҳам еб қўяди. Барг ўровчи тушган узум бошлари кўпинча ириб кетади.

Тарқалиши. Узум барг ўровчиши Ўзбекистонда Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг фақат 12

туманида, Ашхобод атрофида ва Еттисувда учрайди. Бу ҳашарот Қуи Поволжьеда, Украинанинг жанубида, Крим, Кавказда, Ўрта ва Жанубий Европа, Қичик Осиё, Шимолий Африка, Шимолий Америкада ҳам тарқалган.

Таърифи. Капалаги қанотларини ёзганда 12 — 13 мм келади. Олдинги қанотлари зайдундай қўнғир бўлиб, кўндалангига иккита оч боғи бор. Қанотининг олдинги чеккасида, ўртаси яқинида қора доғлардан иборат хира жилоси бор. Орқадаги қанотлари кул ранг, асоси ташқи чеккасига қараганда очроқ (5-расм) бўлади.

Тухумининг узунлиги тахминан 0,5 — 0,7 мм; ранги сарик, уст томони бир оз босилган.

Куртининг узунлиги 12 мм гача боради, дастлаб оқимтири (боши қора) бўлади, кейинчалик сарғимтири ёки яшилроқ, боши эса оч қўнғир тусга киради.

Гумбагининг узунлиги 5 — 7 мм, жигар ранг тусда бўлиб, 10 — 12 мм катталиқдаги дуғсимон оқ пилланинг ичидаги туради.

Ҳаёт кечириши. Узум барг ўровчиси занг пўстлоғининг тангачалари остида, поя ёрикларида, барглар остида ғумбаклик стадиясида қишлийди. Кўкламда капалаклари чиқади, улар ғира-ширада учиб ток шўрасига тухум кўяди, токнинг коронфироқ жойларидаги шўраларни хуш кўради. Урғочиси умрида 50 — 60 та тухум кўяди.


Май охирида қуртларнинг биринчи авлоди ўсиб етишади, улар асосан шўра билан озиқланади ва бошқа кўпгина ўсимликларда анча камроқ бўлади. Қуртларнинг биринчи насли токнинг турли навларига бирдай зарар етказади.

Июлнинг биринчи ярмида узум барг ўровчининг иккинчи насли, августнинг ярмига келиб—учинчи насли ва октябрнинг ярми— охирларига келиб— тўртинчи насли пайдо бўлади.

Тўртинчи, қисман учинчи наслнинг ғумбаклари қишлиади. Биринчи насл куртларидан бошқа куртлар аввал ғўра билан, сўнгра пишаётган узум билан озиқланади: ёш куртлар узум донасини ичидан еяверади, ўсган куртлар эса ташқаридан ўйиб киради.

Куртлар намни хоҳлаганидан иккинчи наслдан бошлаб ерда қолдирилган ёки узум боши ғуж бўладиган токларга кўпроқ тухум кўяди. Мускат, қора кишмиш ва ҷарос кўпроқ, сапирави, Каберне франк, Каберне савинъон, Ркацители ва Рундвейс навлари камроқ заарланади.

Учинчи ва тўртинчи насл куртларидан заарланган узум бошлари кўпинча ириб кетади, ерга тегиб турган, шунингдек зич узум бошлари айниқса кўп ирийди. Тўртинчи насл қуртлари ҳашаротнинг қишлиайдиган жойларида ғумбакка айланади, дастлабки уч насл эса буқланган барглар остида, поя ёрикларида ва тупрок доналари остида, асосан узум бошларининг орасида ғумбакка айланади.



5-расм. Узум барг ўровчиси, унинг қурти, ғумбаклари, қишки пиллалари ва узум донасидаги тухумлари.

Кураш чоралари. Маданий-хўжалик чораларидан бири

токни ерда қолдирмасдан ёғочга ёки ишкомга олишдир.

Ток барг ўровчисига қарши қандай химиявий чоралар күрилган бўлса, узум барг ўровчисига қарши ҳам шундай чоралар кўрилади. Узум барг ўровчисига қарши токка уч марта: биринчи марта —ток гуллашига икки ҳафта қолганда, иккинчи марта—беш кун қолганда ва учинчи марта—гуллагандан бир ой кейин кальций арсенат пуркалади ёки чангланади, шу билан бирга дорилаш ишлари узум узишдан камида 20 кун илгари тўхтатилиши шарт, Учинчи дорилашда ДДТ ишлатилмаслиги керак.

Ўрта Осиёда узумга уч хил бражник: *ўрта вино бражники* (Pergesa elpenor L.), *Алекто бражники* (Theretra alecto L.) ва *линейкасимон бражник* (Celerio livornica Esp.) зарар етказади. Улар бир хил зарар етказади, ҳаёт кечириши асосан бир-бириникига ўхшайди, кураш чоралари ҳам бир хил.

Зарари. Бражниклар иккинчи даражали заараркунандалар бўлиб, айrim йилларда баъзи жойларда кўпайиб кетади, хийла катта зарар етказа олади.

Бражникларнинг қуртлари ток баргларини, айниқса новданинг учидаги баргларни еб қўяди. Бухоро вилоятининг Шофрикон ва Вобкент туманларида айrim токларнинг деярли ҳамма баргларини линейкасимон бражник еб қўйганлиги (автор) ва Мирзачўлда ўрта вино бражники токнинг деярли ҳамма баргларини еб қўйганлиги (Кожанчиков) қайд қилинган. Бражниклардан қаттиқ заараланган токларда узум ҳосили анча камайиб кетади.

Тарқалиши. *Ўрта вино бражники* бутун Палеарктикада тарқалган (шимолий туманлар бундан мустаснодир), *Алекто бражники* Ўрта Осиё, Қозогистон, Кавказда ва Ўрта дengизнинг шаркий соҳилида, *линейкасимон бражник* Ўрта Осиё, Еттисув,

Кавказ, Крим, Ўрта ва Жанубий Европа, Жанубий Осиё, Африка ва Австралияда учрайди.

Таърифи. Ўрта вино бражсниги қанотларини ёзганда 6—7 см келади. Олдинги қанотлари зайдундай яшил, уларнинг ташки чеккаси гунафша рангли бўлиб, пушти тусда товланади. Қанотининг учидан орқа чеккасига қараб қийшиқ ҳолда иккита камбар гунафша йўл кетади. Орқа қанотлари пушти, асоси эса қора. Капалакнинг танаси залварли, икки ёни қизил, усти зайдундай яшил, узунасига кетган пушти йўллари бор, мўйловлари оқ бўлади.

Куртининг узунлиги 10 см гача боради. Ранги яшилдан тортиб қорагача бўлиши мумкин, кўпинча эса яшил ёки қўнғир бўлади. 4 ва 5 сегментларининг ёнида биттадан йирик доги ва бу доғларнинг қора ҳошияси бўлади. Доғларнинг ўртасида ярим ой шаклидаги ёруғ ядро бор. Курт гавдасининг орқа учидаги калта, кенг қора ўсиқ бўлади.

Ғумбагининг узунлиги 3—3,5 см келади, ранги оч қўнғир, қора нуқталари бор.

Алекто бражсниги катталик жихатдан ўрта вино бражнигидай келади. Олдинги қанотлари оч қўнғир бўлиб, пушти тусда товланади, қанотининг учидан орқа чеккасига қараб қийшиқ ҳолда раншан корамтири чизик ва унга параллел равишда турлича корамтири хира йўл ўтади. Орқа қанотлари қизил, асоси қора, ташки ва олдинги чеккалари корамтири, ички бурчаги оқимтири бўлади.

Куртининг узунлиги, шакли ва ранги ўрта вино бражниги куртиникига ўхшайди, аммо кўпинча тўқ қўнғир рангли бўлади. 4—5 сегментларида доғларнинг ўртаси ёруғ, аммо ярим ой шаклида эмас, балки овал шаклдадир.

Линейкасимон бражник қанотларини ёзганда тахминан 7 см

келади. Олдинги қанотлари зайдундай яшил, уларнинг учидан игки бурчагига қараб қийшиқ ҳолда кенггина оқимтири ҳошия ўтади, қанот томирлари оқ бўлиб, зайдун рангидан яққол ажралиб турди. Орқа канотлари пушти, асоси қорамтири, орқа чеккасида кенг қорамтири ҳошияси бор. Танаси йўғон, зайдундай яшил, оқ ҳошиялари, сегментлари орқа чеккаларида эса оқ ва қора доғлари бор.

Куртининг узунлиги 9 см гача боради, яшил, баъзан жигаррангда. Орқаси бўйлаб пушти ҳошия ўтади, гавдасининг икки ёнида йирик пушти кўзчалари бор. Гавдасининг учидаги пушти рангли мугузсимон узун (5 мм ва ундан ортик) ўсиғи бор. Орқага қараган бу ўсиқнинг уни қорамтири бўлади.

Ғумбаги сарик-кўнғир тусли бўлиб, узунлиги тахминан 3,5 см келади.

Ҳаёт кечириши. Ўзбекистондаги бражникларнинг ҳаёт кечириши кам текширилган. Бражниклар тупрокда ғумбаклик стадиясида қишлияди. Токда биринчи насл қуртлари май охири—июнь бошларида учрайди. Улар токдан бошқа ўсимликларда ҳам озиқланади. Масалан, *ўрта вино бражники* билан линейкасимон бражник чакамукда озиқланади, 1978 йилда Бухоро вилоятининг Шофрикон туманида линейкасимон бражникнинг қандим қўчатларига анча зарар етказганлигини автор кузатган. Ўрта Осиёда бражниклар ёз бўйи камидаги иккита насл беради. Иккинчи (тажминий) насл қуртлари токда август ўрталарида пайдо бўлади.

Кураш чоралари. Бражникларнинг ғумбакларига қарши кураш учун токларнинг атрофини кеч кузда ёки эрта кўкламда чопиб, юмшатиб туриш фойдалидир. Қуртларга қарши кальций арсенат эритмасини пуркаш яхши натижада беради (бунинг учун 1 л сувга 3 г заҳар солинади ва гектарига тажминан 1000 л

хисобидан сарфланади).

Куртлар күлда ҳам терилади.

Токбарг ўровчиси. Бу зааркунанданинг личинкаси (курти) дастлаб узум ғунчаларини, сўнгра ғўраларини шикастлайди. Натижада ғунча курийди. Ғўра қаттиқлашади, ўсмайди ҳамда нотўғри шаклга киради. Кейинчалик эса сасиб кетади. Личинка ғумбакка айланиб узум новдалари ёриклирида қишилайди, апрель бошида ва май ойида капалакка айланиб узум ғунчаларига тухум кўяди. Тухумдан чиқсан личинка-курт узум бошларида ўргимчак ипларидан ин ясад ғунча билан тўйинади. Сўнгра, узум бошларидағи гужум орасида ўрмалайди, узум бошларининг катталашуви билан қурт инлари бузилади. Бу зааркунанда бир мавсумда тўрт мартагача авлод беради. Узум барг ўровчиси қалинлашиб кетган узумларда ва ҳаво сернам бўлганда тез кўпайиб узум ҳосилига катта зарар етказади.

Кураш чоралари. Узумларни симли сўритокка кўтариб ўстириш керак. Узум тупларини қалинлашиб кетишига йўл кўймай, ўз вақтида яхшилаб хомток қилиб турилиши лозим. Бу зааркунанда тушган узум тупларига 5,5 фоизли ДДТ порошоги узум гуллагунча чангланади, биринчи чанглашдан 35 кун ўтказиб иккинчи марта ва зарур бўлишига қараб узум узишга 20 кун қолганда учинчи марта чангланади. Узумда раға касаллиги ҳам пайдо бўлса, чанглашда бир хисса ДДТ порошогига бир хисса олтингугурт кукунини кўшиб ишлатиш яхши натижади.

Ўргимчакканава бужғун канаси. Булар жуда майда ҳашарот бўлиб, узум тўда бўлиб барг ширасини сўради. Натижада, баргнинг сиртида майда шиш — бужғун пайдо бўлади. Ўргимчакканава шикастлаган баргларда қўнғир доғлар пайдо бўлади. Узум қаттиқ заарланганда унинг барглари куриб, тўкилади.


Кураш чоралари. Заарланган узум тупларига гуллагунча ва гуллагандан кейин олтингугурт кукуни чангланади. Узумзорни ўтлардан тозалаб турилади.

Бузокбоши. Бу зааркунанда узумнинг, айникса, ёш узумнинг тана ва илдизини кемириб зарар етказади.

Кураш чоралари. Кузда ерни ҳайдаш олдидан гектарига 80—100 кг гексахлоран фосфор унига кўшиб сепилади.

Кўк ва қир чигирткаси. Бу зааркунандалар асосан лалми туманларда кўп учрайди.

Кураш чоралари. Зааркунанда тушган узумзорларга гексахлораннинг 12 фоизли порошоги чангланади ёки заҳарли ем сочилади.



6-расм. Узум барг ўровчиси
капалаги ва курти.



7-расм. Узум барг ўровчиси
заарлаган узум боши ва гужуми.

Яйдоқчи (Бражники). Бу зааркунанданинг курти узум баргини еб яшайди.

Кураш чоралари. Узумзорга ДДТ порошоги ёки ҳар гектарга 15—20 кг ҳисобидан арсенит кальций чангланади.

Раға (кул тушиш касаллиги). Бу замбуруғ келтириб чиқарадиган касаллардан бўлиб ёш узум новдаларини, узум бошлари чўпини (бандини), гужумини ва ёш баргларни шикастлайди. Шикастланган узум новдаларида қорамтири, ёйилган доф пайдо бўлади, кузга бориб бу дофлар қизғиш малла тусга киради. Бундай новда яхши ривожланмайди, келгуси йили ҳосили кам бўлади. Узум бошларидаги шингиллар яхши ривожланмай чирий бошлайди, гужумларда унсимон ғубор пайдо бўлади, натижада унинг ўсиши тўхтаб, курийди ёки кечроқ шикастланган бўлса, ёрилиб сасий бошлайди. Узумзорда ҳаво сернам ва дим бўлса, бу касаллик кучайиб кетади. Раға касаллиги замбуруғлари бир йиллик узум новдаларида қишлиди. Бу замбуруғ кўкламда узум гуллагунча спора ҳосил қиласди. Раға бир йилда икки марта - кўкламда ва кузда кўпайиши аниқланган. Касалланган узум тупларидан экиш учун новда тайёрлашга йўл қўйилмайди.

Кураш чоралари. Узум тупларини симли сўритокка кўтариб ўстириш керак. Хомток қилиш ишларини ўз вақтида пухталик билан ўтказиш, узумзорни қишда тўйдириб суғориш, аммо ёзда ўтказиладиган суғоришни камайтириш керак. Узум гуллашига бир ҳафта қолганда икки ҳисса оҳак кукунига бир ҳисса олтингугурт кукуни аралаштириб чангланади ёки 0,5 даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси ва ёки 10 л сувга 100 г коллоид олтингугурт қўшиб тайёрланган 1 фоизли суспензия пуркалади. Узум гуллашининг охирида унга олтингугурт кукуни чангланади. Касаллик мавжуд бўлганда 10-15 кун оралатиб яна учинчи ва тўртинчи марта олтингугурт кукуни чангланади.

Кузда узумларни кўмиш олдидан ўсимликларга 0,5 даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси (ИСО) пуркалади. Ёки олтингугурт кукуни чангланади ва ёки 10 л сувга 800 г

карболинеум қўшиб тайёрланган 8 фоизли эмульсия пуркалади. Кузда қилинадиган бу пуркаш ишларини кўкламда узум очилиши билан ўтказиш ҳам мумкин. Агар узум шўра чиқара бошлаган бўлса, оҳак-олтингугурт қайнатмасининг кучини 1 фоиз камайтириб, карболинеум эмульсияси кучини 2 фоизга тушириб (10 л сувга 200 г дан қўшиб) пуркалади.

Рага касаллигига қарши курашда, касалланган узум бошларини марганцевокислий калийнинг (калий перманганатнинг) 1—2 фоизли эритмаси (10 л сувга бу доридан 100—200 г қўшиб) билан ювиш ёки пуркаш ва кетма-кет олтингугурт чанглаш яхши натижа беради. Бу ерда

марганцевокислий калий эритмаси ўрнига кальцийлаштирилган сода (кир содаси) ёки двууглекислий сода (чой содаси) нинг 0,5 фоизли эритмасини пуркаб, олтингугурт кукунини чангламаса ҳам бўлади. Бунда пуркаладиган сода эритмаси узумларга яхши ёпишсин учун унга бир стакан шакар ёки 200 г суюқ совун ва ёки 100 г кир совун аралаштирилади.



8-расм. Оидиум билан касалланган ток новдаси

Оидиум кул ёки уншудринг касаллиги деб ҳам аталади. Токда кўп учрайдиган хавфли касаллик бўлиб, уни замбуруглар қўзғатади. Касаллик асосан ёғингарчилик кўп бўлган йилларда айниқса, офтоб кам тушадиган нам ва дим жойларда тез ривожланади. Касаллик билан ток барги, турли ёшдаги новдалари ҳам шўра ва ғужумлари заарланади. Токларда турли катталиқдаги ғуборлар пайдо бўлади, кейинчалик бу ғубор жигаррангга киради сўнг қораяди. Заарланган новдалар яхши ривожланмайди, пишиб етилмайди, узум бошлари олдин сўлийди кейин қуриб қолади. Тўпгуллар,

ғунчалар кейинроқ тугунчалар аста-секин қорая бошлаб, оқиши губор билан қопланади. Узумларда кулга ўхшаш губор пайдо бўлгач мева пўсти ёрилади ва уруғлари кўриниб қолади, узумлари чириб қурийди. Ҳосил ейишга ва қайта ишлашга яроқсиз ҳисобланади. Касалликнинг олди олинмаса ҳосилни катта қисми нобуд бўлади.

Кураш чоралари. Кузда токни кўмиш вақтида 5 фоизли олтингугурт эритмаси (ИСО) ёки 2—3 фоизли нитрофен эритмаси пуркалади. Май ойида биринчи хом-тоқдан кейин, июнда иккинчи хомтоқдан кейин олтингугурт кукуни ёки олтингугурт кукунига оҳак кукуни аралаштириб сепилади. Ҳар тупга 30—50 грамм, гектар ҳисобига 30—35 кг олтингугурт аралашмаси сарфланади.

Доғли антрокноз касаллиги. Бу касалликни замбуруғ келтириб чиқаради; бу билан узумнинг новдаси, барги ва ғужумлари шикастланади. Заарланган жойлари қорамтири ҳошияли доғлар билан қопланади. Касаллик кучайиб кетганда бу доғлар ўзаро бир-бирига кўшилади. Баргдаги доғ куриб унинг ўрнида тешик ҳосил бўлади. Ғужумлардаги доғ қорамтири ҳошияли бўлиб кейинчалик куриб қолади. Узум новдалари қораяди, қурийди ва синади. Бу касаллик кўкламдан то ёз ўрталаригача пайдо бўлади. Касалланган узум туплари уч-тўрт йил ичидаги куриб қолиши мумкин. Касаллик салқин ва серёғин об-ҳавода ва узум туплари қалинлашиб кетганда кучаяди.

Кураш чоралари. Узумнинг касалланган новдалари кесилиб ёқилади. Кузда узум тупларини кўмиш олдидан касалланган новдаларга темир купоросининг 6—8 фоизли эритмаси (10 л сувга 600—800 г купорос қўшиб тайёрланган эритма) ёки 0,5 даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси ва ёки 10 л сувга 800 г карболинеум қўшиб тайёрланган 8 фоизли эмульсия пуркалади.

Кўкламда узумларга шўра чиқариш олдидан 1 фоизли бордо суюқлиги пуркалади ёки янги очирилган оҳак аралаштирилган олтингугурт кукуни чангланади. Ёмғир ёғиш даврларида (июнгача) узумларни бу хилда дорилаш иши ҳар 10 кунда такрорланади.

Яшил мўғол (церкоспориоз) касаллиги. Бу билан узум новдаси ва барглари шикастланади. Май-июнъ ойларида узум баргининг орқа томонида яшилсимон яхлит ғуборлар пайдо бўлади. Баргда сарғиш-қўнғир тўғарак доғ, ост томонида яшилсимон доғ пайдо бўлади. Бундай барглар барвақт тўкилиб кетади. Узум новдаларида эса доғнинг остидаги тўқималар қорайиб курийди.

Кураш чоралари. Кўкламда узумда касаллик пайдо бўлғандан кейин уларга 0,5 даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси пуркалади ёки оҳак аралаштирилган олтингугурт кукуни чангланади. Агар касаллик кучайиб кетган бўлса, чанглашни 12-15 кун оралатиб бир-икки марта такрорлаш лозим. Тўкилгаи барглар йиқилиб ёқилади.

Барг сарғайиш (хлороз) касаллиги. Бу касалликка йўлиқкан узум барги сарғаяди. Баъзан унинг чети ёки бутун шапалоги сарғаяди. Новдалари ҳам сарғайиб, унинг учлари курийди. Кўпинча ёз ўрталарида барглар нормал тусга кириб олади.

Кураш чоралари. Кузда ёки эрта кўкламда касалланган ҳар бир тупнинг остига 200—400 г ҳисобидан темир купороси ёки 2—3 кг дан олтингугурт кукуни солинади. Касалланган узум тупларига ўсиш даврида темир купоросининг 0,5 фоизли эритмаси ёки бордо суюқлигининг 1% ли эритмаси пуркалади.

Бактериал саратон касаллиги. Бу билан узум занги, маданги, новдалари касалланиб, уларда ҳар хил катталикда шиш

ва ғуддалар пайдо бўлади. Натижада ўсимлик ўсишдан тўхтаб заифлашади, ҳосили камаяди, баъзан қуриб қолади.

Кураш чоралари. Узумни кесиш вактида унинг касалланган новдалари ва маданглари кесиб ёқилади. Тупда қолган кесик жойларига тўтиёнинг 5 фоизли эритмасига қорилган лой суркаб қўйилади. Қаттиқ касалланган узум туплари кундаков қилинади. Унинг ўрнига пархиш қилинади ёки янги кўчат экилади.

Девпечак. Бу бошқа ўсимлик ширасини сўриб яшайдиган паразит (текинхўр) ўсимликдир. Бу паразит мева дараҳтлари ва узумларга ҳам катта зарар етказиб туради. Девпечак тушган узум туплари яхши ўсмайди, ҳосили камаяди.

Кураш чоралари. Узумзорни тез-тез текшириб турилади, печак кўриниб қолса, уни тезда қўлда йиғишириб олиб ёқилади. Йўл ва ариқ ёқаларида ва бўш ётган жойларда девпечак ва зарпечак борлиги маълум бўлса, уларга қарши дори сепиб йўқ қилинади.

Апрель ойидаги (девпечак энди пайдо бўлаётган даврда) ер 7-10 кун оралатиб икки марта юмшатилади. Девпечак карантин ўсимлик бўлиб, бунга қарши кураш барча хўжаликлар учун мажбурийдир.

БОШҚА ЗАРАРКУНАНДАЛАР

Юқорида кўрсатилган зааркунандалардан ташқари, Ўрта Осиёда токка гўза ўргимчакканаси (*Tetranychus telarius L.*), қора чигиртка (*Acheta deserta Pall.*), қизил чигиртка (*Calliptamus italicus L.*), гўза поясининг ичига тухум қўядиган пахта цикадаси (*Cicadatra ochreata Mel.*), Калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus Comst.*) ҳам зарар етказади. Айниқса мевазорлар ёнидаги токзорларда ёки илгариги боғлар ўрнида барпо этилган янги токзорларда зарарли бузоқбоши қўнгиз (*Polyphylla adspersa*)

Mots.) ва март бузоқбоши құнғизи (*Melolontha afflita* Ball.)
күпинча катта заар келтиради.

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДАН ЎТИБ ҚОЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН ЭНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАР

Ўзбекистоннинг айрим жойларида тарқалган ток унсимон құрти (*Pseudoccocus citri* Risso) дан ташқари мамлакатимизда бўлмайдиган зааркунандалардан: япон камфора қалқондори (*Pseudaonidia duplex* Ckll.), япон құнғизи (*Popillia japonica* Newm.) ва йўрта ер денгизи мева пашиаси (*Ceratitis capitata* Wied.) бошқа экинлар қаторида токка ҳам заар етказади. Булардан ташқари, йўрта Осиёда бўлмайдиган ўсимлик бити—филлоксера токнинг специфик зааркунандаси хисобланади.

Зарари. Филлоксера токни кувватдан кетказиб, ҳосилини камайтиради. Филлоксеранинг илдизга тушадиган хили илдизларни нобуд қиласди. Шунинг натижасида аввал токнинг ер остидаги айрим новдалари, сўнгра, ҳашарот тушгандан 2—6 йил кейин, бутун тури нобуд бўлади. Йирик токзорларга филлоксера тушгандан аввал «доғлар» пайдо бўлади. Бу «доғлар» нобуд бўлган ток тупларидан иборат бўлади. Агар ўз вактида чора кўрилмаса, бора-бора бутун токзор нобуд бўлади.

Тарқалиши. Филлоксеранинг ватани Шимолий Америкадир. 1860 йилда филлоксера Европага ўтган, тахминан 1872 йилда эса сабиқ Россия территориясига — Кримга ўтган, бу ерда биринчи марта тахминан 1880 йилдагина, яъни жиддий зааркунанда бўлиб колгандан кейингина топилган. Ҳозирги вактда филлоксера Молдавия, Украина, Озарбайжон, Грузия, Арманистанда ва Догистоннинг бир неча туманларида бор. Филлоксера Франция, Испания, Португалия, Италия, Швейцария,

Австрия, Голландия, Венгрия, Германия, Югославия, Греция, Болгария, Руминия, Туркиянинг кўп жойларида ҳам тарқалгандир.

1880 йилдан бошлаб филлоксера Австралияда пайдо бўлди, 1885—1886 йиллардан бошлаб Африкада топилди (хозир Жазоирда ва Жанубий Африкада учрайди), бирмунча кейин Хиндистон билан Хитойга ҳам тарқалди. 1895 йилда филлоксера Шимолий Америкадан Жанубий Америкага ўтиб, айниқса Аргентина билан Чилида тарқалиб кетди.

Таърифи. Филлоксеранинг икки хил – илдиз ва баргга зарар етказадиган формаси бор. Илдизга зарар етказадиган формасининг вояга етган қанотсиз урғочисининг узунлиги 1 мм, овал шаклда, сал-пал яссиланган, сарғиш-яшил рангли бўлиб, орқаси бўйлаб қатор-қатор қорамтирилган сўгалчалари бор.

Тухуми овал шаклда, узунлиги 0,3 мм ва кенгроқ қисмининг эни 0,16 мм, янги кўйилган чоғида у оч сарик тусли бўлиб, кейин зайдундай яшил бўлиб қолади.

Личинкаси аввал сарик-яшил, сўнгра оч сарик рангли бўлади, шакли вояга етган урғочисига қараганда чўзикрокдир. Личинка ўсган сайин оёқлари гавдасининг катталигига нисбатан қискаради, каттароқ ёшда гавдасида қора сўгалчалар пайдо бўлади.

Қишлиётган личинкалар кўнғирроқ-яшил тусли. Тўртинчи ёшдаги личинкалардан қанотли битлар пайдо бўлади. Улар қанотсиз битларнинг тўртинчи ёшдаги личинкаларидан узунчок гавдаси ва қанот бошланғичлари билан фарқ қиласди. Уларнинг асосий ранги зарғалдоқ, қанот бошланғичлари қора бўлади, гавдаси бўйлаб қатор-қатор сўгалчалари бор. Қанот бошланғичлари бўлган личинкалар одатда *нимфа* деб аталади.

Биринчи ёшдаги личинкаларнинг узунлиги 0,3—0,4 мм,

сўнгги (тўртинчи) ёшдаги личинкаларнинг узунлиги эса 0,75 мм. Вояга етган қанотли ургочисининг узунлиги 1 мм, кўкраги қора, қорни оч сариқ, кўзлари дастлаб (пўст ташлагандан кейин) қизил бўлиб, кейин қораяди. Ҳашарот тинч турганда қанотлари орқасига тахланиб, қорин учидан 1,0—1,25 мм чиқиб туради. Қанотли хашаротларнинг гавдасида сўгалчалар бўлмайди.

Баргга зарар етказадиган формасининг вояга етган, партеногенез йўли билан кўпаядиган қанотсиз ургочисининг узунлиги 1,2—1,5 мм, шакли ноксимон, ранги оч яшил-қўнғир бўлади. Унда илдизга зарар етказадиган форма учун характерли бўлган қорамтирилган сўгалчалар йўқ.

Икки жинсли наслнинг ургочиси 0,37—0,45 мм узунликда, қанотсиз бўлиб, оғиз аппарати ривожланмаган, ранги сариқ-яшил ёки сариқ-қўнғир бўлади.

Эркагининг узунлиги 0,25—0,28 мм бўлиб, унинг ҳам қанотлари ва хартуми йўқ, ранги сарғиш-яшил.

Тухуми овал шаклда, оч сариқ ёки тўқ сариқ, бўйи 0,36—0,40 мм келади. Тухумдан икки жинсли наслнинг личинкалари чиқади. Эркак личинкаси чиқадиган тухум кичикроқ бўлиб, узунлиги 0,25—0,27 мм келади. Қишлийдиган тухумнинг бўйи 0,27 мм, ранги зайдундек яшил.

Баргга зарар етказадиган формасининг личинкалари илдизга зарар етказадиган формасининг личинкаларидан шу билан фарқ қиласиди, уларнинг хартуми калтарок бўлиб, орқадаги бир жуфт оёғининг асосидан нарига ўтмайди, мўйловлари калтароқ бўлади, оёқларида ёпишқоқ узун қиллари бор.

Ҳаёт кечириши. Филлоксера бир жойдан иккинчи жойга асосан кўчат билан (илдизларда қишилаётган личинкалари), шунингдек Америка навларининг қаламчалари ва шу навлар билан чатиштирилган дурагай қаламчалар билан (барг

галларидан чиққан личинка ва қишлаётган тухум шаклида) ўтиши мумкин.

Токнинг Америка навлари ёки улар билан чатиштирилган дурагай навлар бир-биридан унча катта масофада бўлмаса (ораси 20—25 км гача бўлса), шу токзорларда барг галларидан чиққан филлоксера личинкалари ва қанотли битлар шамолда бир жойдан иккинчи жойга ўтиши мумкин.

Токзорни сугорганда ва филлоксерали токларни парвариш қилганда филлоксера сув ва қишлоқ хўжалиги асбоблари билан яқин жойларга тарқалиши мумкин.

Узумнинг Осиё ва Европа навларида филлоксеранинг баргга зарар етказадиган формаси ҳосил бўлмайди, иккала формани ўз ичига оладиган тўла циклли зааркунанда фақат Америка навларида ва улар билан чатиштирилган дурагай навларда ривожланади.

Филлоксеранинг илдизга зарар етказадиган формаси партеногенез йўли билан кўпаяди. Бу ҳашаротнинг личинкаси илгари ўзи озиқланган ёш илдизчалардан кузда ёғочланиб қолган йўғон илдизларга ўтиб олади, шу илдизларда биринчи, баъзан эса иккинчи ёшдаги личинка ҳолида қишлиайди. Личинкаларнинг бир қисми ёш илдизчаларда қишлиайверади.

Личинкалар яшаётган жойдаги тупроқ 13° гача қизиши билан улар қишки уйқудан уйғонади. Чуқурроқ қатламларда қишилаган личинкалар юзароқ қатламдаги личинкалардан кечроқ уйғонади. Личинкалар ёш илдизларни сўриши натижасида оч сарик тусли кичкина галлар ҳосил бўлади, улар кейинчалик кўнғир тусга киради. Галлар тугунчалар шаклида бўлиб, уни ўткирланган, одатда тумшуққа ўхшаб қайрилгандир. Галларнинг каваги бўлмайди ва личинкалар уларнинг сиртида туради, бундай галлар нодозитетлар деб аталади. 2—3 йиллик илдизларни

филлоксера сўриши натижасида дўмбоқчага ўхшаш ғудда шаклидаги галлар ҳосил бўлади, улар туберозитетлар деб аталади. Нодозитетлар ўсимлик битларининг сўриши натижасида кейинчалик чиримасдан, қуриб қолади. Туберозитетлар эса, аксари, чирийди ва бу процесс илдиз системасининг тобора ичкарисига тарқалади. Нодозитетларни баъзан янгилишиб, илдиз галл *нематодаси* (*Heterodera marioni* Согти)нинг илдизларда ҳосил қиласидиган галлари билан аралаштириб юборадилар, аммо бу галлар йирикроқ эканлиги, «тумшукқа» ўхшаб қайрилмаганлиги ва ичидаги кавакда зааркунанда борлиги билан нодозитетлардан фарқ қиласиди.

Филлоксеранинг ривожланиш тезлиги температурага, тупроқ намлигига ва узум навига жуда ҳам боғлиқ. Закавказье шароитида қишлиётган личинкалар кўкламда уйғонгандан кейин орада тахминан икки ҳафта ўтгач вояга етади. Личинка пўст ташлаб имагога айланган жойга урғочи ҳашарот 40—100 та (кунига 17—20 тадан) тухум қўяди. Температура 24° дан паст бўлса, тухум қўймайди. Тухумдан 4—12 кунда личинка чиқади. Тухумдан чиқкан личинкалар бир неча соат ўрмалаб юради, кейин яна илдизларга ёпишиб олади. Ёз фаслида филлоксера турли шароитда 17—30 кунда бир насл беради.

Кузда, 6—7° температурада, личинкалар ҳаракатдан тўхтайди ва озиқланмайди. Бу ҳолат кўкламгача давом этади. Вояга етган ҳашаротлар ва катта ёшли личинкалар эса нобуд бўлиб кетади.

Филлоксеранинг илдизга зарар етказадиган формаси ўзи тарқалган органнинг турли жойларида бир мавсумда 4—8 насл беради. Филлоксера Ўрта Осиёга энг яқин бўлган кўпайиш манбай — Озарбайжонда йилига 6—7 насл беради.

Структурасиз лёсс тупроқлар ва қумли тупроқлар

филлоксеранинг яшashi учун нокулайдир. Ўрта Осиёнинг структурасиз (кукунланадиган) бўз тупроқларида филлоксера мутлақо яшай олмайди, деган тахмин баён қилинган (А. К. Мордвилко). Француз авторларининг (Майет ва бошқаларнинг) тахминига қараганда, таркибида 60 процентдан кўпроқ кварц қуми бўлган тупроқларда ҳам филлоксера кўпая олмайди, бироқ Днепр этакларида сочма кумларда филлоксера барibir топилган (Егоров).

Структурасиз тупроқлар филлоксера учун нокулай бўлса ҳам, ток экиладиган ҳамма жойда бу ҳашарот қўпайиб, зарар етказа олади, деган тахмин ҳам баён қилинган (Казас).

Ток илдизларидаги намлик 60% дан кам бўлмагандан, қанд микдори эса 10—18 процентдан ошмаганда илдизларда филлоксеранинг кўпайиши учун қулай шароит вужудга келади (Ларченко). Шунингдек юқори температура ҳам филлоксеранинг ривожланишига ёрдам беради.

Америка навларида ва улар билан чатиштирилган дурагай навларда ёз ўрталарига келиб личинкалардан бир қисми пўст ташлаганда (тўртинчи ёшда) қанот бошланғичларига эга бўлади, кейинчалик улардан қанотли ҳашаротлар пайдо бўлади, булар эса тупрокдан юзага ўрмалаб чиқади (9-расм), қанотлари заиф бўлиб, кам учади, аммо шамолда баъзан талайгина жойга бориб қолади. Қанотли ҳашаротлар ток баргларига биттадан учтагача тухум қўяди. Бир неча кундан кейин бу тухумлардан личинкалар чиқади. Улардан эркак ва урғочи ҳашаротлар етишади.

Жуфтлашгандан кейин урғочи ҳашаротлар икки-уч ёшли рўдага биттадан тухум қўяди. Ана шу тухумлар қишлийди ва кўкламда улардан баргга зарар етказадиган форманинг личинкалари чиқади, улар ўрмалаб, баргларнинг устки томонига ўтиб олади. Личинка баргни сўриши натижасида унда қопсимон

галл ҳосил бўлади, бу галл личинкани бутунлай ўраб олади ва баргнинг пастки томонига туртиб чиқиб туради. Унинг юзаси тукли бўлиб, ранги сарғишиш-пушти ёки қизғишишdir. Личинка 4 марта пўст ташлагандан кейин галл ичида вояга етган ургочи ҳашарот пайдо бўлади. Бу ургочи ҳашарот шу ерга 150 тадан 500 тагача (кунига 40—85 тадан) тухум қўяди. Тухумдан личинкалар чикқач галлни ташлаб, бошқа баргларга (асосан ёш баргларга) ўрмалаб ўтади ва ҳар бири янги галлни ҳосил қиласди.

Филлоксеранинг Фарғона водийсига энг яқин бўлган манбаларида баргга зарар етказадиган формаси ёзда ўрта ҳисоб билан уч ҳафтада бир насл беради. Баргга зарар етказадиган форма бир мавсумда 7—9 насл беради.


Иккинчи наслдан бошлаб, навбатдаги ҳар бир наслда баргга зарар етказадиган форманинг тухумларидан илдизга зарар етказадиган форманинг личинкалари ҳам пайдо бўла бошлайди. Улар баргларга ёпишмай, тупрокдаги ёриклардан ва илдиз бўйни атрофидаги камгаклардан ёш илдизларга кириб, нодозитетлар ҳосил қиласди ва филлоксеранинг илдизга зарар етказадиган формасини вужудга келтиради.

Баргга зарар етказадиган ҳашарот кеч кузда—кора совуклар бошланиши билан нобуд бўлади. Келгуси йили у икки жинсли наслнинг қишлиётган тухумларидан яна пайдо бўлади. Америка навлари филлоксерадан Европа навларига қараганда камроқ заарланади.

Кураш чоралари. Ток яхшилаб парвариш қилинади (ўз вактида сугорилади, ер юмшатилади, ўғитланади ва ҳоказо), бу эса уни чидамли қиласди. Бу агротехника тадбирларидан ташкари, филлоксера кўп тарқалган жойларда токзорга Америка навларига пайванд қилинган кўчатларни ўтқазиш керак.

Филлоксера жуда кўпайиб кетган туманлар пайванд

қилинган токлар зонаси деб аталадиган доирага киради. Фарбий Европада филлоксера тушган токзорларга байлан бир-икки ойгача 15—20 см баландликда сув бостириб қўйилади. Сув тупроқдан ҳавони сиқиб чиқаради, бунинг натижасида қишлиётган личинкалар ҳалок бўлади, аммо бу чоралар ҳамма навлар учун тўғри келавермайди. Токларни мумкин қадар қумли тупроқларда ўстириш тавсия этилади. Пайванд қилинган токлар зонасида тупроқ ҳар йили кузда (узум узиб олингандан кейин) сероуглерод билан ($30-40 \text{ г/ж}^2$ ҳисобидан), ёки сероуглерод ва парадихлорбензол, ёки поли; хлориддан иборат аралашма (1 м^2 га 30 г сероуглерод ва 10 г парадихлорбензол ёки полихлоридлар олинади) билан дезинсекция қилиниб, токни тузатиш методи кўлланади. Аммо тошлоқ ва оғир зич тупроқли ерларда бу методдан фойдаланилмайди. Молдавияда ўтказилган тажрибаларнинг 1990 йилда эълон қилинган натижаларига қараганда, тупроқни дихлорэтан ва парадихлорбензолнинг 2:1 нисбатда олинган аралашмаси билан (1 м^2 га 90 г ҳисобидан) 4 йилда бир марта фумигация қилиш мумкин. Минсектицидлар 50 x 50 см схемада ток туридан 25 см қочириб солинади. Инжектор ёки қозиқнинг ўрни (чукурчалар) фумигант солишдан кейин дарҳол босиб қўйилади. Фумигантлар $10-15 \text{ см}$ чукурликка ёки яхшиси икки қават қилиб солинади, бунда инсектицид буғлари чукурроқдаги (1—2 метр) личинкаларга етиб бориши ҳисобга олинади. Температура $12-18^\circ$ дан паст бўлганда ва тупроқ намлиги унинг тўла намлик сифимидан 30% ортиқ ёки кам бўлганда бу методдан фойдаланиш натижа бермайди.



9-расм. Қанотли филлоксера.

Филлоксеранинг баргга зарар етказадиган формасига қарши кураш учун бу ҳашарот тушган жойларга ёзда гексахлоран суспензияси, киш даврида 6—8 процентли минерал-мой эмульсиялари (қишлаётган тухумларга қарши) пуркалади, шунингдек кўкламда биринчи галл пайдо бўлган барглар юлиб олиб йўқотилади.

Хозирги вактда филлоксера тушмаган ёки унда-бунда учраб турадиган туманлар пайванд қилинмаган токлар зонасига киради.

Күчатлар филлоксера тушган зонадан тоза зонага юборилишда текширилади ва юкумсизлантирилади ва бу хакда қишлоқ хұжалиғи үсимликлари карантини давлат инспекцияси томонидан сертификат берилади. Шундан кейингина уларни олиб келишга рухсат этилади.

Күчтлар берк камераларда цианид кислота ёки этилен оксиidi билан юқумсизлантирилади.

Цианид кислота газокамеранинг 1 m^3 га қуидаги миқдорда ишлатилади: $25-26^\circ$ температурада — 16 g , $23-24^\circ$ да— $16,5\text{ g}$, $21-22^\circ$ да— 17 g , $19-20^\circ$ да— $17,5\text{ g}$, $17-18^\circ$ да — 18 g , 16° да— $18,5\text{ g}$, 15° да— 19 g , 14° да— $19,5\text{ g}$, 13° да— 20 g , 12° да— $20,5\text{ g}$, 11° да— 21 g ва 10° да— 22 g натрий цианид, 1,5 хисса сульфат кислота ҳамда 3 хисса сув керак бўлади. Юқумсизлантириш бир соат давом этади.

Этилен оксиidi газокамеранинг 1 l^3 га қуидаги миқдорда ишлатилади: 10° да— 50 g (юқумсизлантириш 4 соат давом этади), 11° да — 50 g (юқумсизлантириш 3 соат-у 50 минут давом этади), 12° да— 50 g (юқумсизлантириш 3 соат-у 40 минут давом этади), 13° да— 49 g (юқумсизлантириш 3 соат-у 20 минут давом этади), 14° да— 48 g (юқумсизлантириш 3 соат-у 20 минут давом этади):

15° дан 23° гача температурада ҳарорат 1° ортиши билан этилен оксиidi 1 g , юқумсизлантириш вақти эса 5 минут камаяди. 24° да 39 g этилен оксиidi сарфланади, юқумсизлантириш 2 соат-у 25 минут давом этади, 25° да эса этилен оксидидан 48 g сарфланади, юқумсизлантириш 2 соат-у 20 минут давом этади.

Температура бундан юкорироқ бўлганда ҳарорат 2° дан кўтарилиб бориши билан этилен оксиidi 1 g , юқумсизлантириш вақти эса 5 минут камаяди. 32° да этилен оксидидан 35 g кетади, юқумсизлантириш вақти эса 2 соат давом этади.

Пайванд қилинмаган токлар зонасида филлоксера борлиги маълум бўлганда радикал кураш чораси кўлланади, яъни зарарланган участканинг тупроғи сероуглерод билан (40 g/m^2 ҳисобида) фумигация қилинади, кузда эса узум узиб олингандан кейин, ток кесилади ва тупроғи сероуглерод билан ($450-900\text{ g/m}^2$ ҳисобидан), сероуглероднинг бензол полихлоридлари билан

(оғирлик ҳисобида) 3 : 1 нисбатдаги аралашмаси (1 м^2 га 600—1200 г ҳисобида) ёки 2 : 1 нисбатдаги аралашмаси $600—1300 \text{ г}/\text{м}^2$ ҳисобида), дихлорэтаннинг кубовой қолдиқлари билан ($600—1800 \text{ г}/\text{м}^2$) ёки дихлорэтан ҳамда нитробензол қолдиқлари аралашмаси билан ($800—2000 \text{ г}/\text{м}^2$ ҳисобида) дориланди.

Оғиррок, структурасиз, газни яхши ўтказмайдиган тупрекларнинг нами кўп ва температураси паст бўлса, инсектицидлар енгилроқ, газни яхши ўтказадиган, қуруқрок тупрекларга ва ҳаво иссиқ вақтдагига қараганда кўпроқ ишлатилади.

Радикал метод қўлланган участкаларга камида 6 йилдан кейин яна ток экиш мумкин.

Қарсилдоқ қўнғизлар (симқуртлар). Қарсилдоқ қўнғизлар симқуртларнинг личинкаси, айниқса, ёш ток кўчатларининг ер ости қисмини кемириб, зарар етказади. Бу зааркунанданинг бир неча тури бўлиб, улар тупроқда (20 см гача чуқурликда) қўнғизлик ва личинкалик босқичларида қишлиади. Қўнғизлар март, апрель ойларида қишловни тугатиб, ер бетига чиқади ва тупроққа тухум кўяди. Тухумдан чиқкан личинкалар дастлаб чиринди билан озикланиб, ўрта ва катта ёшдагилари экилган кўчатларнинг илдизини кемириб, зарар етказади. Зааркунанданинг 2 ва 3 йилда насл берадиган турлари бор.

Бу зааркунандага қарши ерларни юмшатиш, хайдаш, бегона ўтларни, айниқса, симқуртларни ўзига жалб қилувчи буғдойик бегона ўтини йўқотиш, суғориш симқуртлар сонини бирмунча камайтиради. Агар кўчат экиладиган майдонда симқуртлар кўплиги (1 м^2 да 5 – 7 та) аниқланса, кўчатлар илдизи ботириладиган гўнг шалтоғига озроқ пестицид қўшилади.

Шингил қурти. Бу курт (узум куюси) кейинги йилларда токзорларга кўп зарар етказаётганлиги қайд этилмокда.

Зараркунанданинг қуртлари ток гулининг тўпгули, тугунчаси, гўра ва етилиб келаётган меваси билангида озиқланади. Бунда ток ҳосилининг ярмидан кўпи чириб кетади.

Вояга етган қуртларнинг узунлиги 10 – 13 мм. Шингил курти Оқ хусайни сингари оқ рангли навлар билан озиқланганда, оқиш-сарғиши-кўк ёки тиниқ кўк бўлиб, қора рангли навлар билан озиқланганда, тўқ кўк тусга киради. Куртлари серҳаракат бўлади, баъзан узум узиш пайтида узум бошларида осилиб туради.

Ўзбекистон шароитида шингил курти мавсумда тўрт марта насл беради. Ғумбак даврида оқ пилла ичида ток занги пўстлоғида ҳамда тўкилган барглар орасида қишлиайди. Биринчи авлод капалаклари ток шўрасида тўпгул шаклланганда учеб чиқиб, ғунчага 1 тадан 5 тагача тухум қўяди. 5 – 6 кун ўтгач, тухумдан куртчалар чиқади ва ғунча, гуллар билан озиқланади.

Иккинчи авлод капалаклари учishi ток гуллагандан 17 – 20 кун ўтгач бошланади. Тухумдан чиқаётган қуртларнинг ҳар бири 20 – 30 та узум тугунчасини заарлайди. Учинчи авлод берувчи капалаклар июлнинг иккинчи ўн кунлигига (Тошкентда) учеб чиқиб, тухум қўя бошлайди. Бақувват бўлиб ўсуви ва узум боши зич бўлган ҳамда пўстлоғи юпқа ток навлари шингил қуртидан кўпроқ заарланиши аниқланган.

Токни хомток қилиш сифатли ўтказилмаса, қалинлашиб кетиб, куртнинг зарари кўп бўлади.

Ўзбекистон шароитида мавсум давомида шингил қуртини кушандалар (фойдали ҳашаротлар)дан олтинкўз, яйдоқчи ва тахинидлар 24% гача йўқотади.

Феромонли тутқичларда капалакларни тутиш йўли билан шингил қуртига карши кураш муддатларини аниқлаш мумкин. Капалакларнинг (I авлод) баҳорги учеб чиқиб муддатини аниқлаш учун апрель ўрталаридан бошлаб тузоқ осилади.

Дастлабки капалаклар тутилгандан 16 – 20 кундан кейин дорилаш бошланади.

Иккинчи авлод капалаклар учун тузоқлар июнь бошларида осилади. Биринчи капалаклар тутилгандан 10 – 14 кундан кейин дори пуркалади.

Учинчи авлод капалаклари учиши бошланишини аниқлаш учун тузоқлар июннинг иккинчи ўн кунлиги бошида осилади, зарурат туғилганда, орадан 12 – 14 кун ўтгач, кураш тадбирлари амалга оширилади.

Капалакнинг тўртинчи учиб чиқиши август ўрталарида бошланади. Шунинг учун август бошларида новдалар чеканка қилиниб, узум бошига яқин барглар узиб ташланади.

Ҳосилни шингил куртидан ҳимоя қилишда, биринчи навбатда, агротехника тадбирларига, яъни парваришга эътибор бериш керак. Бунда токни ўз вақтида сифатли шўра хомток, ғўра хомток қилиш, бачки новдаларни кесиб, узумбошга яқин жойлашган баргларни юлиб ташлаш, новдаларнинг учини чилпиш лозим. Заараркунандага қарши кураш 2–3 марта ўтказилади. Биринчи пуркаш Қора кишиш, Пушти тоифи навлари 4–5 та барг чиқарганда, иккинчиси ток гуллагандан 17–20 кундан кейин, учинчиси иккинчи ишловдан 7–10 кун ўтгач амалга оширилади. Одатда, бу ишлов Қизил чиллаки, Шредер эртапишари, Китоб сурҳоги навлари юмшаб, ранг ола бошлаган даврга тўғри келади.

Токка бензофосфат, золон ёки карбофос (100 литр сувга 300 г ҳисобидан) пуркаш яхши самара беради, касаллигини даволаш мақсадида ишчи суюқлигига бир йўла коллоидли ёки ҳўлланувчи олтингугурт кўшилади (100 литр сувга тайёр эритмадан 0,8–1 кг кўшилади). Томорқа шароитида тамаки қайнатмасидан фойдаланиш мумкин.

Ун губорли ток қурти. Бу курт ток, цитрус ўсимликлари ва анжирни кўп заарлайди. Ўзбекистонда Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари токзорларида тарқалган.

Кейинги йилларда эса Тошкент, Фарғона, Гулистон, Жиззах, Андижон, Кўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам томорқадаги токлар кўп заарланиши қайд этилмоқда. Ўн губорли ток қурти токнинг ширасини сўриб, унинг барча аъзоларини заарлайди. Заарланган ток барглари сарғайиб, тўкилиб кетади, узум бошлари эса кўпинча куриб қолади. Оқибатда ҳосил сезиларли даражада камайиб кетади.

Бундан ташқари, барглар ва узум бошлари курт чиқиндиси билан қопланади. Бу чиқиндиларда қурум замбуруғлар ривожланади. Натижада узум чирийди, уни истеъмол қилиб бўлмайди.

Ун губорли қурт апрелдан бошлаб уч-тўрт марта насл бериб ривожланади. Куртнинг танаси узунчоқ-овал шаклда, тўқ сариқ тусда, усти оқ мум губор билан қопланган. 200–300 тагача тухум қўяди. Биринчи авлод личинкалари май ойида пайдо бўлади. Курт ток зангининг кўчган пўстлоги остида, кўпроқ пастки қисмида қишлияди.

Агар шингил куртига қарши дори пуркалган бўлса, баҳорда, ёз ойларида ун губорига қарши маҳсус пуркалмаса ҳам бўлади. Атайлаб кураш чораларини амалга ошириш керак бўлса, кузда ёки эрта баҳорда куртаклар бўртиши олдидан ток тупларига яхшилаб нитрофен (100 литр сувга 2 кг хисобидан) пуркалади. Ёки олма дарахтидаги қалқондорларга қарши тавсия этилган мойли эмульсия тайёрлаб пуркалади.

Баҳорда – ёз даврида томорқа шароитида ёш новдалар ва баргларда курт тўдалари пайдо бўлиши билан карбофос (10 литр сувга 30 гр хисобидан) ёки тамакидан тайёрланган қайнатмадан

фойдаланилади.

Ток унсимон курти ҳаммахўр бўлиб, токдан ташқари анжир, цитрус ўсимликлари ва бошқа меваларга, тут дарахтига, помидор экинига ва манзарали ўсимликларга зарар етказади. Бу курт кўпайиб кетганда, узум ҳосили баъзан 40–60% гача нобуд бўлади. Заарарланган узум буришиб ёки қуриб қолади, ток новдалари яхши ўスマйди.

Бу қурт Туркманистон, Жанубий Тожикистон, Ўзбекистон Сурхондарё томанида, Қрим, Фарбий Европа, Африка, Япония, Хитой ва бошқа жойларда тарқалган.

Куртнинг ургочиси 3,5–4,0 мм узунликда, кенг овал шаклда бўлиб, оқ мумсимон қават билан қопланган. Териси сарғиш - жигар ранг мумсимон модда билан қопланган бўлиб, узунасига кетган қорамтири чизиги бор.

Танасининг икки ёнида 17 жуфт калта мумсимон ўсиқлари бор. Шу жумладан, орқадаги бир жуфти бошқаларидан анча узун бўлиб, танаси узунлигининг 1/4 ёки 1/5 қисмини ташкил этади.

Эркагининг катталиги 1,2–1,5 мм чамасида бўлиб, бир жуфт қаноти, иккита дум ипи, узунгина мўйловлари бор.


Ток унсимон курти ток занги ёриқларида ва кўчган пўстлоғи остида, токни кўтариб турадиган тиргаклар ёриғида, дарахтлар пўстлоғи остида ва бегона ўтларда етилмаган урғочи босқичида қишлияди. Қисман 1 см чукурликдаги тупрокда эркак личинкалари ҳам қишлияди. Қишлиаб чиққан эркак личинкалари баҳорда нобуд бўлади, кеч кузда ривожланиб бўлган эркак ҳашаротлардан бир қисми ҳам кейинчалик нобуд бўлади. Шу сабабли Ўрта Осиёда ток унсимон курти деярли нуқул партеногенез йўли билан кўпаяди.

Қишлиаб чиққан урғочи ҳашарот апрель охири – майда жинсий вояга етиб, ток новдасининг қайси жойини сўрган бўлса,

ўша жойга тухум кўяди. Ҳарорат 16°Сдан паст бўлмаган вақтда тухумдан личинка чиқади.

Бу курт мавсумда уч, қисман тўрт марта насл беради. Биринчи насли ток занги, новдалари ва баргларини сўриб озиқланади, иккинчиси, асосан, баргларни ва шўрани сўриб озиқланади, учинчиси деярли нуқул барг ва меваларни сўриб озиқланади. Айниқса, ёз охирида ва кузда кўпроқ зарар етказади. Ток қуртининг урғочиси занг ва новдаларга 4—40 та, баргларга 100—150 та, шўра баргларига ва гўрага 250—600 та тухум кўяди. Тухумдан 10—14 кунда личинка чиқади. Биринчи ёшдаги личинкалар 22—25°C да 15 кунда, иккинчи ва учинчи ёшдаги личинкалар 16 кунда ривожланади. Вояга етган урғочи қуртлар 50 кунгача яшайди. Улар охирги марта пўст ташлагандан кейин орадан икки ҳафта ўтгач, жинсий жиҳатдан етилади.

Ток барг ўровчиси. Узум барг ўровчиси узумни заарлайди, кўпинча ток ерда қолдирилганда жуда катга заар етказади. Қуртлари шўра, гўра ва сўнгра узумнинг ўзини ҳам еб кўяди. Барг ўровчи тушган узум бошлари кўпинча ириб кетади.



10-расм. Ток барг ўровчиси:

1—личинкаси (курти), 2— капалаги, 3— гумбаклари, 4— заарланган мева, 5—меванинг ташки томондаги тухумлари.

Узум барг ўровчиси Ўрта Осиёда Тошкент, Самарқанд,

Фарғона, Хоразм, Ашхобод атрофида учрайди. Бу ҳашарот Украина, Крим, Кавказ, Европа, Кичик Осиё, Шимолий Африка ва Шимолий Америкада тарқалган.

Капалаги қанотларини ёзганда 12–13 мм келади. Олдинги қанотлари зайдундай кўнғир бўлиб, кўндалангига иккита оч боғи бор. Орқадаги қанотлари кулранг, асоси ташқи чеккасига караганда кенгроқ бўлади.

Тухумининг узунлиги тахминан 0,5–0,7 мм, ранги сарик, уст томони бир оз босилган. Куртининг узунлиги 12 мм гача боради, дастлаб оқимтири бўлади, кейинчалик, сарғимтири ёки яшилроқ, боши оч кўнғир тусга киради. Фумбагининг узунлиги 5–7 мм, жигар ранг тусда бўлиб, 10–12 мм катталиқдаги дуксимон ок пилла ичида бўлади.

Узум барг ўровчиси занг пўстлогининг тангачалари остида, поялар ёриғида, барглар остида ғумбаклик босқичида қишлиайди. Баҳорда капалаклар чиқади, улар фира-ширада учиди, ок шўрасига тухум қўяди, токнинг қоронғироқ жойларидаги шўрани хуш кўради. Урғочиси ҳаёти давомида 50–60 та тухум қўяди.

Май охирида куртларнинг биринчи авлоди ўсиб етилади, улар, асосан, шўра билан озиқланади ва бошқа кўпгина ўсимликларда анча камроқ бўлади. Куртларнинг биринчи насли токнинг турли навларига бирдай зарар етказади.

Июлнинг биринчи ярмида узумбарг ўровчининг иккинчи насли, августнинг ярмига келиб учинчи насли ва октябрнинг ярми-охирларига келиб тўртинчи насли пайдо бўлади. Тўртинчи, қисман учинчи наслининг ғумбаклари қишлиайди. Биринчи насл куртларидан бошқа куртлар аввал ғўра билан, сўнгра пишаётган узум билан озиқланади. Ёш куртлар узум донасини ичидан еяверади, ўсган куртлар эса ташқаридан ўйиб киради.

Куртлар намни хоҳлаганидан иккинчи наслдан бошлаб ерда

қолдирилган ёки узум боши ғуж бўладиган токка кўпроқ тухум кўяди.

Учинчи ва тўртинчи насл қуртларидан заарланган узум бошлари кўпинча ириб кетади. Куртлар қишлийдиган жойида гумбакка айланади.

БИОЛОГИК УСУЛ

Зааркунандаларга қарши биологик усул билан курашиш уларнинг табиий душманлари, яъни йиртқичлар, паразитлар ва касаллик туғдирувчиларидан фойдаланишдан иборат. Бу усул ҳозирча жуда кам кўлланилади. Биологик усул фойдали организмларнинг биологик хусусиятларини етарли даражада чукур билишга асосланган. Фанда янги маълумотлар тўпланиб боргани сари биологик усулнинг ҳосилни зааркунандалардан ҳимоя қилиш умумий тадбирлар комплексидаги аҳамияти оша боради.

Зааркунанда йиртқичларидан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалиги зааркунандаларининг йиртқичлари асосан сут эмизувчилар, қушлар, ўргимчаксимонлар ва ҳашаротлар бўлиши мумкин.


Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги зааркунандаларини кирувчи сут эмизувчиларга, масалан, *sapič cassiķ kўzan* (*Mustela eversmanni* Less.) ва *олакўзан* (*Vormela peregusna* Güld.) деган ҳайвон киради, улар заарли кемирувчиларни кўплаб киради (11-расм). Сассиқкўзаннинг қишки озигининг 95% и кемирувчилардан иборат бўлади.

Хонаки муշуклар уй хам омбордаги сичқон ва каламушларни жуда кўп киради.

Жуда кўп заарли ҳашаротларни қирадиган йиртқич сут

эмизувчиларга күршапалаклар — *кичик күршапалак* (*Pipistrellus lacteus* Temm.) ва *тақабурун* (*Rhinolophus ferrum equinum* Schreb) күршапалаклар ҳам киради (12-расм).

Үрта Осиёда зааркунандаларни қиравчи ҳашаротхўр қушларга *шарқ булбули*. (*Luscinia megarhynchos*, *Gobzi Cab.*), *бухоро читтаги*, (*Parus major, bokharensis* Licht.),



11-расм. Олакўзан (Бобринскийдан олинган).




12-расм. Күршапалаклар: 1 — кичик күршапалак, 2 — тақа бурун күршапалаклар (Кашкаров ишидан).

туркистон жиблажибони (*Motacilla alba personata* Gould.), (13-расм), соч (*Pastor roseus.*) ва бошқалар киради.

Баҳор пайтида юзта жиблажибон бир кунда 6000 донага қадар фитономус личинкаларини ейиши аниқланган (Смирнов), соч, эса чигирткаларни қиравчи ҳаммага маълум бўлган куш, бироқ соч ёзнинг иккинчи ярмида узумга ҳужум қилиш билан зааркунанда ҳам бўлиб қолиши мумкин.

Ўрта Осиёда заарли кемирувчиларни қиравчи йиртқич қушларга бўктарги (*Circus macrourus* Gm.) деган куш киради. Баъзи йиртқич қушлар хашаротхўр ва овландиган қушларни қириши ҳамда хонаки товуқ жўжалари ҳам ўрдак болаларига ҳужум қилиши билан анчагина заар келтириши мумкин.



13-расм. Ҳашаротхўр қушлар:
1 — шарқ булбули; 2 — Туркистон жиблажибони; 3 — Бухоро читтаги (Кашкаров ишидан).

Йиртқич ҳашаротларга личинка ва вояга етган даврида жуда кўп ўсимлик битларини қирадиган хонқизи (*Coccinellidae*

оиласидан), ўсимлик битлари ҳамда шира битларни киравчи олтингүз (*Chrysopa* sp. sp.) личинкалари киради (14-расм).


Зааркунандаларга қарши курашиш учун йиртқичлардан фойдаланиш уларни мухофаза қилишдан, керакли жойларга жалб этишдан, бошқа жойлардан келтиришдан ва уй ҳайвонларини ишга солишдан иборат.

Зааркунандаларни қирадиган сут эмизувчилар ва қушлар маҳсус қонун ва қоидалар билан ҳимоя қилинади, йил бўйи ёки кўпайиш даврида уларни овлаш ман этилади, шунингдек заповедниклар ташкил этиш йўли билан кўпайтирилади. Фойдали ҳайвонларнинг душманлари, масалан, қиргийлар ўлдирилади. Бу тадбирлар билан бир қаторда ҳашаротхўр қушлар, қўршапалаклар, типратиканлар, баъзи бир судралиб юрувчилар, сувда ҳам қуруқда яшовчилар ва бошқаларнинг ҳосил учун курашда одамнинг дўстлари эканлиги тўғрисида аҳоли ўртасида оммавий тушунтириш ишлари олиб борилади.

Фойдали ҳайвонларни жалб қилиш. Ҳашаротхўр қушлар сунъий уялар-каваклар қилиш ва қутилар осиш, буталар шохларини бойлаб қўйиш (15-расм) ва хоказолар тайёрлаш билан дала ва боғларга жалб этилади. Ҳашаротхўрлар қушларни жалб қилишда далани иҳоталовчи дараҳтзорлар, яшил деворлар, қалин бутазорлар ва жойларни дараҳтзор қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Кемирувчилар кўп бўлган далаларга йиртқич қушларни жалб қилиш мақсадида улар учун қулай жойлар ясалади.

Фойдали қушлар қишида боғ ва сабзавотларга қўйилган идишларда қўшимча боқилади.



14-расм. Йиртқич ҳашаротлар:

A: a — етти нуктали хонкизи ва унинг личинкаси; *Б: a* — олтинкүз тухумлари, *d* — шира битини еяётган личинка, *h* — вояга етган олтинкүз (Плотников ишидан).

Зааркунандаларни қирувчи йиртқичларни бошқа жойдан олиб келиш соҳасида илгари анчагина харакат килинди, бирок келтирилган ҳайвонлар биологияси ва экологияси яхши ўрганилмагани туфайли бундай харакатлар у қадар муваффакиятли чиқмади. Йиртқичлар келтиришининг муваффакиятсиз чиқишига уларни янги жойларда иқлимга ўргатиш мумкин эмаслиги, йиртқичлар билан зааркунандаларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиш вақтининг бир-бирига тўғри келмаслиги, йиртқичларнинг табиий душманлари бўлиши, йиртқичларнинг полифаглиги ва уларнинг ҳар хил озиқ танлаш хусусияти, уларнинг кам пуштлиги, йиртқичларнинг зааркунандаларга нисбатан тез ривожланиши, йиртқичларнинг хўра эмаслиги ва бир қанча бошқа нарсалар сабаб бўлди.

Зааркунандалар ва уларнинг йиртқичлари биологияси ҳамда экологияси ўрганилган сари йиртқичларни келтириш иши тобора кенгайиб борди.

Йиртқичлар


келтирилишининг

муваффакиятли

чикқанлигига цитрус ўсимликларининг зааркунандалари — тарновсимон червец (*Iceria purchasi* Mack.) ни қирувчи ведалия деган хонқизи (*Vedalia cardinalis* Muls.) нинг келтирилишини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Сухуми туманига кўчат билан бирга тарновсимон червец келиб қолган эди; бу зааркунанда кўпайиб, цитрус дaraohтларини хавф остида қолдирди. Шунинг учун 1961 йилда собиқ СССРга ведалия келтирилди; 1962 йил июнь ойида бу қўнғизлардан 200 таси червецлар кўпайиб кетган бокка кўйиб юборилди. Ноябрь ойи ўрталаригача ведалия 5 та тўла бўғин берди. Август ойининг ўрталарида ёқ боғлар зааркунандалардан тозалана бошланди ва хонқизи томонидан деярли батамом йўқотилган червец дaraohтлар учун кўрқинчли бўлмай қолди.

Ведалияning ватани Австралиядир ва ўтган аср охирларида тарновсимон червецга қарши курашиш учун бу жойдан дунёning кўп мамлакатларига олиб кетилди ва булар келтирилган жойларнинг ҳаммасида зааркунандаларнинг кўпайишини тўхтатишига кобилиятли бўлиб чиқди.




15-расм. Очиқ жойга уя соладиган қушларни жалб килиш учун бута шохларини боғлаб кўйиш (Коротневдан олинган).

Айни жойда бўлмаган йиртқичларни бошқа жойлардан келтиришдан ташқари, уларни ареаллар ичра кўчириш ҳам фойдалидир, чунки бир-биридан кескинфарқ қиласиган шароитда вужудга келган индивидларни чатиштириш натижасида гетерозис ҳодисаси рўй беради. Бизнинг қилган тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, Тошкент ва бошқа худудлардан топилган *етти нуқтали хонқизи* (*Coccinella septempunctata* L.) қўнғизларини чатиштириш натижасида уларнинг насли 21,6—136% ошди. Тошкент, Бухоро ва Олмаота атрофидан олинган *ўргимчакканаларни* қирувчи *стеторус* (*Stethorus punctillum*) қўнғизлари билан чатиштирилганда урғочилар пушти 10—65,5% ошган. Серпушт бўлишидан ташқари, ҳаётчанлигининг ошиши қўнғизларнинг хўра бўлишидан ҳам намоён бўлади (етти нуқтали хонқизининг 7,6—47,3% га, стеторусники эса 2,2—24,9% га ошган). Чатиштирилгандан сўнг ошган ҳаётчанлиги иккита бўғин бергунча пасаймайди.

Ўзбекистонда маҳаллий йиртқичларнинг турлари—тоғларда тўда-тўда бўлиб қишлийдиган хонқизларининг баъзи турлари (жумладан, *Brimus octosignatus* Gebl ва *Semiadalia undecimnotata* Schneid.) дан фойдаланиш истиқболи ҳам катта. Уларни кеч кузда ёки эрта баҳорда йиғиш ва улар кирадиган зааркунандалар далаларда пайдо бўлгунча тубан температурада (музда) сақлаш ва сўнгра далаларга қўйиб юбориш мумкин.

Сичқон ва каламушларга карши курашишда хонаки мушуклардан қадим замонлардан бўён фойдаланилади. Кейинги йилларда қилинган тажрибалар лавлаги узунбурун қўнғизи (*Bothynoderes punctiventris* Germ.) ва заарарли хасвалар (*Eurygaster integriceps* Put.) зарар келтирган далаларда, шунингдек бундай хасвалар қишлиаган жойларда товуқ боқиш фойдали эканлигини исботлади.

Зааркунандалар паразитларидан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалиги зааркунандаларининг паразитлари ҳашаротларга, ханаларга ва чувалчангларга, шунингдек содда ҳайвонларга, замбуруғлар ва бактерияларга киради. Улардан зааркунандаларга қарши курашишда ҳашаротлар энг катта аҳамиятга эга.



16-расм. Симонов яйдоқчиси (Боголюбовдан олинган).

Ҳар қандай заарли ҳашарот бир неча тур паразитларнинг «хўжайини» бўлади; масалан, қўкқурт (*Agrotis segetum Schiff.*)нинг 71 тур, фитономуснинг 36 тур паразит ҳашаротлари бор.

Ҳатто одам бевосита қатнашмасада, заарли ҳашаротларни қиришда паразитларнинг аҳамияти жуда катта: масалан, Ўзбекистонда қўсак қуртида паразитлик қиласидан *Симонов яйдоқчиси* (*Habrobracon simonovi Kok.*) (16-расм) баъзан зааркунандаларни 90% гача ҳалок қиласиди.

Чигирткасимонлар тухумлари хисобига яшайдиган малҳамчи қўнгизлар (*Mylabris F.*), шпанка қўнгизлар (*Epicauta Redt.*) ва визилдоқ пашшалар (*Bombyliidae* оиласидан) баъзи йиллари чигирткасимонларни деярли батамом битиради, чунки улар зааркунандаларнинг тухумларини кўплаб битиради. Яйдоқчилар айрим мавсумларда дала ва боғлардаги ўсимлик

битларининг 90% дан ортигини қиради. 1973 йили Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг кўп жойларида хасва тухумлари яйдоқчилардан деярли юз фоиз заарланганлиги аниқланган. 1980 йили Хоразм вилоятида *takhin* пашшаси (Cnephalaria hebes Fall.) кўк қуртнинг кўплаб кўпайишига йўл қўймаган.

Паразитларни ҳисобга олиш зааркунандалардан келадиган заарларнинг миқдори ва даражасини баъзан олдиндан билишга имконият беради.

Зааркунандаларни кирадиган паразитлар бошқа жойлардан келтирилиб, иқлимга ўргатилади. Шунингдек, маҳаллий паразит турлари лабораторияда кўпайтирилиб, дала ва боғларга қўйиб юборилади.

Худди йиртқичлар устида қилингани сингари, сўнгги вактларда паразит ҳашаротларни ареаллар ичра кўчириш усули билан уларнинг наслорлигини ва активлигини ошириш масалалари ишлана бошланди.

Баъзи паразитларни ўзига жалб қилувчи экинлар экиш йўли билан уларни далаларга жалб қилиш, масалан, *takhin* пашшасини жалб қилиш учун соявонгулли ўсимликлар экиш ёки қишлиши учун уларга жойлар тайёрлаш, масалан, заарли хасва *тухумхўрлари* учун сомон тўплаб қўйиш масалалари кўтарилимоқда.

Маҳаллий паразитлардан фойдаланишшаг бошқа усули энтомолог И. А. Порчинский томонидан таклиф қилинган эди.

Гарчи маданий ўсимликлар учун заарли бўлмаган полифаг паразитнинг бир қанча хўжайнларини йўқ қилишдан, шундай қилиб, паразитнинг озиқланишини қийинлаштириб, уни бошқа усул билан курашиб йўқ қилиш қийин бўладиган хўжайнинга кўчиришдан иборат. Бу усул маҳаллий йиртқичларнинг полифаг турларидан фойдаланишга ҳам кириши мумкин.

Паразитларни бошқа жойлардан келтириш хали етарли даражада яхши йўлга кўйилган эмас, чунки уларнинг озгина миқдор турларининг биологияси ва экологиясининг кўпгина муҳим масалалари етарли даражада ўрганилган.

Келтирилган паразитларнинг ривожланиш тезлиги тўғрисидаги масала йиртқичларга нисбатан катта аҳамиятга эга, чунки йиртқичнинг ҳар бири битта паразитга қараганда кўпроқ зааркунандани қиради.

Келтирилган паразитларни муваффакиятли равишда иқлимга ўргатиш учун улар дала ёки боққа қўйиб юборилмасдан илгари инсекторияларда кўп миқдорда кўпайтирилади.

Қўйиб юбориладиган паразитларнинг миқдорига қараб зааркунандаларни қириб ташлаш учун зарур бўлган вақтни тахминий ҳисобга олиш мақсадида маҳсус формула таклиф этилган.

Бу формулада зааркунанданинг дастлабки миқдори – n , эркак ва урғочиларнинг миқдорий нисбати – i , ҳар қайси урғочи зааркунанданинг қўядиган тухум миқдори – h , қўйиб юбориладиган паразитларнинг дастлабки миқдори – p , паразитлар жинси (эркак ва урғочилари)нинг миқдорий нисбати – f , ҳар қайси урғочи паразит қўядиган тухумнинг миқдори – s , i нинг h га кўпайтмаси – W зааркунанданинг умумий насли, f нинг s га кўпайтмаси – φ хўжайнининг умумий насли ҳисобга олинади. Шунда формула тубандагича кўринишда бўлади: $nw - p\varphi = x_1$ ва зааркунандалар миқдори – x_1 аниқланади, бу миқдор паразитнинг — 1 бўғинида заарланмай қолади ёки w ($nw - p\varphi$) – $p\varphi_2 = x_2$ қисқаси, $wx - p\varphi_2 = x_2$ паразитларнинг иккинчи бўғинида заарланмай қолган зааркунандалар миқдори x_2 ; $wx_2 - p\varphi_3 = x_3$ – паразитларнинг учинчи бўғинида заарланмай қолган зааркунандалар миқдори x_3 ; $wx_3 - p\varphi_4 = x_4$ – паразитларнинг

тўртинчи бўғинида заарланмай колган зааркундаларнинг микдори x , ва ҳоказо.

Бироқ бу формула фақат жуда тақрибий қийматга эга, чунки у паразит билан хўжайнин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кўп томонларини ҳисобга олмайди. Бундан ташқари, хўжайниннинг халок бўлиш даражаси паразит билан заарланишгагина боғлик бўлмай, балки кўпгина бошқа сабабларга ҳам боғлик.

Ҳозирги вақтда четдан келтирилган паразитларни иқлимга ўргатиш соҳасида айрим тур зааркундаларга нисбатан анчагина мувваф фақиятлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг баъзи туманларида қон бит (*Eriosoma Lanigerum* Hausm.) олма дарахтига катта зарар етказади. Бу зааркундандага қарши химиявий ва бошқа усуллар билан курашиш жуда қийин.

1950 йили Ўзбекистонга бир хил озиқ билан озиқланадиган паразит — майда яйдоқчи афелинус (*Aphelinus mali* Hald.) келтирилди, бу паразит баъзи жойларда ўсимлик битини 90% гача қиради. Бир ёз мобайнида афелинус 9 бўғин берди. Ёз охирига бориб бу жойда ўсимлик бити хўжаликка зарар келтира олмайдиган бўлиб қолди.

Тут дарахтлари ва бошқа маданий ўсимликларнинг Ўзбекистон ва Тожикистонга келиб қолган полифаг зааркундалари Комсток червеци (*Pseudococcus comstocki* Kuw.) га қарши курашиш учун Комсток червецининг паразити — псевдафикус (*Pseudaphicus malinus* Gah.) келтирилган эди, 1949 йилдан бошлаб бу червецга қарши биологик усул билан кураш асосий чора бўлиб қолди.

Келтирилган паразитлар, шунингдек йиртқичлар ҳам ҳозирги вақтда кўпинча четдан келтирилган зааркундаларга қарши курашишда қўлланади.

Маҳаллий паразитлар туридан фойдаланиш. Маҳаллий паразит аввало лабораторияларда кўплаб урчитилади, сўнгра улар зааркундалар билан заарланган экинга, боғларга ёки омборларга кўйиб юборилади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда маҳаллий паразитлардан фойдаланиш соҳасида каттагина ютуқларга эришилди; энтомолог П. В. Зорин яйдоқчи (*Apanteles astrarches* Marsh.) дан фойдаланиб, Ленинграддаги баъзи сабзавотларда *карам парвонаси* (*Mesographe forficalis* L.) нинг кўпайишини бостирди; энтомолог М. А. Рябов яйдоқчи (*Lariophagus distinguendus* F1.) дан фойдаланиб омбордаги *омбор* ва *шоли* узунбурун қўнғизлари (*Calandra granaria* L. ва *C. aguzac* L.) ни қириш мумкин эканлигини амалда исбот этди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тухумхўр *трихограмма* (*Trichogramma evanescens* Westw.) дан фойдаланиб *кўсак қурти* (*Chloridea obsolete* F.) ва бошқа қуртларга (*Noctuidae* оиласидан), шунингдек *олма қурти* (*Carpocapsa pomonella*) га қарши курашиш соҳасида кўплаб қилинган тажрибалар яхши натижалар берди.

Кўк қурт (*Agrotis segetum* Schiff.) га қарши трихограммадан фойдаланиш ҳозир Ўзбекистонда ишлаб чиқариш амалиётида кенг кўлланмоқда. Трихограмма колхоз ва колхозлараро лабораторияларда *дон қуяси* (*Sitotroga cerealella* Oliv.) тухумида кўпайтирилмоқда. Дон қуяси температура 21—24° ва ҳаво намлиги 70% бўлган шароитда кўпайтирилади. Бир килограммдонда 15 минг донагача капалак ўстириш мумкин, бу капалаклар эса 200—300 минг тухум кўяди.

Трихограмма заарлаган тухумлар қоғоз карточкаларга ёпиширилган ҳолда 1—2° температурада ва ҳаво намлиги 90% бўлган шароитда холодильнике сақланади. Музхонада икки

ойдан ошиқ сақлаб бўлмайди.

Трихограммалар зааркунандалар кўп бўлган далаларга вояга етган ҳолида ёки улардан вояга етган трихограмма чиқишидан 1—2 кун илгари тухум ҳолатида қўйиб юборилади. 1 гектар майдонга 10—20 минг трихограмма, яъни зааркунандалар тухум қўя бошлаганда 50 та жойга қўйилади.

Паразитлар узоқ вақт лабораторияда сунъий равишда кўпайтирилиши туфайли уларнинг ҳаётчанлиги пасайиб кетади, шунинг учун трихограмманинг лабораториядаги запаси трихограмма заарлаган тунлам тухумларини даладан йигиб келиш билан янгиланиб турилади. Тунламнинг трихограмма заарлаган тухумлари қорамтири бўлади.


Ўзбекистонда олма қурти, кўсак қурти ва кўк курт тунламига қарши курашишда трихограммалардан фойдаланиш масаласи кенг миқёсда ўтказилаётган тажрибаларга қарамасдан, ҳали узил-кесил ҳал бўлгани йўқ. Ёзда температуранинг юкори бўлиши, энг муҳими, ҳавонинг куруқ бўлиши, трихограммани сунъий йўл билан кўпайтирганда унинг айнаб кетиш процессини тезлаштиради.

Зарарли хасвага қарши курашишда унинг тухумида паразитлик қиласидиган (*Telenomys Hal.*, *Microphanurus Kieff.*; *Phanurus Hal.* ва *Dissolous Ashm.* авлодидан бўлган) яйдоқчилардан фойдаланилади. Хасвага қарши курашишда бу усул билан бир қаторда товуклардан фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

Хасванинг тухумини ейдиган паразитлардан фойдаланиш учун уларни хасвалар қишлидиган жойга жалб этиш керак; бунинг учун ғалла экинларига яқин жойга похол уюмлари қўйилади. Қишида ҳам паразитларни лабораторияларда кўпайтириб, кейин улар совуқхоналарда сақланади.

Зааркунандалар тухум қүя бошлиши билан олар далага күйиб юборилади. Юқорида йиртқичларга нисбатан айтиб үтилганидек, турли экологик шароитлардан чиқиб келган индивидларни чатишириш йўли билан ҳаётчанликни ошириш усулини, зааркунандалар, паразитларга ҳам қўлланса бўлади.

Зааркунандалар касалликларидан фойдаланиш. Зааркунандалар замбуруғлар, бактериялар ва содда ҳайвонлар туғдирадиган ҳар хил касалликларга дучор бўлади; бу касалликлар вақт-вақти билан жуда кўп тарқалиб кетади. Масалан, *Empusa aulicae* Reich, замбуруғ касалидан баъзан катта территориядаги олтинкўз (*Nygma phaeopthoea* Don.)нинг бутун бир бўгинлари ҳалок бўлади; *фляшерия* деган бактериал касалликтан (17-расм) дўлана капалаги (*Aporia crataegi* L.) куртлари ва баъзи бир бошқа зааркунандалар ёппасига ўлади.



17-расм. Фляшерия касаллигидан ҳалок бўлган дўлана капалагининг куртлари (Поспеловдан олинган).

Микроспоридия (*Plistophora schubergi* Zwölf.) кўп жойларда тенгсиз ипак қуртини ёппасига касал қиласи ва ўлдиради.

Касалликлардан фойдаланиш ҳозирча факат заарли

умуртқалилар – каламушлар, сичқонлар ва дала кемирувчиларига нисбатан кенг қўлланмоқда; бошқа зааркунандаларга қарши курашишда касаллик туғдирувчилардан фойдаланиш масаласи ҳозирча ўрганиш даврини кечирмоқда.

Каламуш ва сичқонларга қарши курашишда кўпинча *Данач бациласа*, сичқонларга қарши *Мережковский бациласи* ишлатилади. Бу бациллалар *паратифоз бактериялар* группасига киради. Бу бактериялардан омбор кемирувчилари батамом ўлади, аммо одамлар ва уй ҳайвонлари учун бу бактериялар бутунлай хавфли эмас.

Бактерия культураси бактериологик лабораторияларда тайёрланади ва герметик беркитилган идишда берилади. Бактериялар культурасидан алдағич емлар тайёрланади, бу емлар кемирувчилар кўп юрадиган жойларга ташланади. Қасалланган кемирувчи касалликни соғломларига юқтиради. Намлик ошиши билан касаллик авж олиб кетади, шунинг учун зааркунандаларда замбуруғ ёки бактериал касалликлар пайдо бўлганда экинни суғориш билвосита фойдали бўлиши мумкин.

Лавлаги узунбурун қўнгизи (*Bothunoderes punctiventris* Germ.) заарлаган лавлаги далаларига кузда қизил мускардина (*Sorospella uvella*) деган замбуруғ споралари солинади. Баҳордаги текширишлар, лавлаги узунбурунининг мускардина билан касалланиши икки марта ошганини кўрсатди (Линдеман). *Маккажўхори капалаги қуртига* қарши курашишда спорали бациллалардан (*Bacillus оиласига* киради) фойдаланиш яхши натижалар берди. Лабораторияда бацилла культурасига ботирилган наша барглари билан боқилган куртлар батамом ҳалок бўлган. Бактерия культураси пуркалмаган далада эса факат 1,3% зааркунанда ҳалок бўлган. 1980 йилларда Тошкент атрофида ўтказилган лаборатория тажрибаларида соҳта сарик

касали вируси билан касал бўлган индивидлардан олинган гемолимфага 1000 баравар сув қўшиб кўк куртнинг озигига пуркаш натижасида ёш қуртларнинг 100%и ҳалок бўлганлиги маълум бўлди. Микробиологик усул ғуж бўлиб яшовчи ҳашаротлар – ўсимлик битлари, гала бўлиб яшовчи чигирткалар ва инфекция битта зааркунандадан бошқасига осонгина юқиши мумкин бўлган ҳашаротларга карши курашишда энг истиқболли усул ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экин зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларини тарқалишини башорат қилиш бўйича.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зааркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда биринчи навбатда башоратларга асосланган ҳолатда олиб бориш муҳим ўрин тутади.

Башорат нима: Бу қишлоқ хўжалик экинларида зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларни ривожланиб, тарқалишини муддат ва миқдорларини олдиндан аниқлашдан иборат.

Башоратлар З хил усулда тузилади: кўп йиллик ўзок муддатли ва муддатли.

Кўп йиллик башорат Илмий текшириш институтлари томонидан кимёвий воситалар захирасини яратиш, далада синаб кўриш, кадрлар тайёрлаш масалалари учун тузилади ва ишлатилади.

Узок муддатли башоратлар туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ҳамда вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази мутахассислари томонидан 1 йил муддатга тузилади. Узок муддатли башоратлар тузишда кузги қазиб текшириш (раскопка) дан кейин тузилиб, бунда ўтган мавсум давомида қишлоқ хўжалик экинларида заарли организмларни тарқалиш

майдонлари, тарқалған майдонлардаги зааркундалар микдори, озуқа майдонларини етарли бўлиши, заарли организмларни тўйиниш даражаси ва қишлоғга қанча микдорда кетганлиги ҳамда кўп йиллик кузатувлар ҳисобга олинади.

Кузги раскопка ҳароратга борлик ҳолда ҳашоратлар қишлоғга кетиб бўлгач, ноябр ойларидан то ер музлагунча бўлган муддатларда жами экин турлари 25-30 фоиз майдонларда ўтказилади. Аниқланган маълумотлар, иқлим шароити ва ҳароратга, ўтган мавсумда экин майдонларини заарланиш микдорларига ва кўп йиллик кузатув натижалари асосида йиллик башоратлар тузилади.

Қисқа муддатли башоратлар баҳорги раскопка ишлари ўтказилгандан кейин 1 ҳафта ва 1 ой муддатларга тузилади. Баҳорги раскопкада қишлоғ чиққан зааркундалар микдорига аниқлик киритиш мақсадида экин турлари бўйича 10 фоиз майдонда ўтказилади, йигилган маълумотлар қайд қилиб борилади.

Бундан ташқари баҳорда кунлик ҳарорат кўтарилиши билан зааркундалар олишни бошлиған фойдали ҳароратлар ҳисоблаб борилади. Шу билан бир қаторда экин майдонларида зааркундаларни ғумбакка айланиш фоизи ва ғумбаклардан капалакларни қайси муддатларда учиб чиқишини аниқлаш мақсадида танлаб текшириш ишлари ўтказиб борилади. Шунингдек ҳар бир тумандаги мавжуд инсектарий (махсус курт ва ғумбак)ни табиий ҳолда боқилган жойларида назорат юритиб борилади ҳамда қишлоғдан капалакларни учиб чиқишини аниқлашда ферамон ва электр тутқичлардан фойдаланилади.

Қисқа муддатли башоратлар мартдан бошлаб, сентябргacha ҳар ойда тузилади. Агар кескин иқлим ўзгариш кузатиладиган бўлса, у ҳолда қисқа муддатли башоратлар зудлик билан қайта

тузилиб, керакли жойларга етказилади.

Демак, қишлоқ хұжалик экинларида зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларни зарарини олдини олиш бевосита қилинаётган башоратларга боғлиқ экан. Уларни мукаммал, аник, бўлиши учун фермер хўжалиги раҳбари, ишчилари, худуд аграном энтомологлари ва назоратчиси билан доимий алоқада бўлиб кунлик ҳафталик аниқланган маълумотларни очик ойдин беркитмасдан туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди мутахассисларига ўз вақтида етказиш зарур бўлади.

Вилоятимиз иқлим шароити зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларни тарқалиши учун қулай ҳисобланиб, гўза майдонларида асосий зааркунандалардан қўсак курти, кузги тўнлам (илдиз курти) ўргимчакканা, шира-триплар бўлса, касалликлардан гоммоз, вильт ривожланиб ўзарарини курсатиб келмоқда. Булардан ташқари дала майдонларида асосий зааркунандалардан заарарли хасва, шилимшиқ курт, шира-трипс, швед пашибаси, визилдоқ, кўнғизлар бўлса, касалликлардан занг, ун-шудринг, септариоз, доғланиш касалликлари ҳар хил даражада зарар келтирмоқда.

Ҳар бир зааркунанда ўз ҳаёти давомида иқлим шароитига, керакли бўлган озуқа майдонларини етарли бўлиши ва бошқа сабабларга кўра ривожланиб, тарқалади.

Мавсум давомида об-ҳаво шароитига қараб ширалар 23-25 марта, дала трипси 1 марта, тамаки трипси 7-10 марта, илдиз курти 4-5 марта, қўсак курти 4 марта, швед пашибаси 5 марта, визилдоқ кўнғиз, шилимшиқ курт ва заарарли хасва 1 марта авлод бериб ривожланади. Ҳар бир зааркунанда кунлик бўлиб ўтган ўртача ҳароратдан илдиз курти, заарарли хасва, олма курти 10°C , қўсак курти 11°C , ўргимчаккана $7,3^{\circ}\text{C}$, дан ошигини ўзларига фойдали ҳарорат қилиб олади.

Кузги түнлам (Илдиз курти) ривожланиб тарқалиши ва унга қарши кураш чоралари.

Илдиз курти 34 та ўсимликлар оиласига мансуб бўлган юзлаб турларга зарар етказади. Унинг энг хуш кўрган ўсимлиги ғўза, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, дала ва полиз экинлари, печак ўт ва бошқалар ҳисобланади.


Илдиз куртлари униб чиқаётган ғўза ниҳолини шикастлаб, уруғ палла баргларни тешади. Илдизларни ёки илдиз яқинидаги пояни кемиради, баъзан майсанинг ер устки қисмига ҳам зарар етказади.

Илдиз курти етук курт холида тупроқнинг 10-15 см чуқурлигига қишлиб чиқади. Эрта баҳорда яъни март ойининг 2-3 ўн кунлигига қишлиб чиқсан илдиз курти суткалик ҳарорат 10°C дан ошганда тупроқнинг устки қатламига кўтарилиб 5 см чуқурликда гумбакка айланади.

Об-ҳаво шароитига қараб 15 кундан 30 кунгacha гумбак холида яшайди. Бунда фойдали ҳарорат йиғиндиси 150°C даражасига етганда гумбақдан капалаклар учиб чиқа бошлайди.

Илдиз курти капалаклари апрел ойининг иккинчи ўн кунлиги бошларида учиб чиқиб, кўшимча гул нектарлар билан озиқланади ва 3-5 кундан сўнг якка-якка ҳолда

бегона ўтларга айниқса печакка, итузумга, ғўзага ва кесаклар устига тухум қўя бошлайди. Улар тухум кўйиш учун ўтлар сийрак айниқса, тез қизийдиган енгил тупроқли далаларни



18-расм. Илдиз курти

танлайди, тухумини итузумнинг ёш кўчатларига қўйишни ёқтиради. Бир дона урғочи капалак ўртача 500-800 донагача, айримлари эса 1800 донагача тухум қўяди.

Янги қўйилган тухумлар оқ бўлади. Баҳорда капалак тухуми 50 даражали ҳарорат олгандан сўнг, яъни апрел ойининг учинчи ўн кунлик ўрталарида улардан майда куртлар чиқади. Куртлар 30- 40 кун ҳаёт кечириб, ҳаёти давомида кеч экилган, ривожланишдан орқада қолган майдонлардаги ёш гўза ниҳолларини қирқиб ташлайди ва тўла кўчат олишга имконият бўлмайди. Гўза ниҳоллари пояси қотгандан сўнг зарап етказа олмайди. Мавсум давомида илдиз курти 4-5 та авлод беради. Гўзага илдиз қуртининг асосан I-авлоди зарап етказади. Кейинги авлодларидан баҳорда бузиб экилган ва кечки сабзавот-полиз ҳамда такрорий экинлар қаттиқ зарап кўради.

Кураш чоралари:

Илдиз қуртини тухумлик даврида трихограмма қўллаб йўқотиш энг осон, арzon ва самароли усули ҳисобланади. Бунинг учун апрел ойининг биримчи ўн кунлигига ҳар 5 гектар майдонга 1 донадан илдиз курти ферамон тутқичлари қўйилади. Илдиз курти капалаклари ферамон тутқичга тушишни бошлагандан сўнг 3-4 кундан кейин 10×10 схемада трихограммани ҳар 4-5 кунда қўлланилади. Агар биологик усулда курашилмасдан, зараркунанда курти чиқариб юборилса, алдамчи ем (кунжарарага кимёвий воситалар аралаштирилади) тайёрлаб, агатларга солинади ёки бузиб қайтадан экиш лозим бўлади.

Агротехник тадбирлардан қуйидагиларни ўтказиш лозим.

1. Кузги шудгорни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш.
2. Ҳайдалмай қолган ерларга қишиги яхоб суви бериш бунинг натижасида қишлоғчи авлодини 80-90 фоизи йўқотилади.
3. Эрта баҳорда йўл ариқ ва дала қирғоқларидаги илдиз

қуртига озуқа бўладиган бегона ўтларни йўқ қилиш.

2017-йилда илдиз курти вилоят бўйича ғўза майдонларида 16,9 минг гектарда тарқалиши башорат қилинмоқда. Жумладан:

Мингбулоқ туманида	2,2 минг га
Косонсой туманида	1,3 минг га
Наманган туманида	1,45 минг га
Норин туманида	1,8 минг га
Поп туманида	2,75 минг га
Тўракўрғон туманида	1,29 минг га
Уйчи туманида	1,4 минг га
Учқўрғон туманида	1,7 минг га
Чорток туманида	0,5 минг га
Чуст туманида	1,8 минг га
Янгиқўргон туманида	0,7 минг га

Ғўза битлари (шира) ва тамаки трипси зарари, уни аниқлаш ва қарши кураш чоралари

Ғўза битлари (шира) зарари




19-расм. Шира билан заарланган ғўза ниҳоли

Ғўзада ширанинг бир неча тури зарар келтиради. Жумладан беда қора бити, полиз ёки ғўза бити, катта ғўза бити ва илдиз битлари экинларга жиддий зарар етказади.

Ғўза битлари ҳаммахўр бўлиб, 50 турдан кўпроқ ўсимликларга зарар етказадилар. Бу зааркундалар ғўза униб чиққанидан бошлаб тики ҳосил териб олингунга қадар зарар етказади. Айрим


вактда ғўза битлари 50-75 фоизгача ҳосилни камайишига сабаб бўлади. Баҳорда ғўза битлари ғўза ниҳолларини ўсув нуктаси ва барг ширасини сўриб, уни ўсишини 2 ҳафтагача оркага суради



20-расм.

Вояга етган шира

Кузда ҳосил микдор жиҳатидан озаймасада толани ифлослантириб, унинг сифатига жиддий зиён етказади. Барг серёғин ва салқин келган йиллари тупрокда намлик юқори бўлган вактда гўза ниҳолларини кучли заарлайди. Бу заараркундалар майдага бўлиб 2,5 мм дан 4 мм гача катталикда бўлади. Гўза битларининг кўпчилиги (полиз ёки гўза битидан ташқари) тухумлик даврида беда, кечки сабзавот ва бегона ўтларда қишлоғга кетади. Эрта баҳорда ўртacha суткалик ҳаво ҳарорати 8-10 градусдан юқори бўлганда тухумларидан ширалар чиқиб, асосан бегона ўтларда озиқланиб, урчиб кўпая бошлайди. Мавсум давомида ширалар 13-25 та авлод беради. Ҳар бир шира умри давомида 35 донагача тирик туғади. Ёзда ширалар оталанмай — партоногенетик йўл билан кўпаяди. Натижада қисқа давр ичидаги ўсимликларни ўсув нуқтаси, барги ва танасида зич колониялар ҳосил қиласди. Ширалар ёш ниҳолларни барглари ширасини суриши натижасида барглар бужмайиб қолади. Ниҳоллар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиб пастки шохларида кўсак ҳосил бўлмайди.




21-расм.

Вояга етган тамаки трипси

Тамаки трипси заари. Тамаки трипси ҳаммаҳўр ҳашорот бўлиб, гўза, пиёз, карам, помидор, картошка, буғдой ва бошқа кўплаб турдаги маданий экинларни заарлайди. Гўза ердан униб чикдандан бошлаб гўза ниҳолларини ўсув нуқта ва баргларидаги суюқликни сўриб заарлайди. Натижада

ниҳолларни барг ва ўсув нүқталари қовжираб қолади ва ниҳол бачкилайди, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Учки куртаги нобуд бўлган ғўза ниҳоллари айри шохлар ҳосил қиласди, кучли заарланган айрим ёш ниҳоллар нобуд бўлади. Заарланган ўсимлик тупларида ўртacha 2 тадан кўсак камаяди. Тамаки трипснинг ургочиси 0,8 - 0,9 мм катталиқда, танаси узунчоқ шаклда оч сариқ рангда бўлади. Тамаки трипси вояга етган имагоси кечки сабзавот, кузги буғдой ва дала қирғоқларидағи бегона ўтларда, ўсимлик қолдиқларида қишлиб қолади. Эрта баҳорда ўртacha суткалик ҳаво ҳарорати 8—10 даражадан юқори бўлганда трипслар қишиловдан чиқиб, ривожланишни бошлайди. Мавсумда трипсларнинг ургочиси эркагига нисбатан кўп бўлади. Бунинг натижасида кўплаб тухум қўяди. Ургочи трипслар ҳаёти давомида 100 донагача тухум қўяди. Тухумдан зааркунанданинг личинкалари 3-4 кунда чиқади. Личинкалар 10-15 кун ривожланиб, етук ҳашоротга айланади. Етук ҳашоротлар ёз ойларида 10-25 кун ҳаёт кечиради. Битта авлодининг ривожланиши 23-25 кун давом этади. Вилоятимиз шароитида бу зааркунанда 7-10 та авлод беради.



22-расм.
Тринс билан
заарланган ғўзабарги

Вояга етган трипс серҳаракат бўлиб кўзга тез ташланади. Бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка, бир даладан иккинчи далага учиб ўтади. Айниқса қуруқ ва иссиқ ҳавода у жуда ҳам тез ҳаракат қилиб, битта ўсимликда бир неча соатгина бўлади. Ҳавода нисбий намлиқ қанча юқори бўлса трипс битта ўсимлиқда узок вакт зарар келтиради.

Аниқлаш усули - Шира ва трипс
кўпайиб кетишини олдини олиш мақсадида мавсумда ҳар 5 кунда

камиди бир марта ғўза ва бошқа экинларни дикқат билан синчиклаб текшириб чиқиш лозим.

Бунинг учун шира ҳамда трипс ва уларнинг табиий кушандалари ҳисобга олинади. Дастрлаб текшириш март ойининг биринчи ўн кунлигида униб чиқсан кенг баргли бегона ўтларда пайдо бўлган шира ва трипсни аниқлашдан бошланади.

Бунда дала қирғокларида ҳар 20-25 метр оралиқдан 1 тадан 20 та намуна олинади. Бу намуна олинган майдоннинг катталиги $0,25 \times 0,25$ метр бўлади. Ҳар бир намунадаги бегона ўтларнинг ҳар бир тури синчиклаб текшириб кўрилади. Заарланган ва заарланмаган туплар аниқланади. Ҳар бир намунадан шира ва трипс билан заарланган кенг баргли ўтларда иккитасини ажратилади, уларнинг баргларига жойлашган шира ва трипс сони ҳисобланади.

Экин майдонларида эса шира ва трипсни аниқлаш мақсадида ҳар 20 гектаргача бўлган майдондан 20 та намуна олинади. Ҳар бир намунада 5 тадан ўсимлик синчиклаб кўриб чиқилади. Шира ва трипс билан заарланган ўсимлик микдорини, соғлом заарланмаганларга нисбатан неча фоиз ташкил этишини ҳисоблаб чиқилади.

Шира ва трипс сонини аниқлаш учун намунада олинган 5 та ўсимликдан заарланганини ажратиб олиб, уларнинг ҳар биридан 3 тадан барг, яъни пастки ўрта ва тепа қисмидан олинган барглардаги зааркунанда сони лупа ёрдамида саналади. Тўпланган маълумотлар маҳсус дафтарга ёзив борилади.

Ҳар 100 туп кўрилган ўсимлиқда шира ва трипс 10 дона, фойдали ҳашорот (олтинкўз, хон қизи) 1 дона бўлса, бундай ҳолатда ўсимликларни кимёвий ишловсиз ҳимоя қила олиш мумкин.

Кураш чоралари: шира ва трипсни оммавий ривожланиб,

тарқалишини олдини олиш чоралари қуйидагилардан иборат:

1. Даала қирғокларидаги тутлар ва бошқа дараҳтларни эгилган шох-шаббаларини кесиб, дараҳт тагларини очиш.
2. Даала қирғокларидаги, йўл ва ариқ зовур бўйларидағи бегона ўт қолдиқларини феврал-март ойларида кўл кучи билан йўқ қилиш чораларини кўриш.
3. Уруғлик чигитларни экишдан олдин Ортен, Лансер каби уруғдорилагичлар билан дорилаб экилса, ғўза ниҳолларини 35-40 кун шира ва трипс таъсиридан ҳимоя қиласи. Бу вақт оралиғида ниҳоллар зараркунанда таъсирига чидамлилиги ортади.
4. Ғўза майдонлари билан туташган ғалла майдонларига апрел ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб гектарига 500 тадан, ўз навбатида ғўза майдонларига ҳам гектарига 500-1000 тадан олтин-кузни 2-3 марта кўллаш.
5. Ғўза ниҳолларини баргдан озиқлантириб, трипсга чидамлилигини ошириш мақсадида камида 2 марта минерал ўғитлар суспензияси сепишни ташкил этиш.
6. Шира ва триплар ривожланиб тарқаладиган учоқ майдонларда мавсум давомида доимо бегона ўтларни йўқ қилиб бориш.
7. Ғўза униб чиққандан сўнг текшириш натижасида шира билан заарланган ўсимликлар аниқланганда ва заарланиш учоқлари пайдо бўлганда содали сув билан ювиш. Бунда 10 литр сувга 0,2 кг сода аралаштирилади.

2017-йилда вилоят бўйича ғўза шира-трипс тарқалиши башорат

Мингбулоқ туманида	5,7 минг га
Косонсой туманида	2,8 минг га
Наманган туманида	2,6 минг га

Норин туманида

2,4 минг га

Поп туманида

4,5 минг га

Тўрақўрғон туманида 1,3 минг га майдонларида 28,0 минг гектарда қилинмоқда. Жумладан:

Уйчи туманида 2,7 минг га

Учкўргон туманида 3,2 минг га


Чорток туманида 1,0 минг га

Чуст туманида 0,8 минг га

Янгиқўргон туманида 1,0 минг га

Ўргимчаккана зарари, уни аниқлаш ва қарши кураш чоралари.

Ғўза зааркунандалари ичидаги энг ҳавфиларидан бири бу ўргимчакканадир. Зааркунанда баъзан пахта далаларида етиширилаётган ҳосилни тенг ярмини йўқолишига сабаб бўлади. Ўргимчаккананинг зарари натижасида ҳар йили пахта ҳосили сезиларли даражада камаяди.



Ўргимчаккана ҳаммахўр ғўза зааркунандаси бўлиб, у соя, ерёнгоқ, мовош, кунжутлар, полиз экинлари, айрим вактларда маккажўхори, шунингдек тутлар, мевали ва манзарали дараҳтларни заарлайди.

Ўргимчаккана жуда майда зааркунанда бўлиб, уни оддий кўз билан кўриш қийин. Лупа орқали кўрилганда танаси овалсимон бўлиб, 0,4-0,65 мм катталикда. Ёз ойларида ўргимчаккана сарғиш-яшил, эрта баҳорда ва кеч кузда қизғиш рангда бўлади.

Ўргимчаккананинг оталанган урғочилари сентябр ойи

охирларида қишлишга кета бошлайди. Бу вақтида ўргимчаккананың рангга кириб озиқланишдан тұхтайди. Ўргимчаккананың асосан күзде қаерда күп ривожланиб тарқалған бўлса, ўша ерда қишилаб қолади, жумладан ғўза, поя ва унинг қолдиқларида, ҳайдовда ҳосил бўлған катта-катта кесаклар остида, дала қирроқларидан тутлар дараҳтлари пўстлоғи ва каллакларида, дараҳтлар тагида, йўлкирроқлари ва ариқ зовурлар бўйларидаги кенг баргли ўтлар қолдиқларида қишилаб чиқади. Қишлишга кирган ўргимчакканага совуққа ўта чидамли бўлиб, сернам жойларда совуқ -20°C бўлганда атига бир икки донаси нобуд бўлади. Бу зааркунанда қишиловдан жуда барвақт март ойида ўртача суткалик ҳаво ҳарорати $12-13^{\circ}\text{C}$ дан юхори бўлганда чиқади.

Ўргимчаккананинг биринчи авлоди асосан бегона ўтлардан кўйтикан, латтатикан, сутлама ўт ва бошқа кенг баргли ўтларда ҳамда ғумайдан ўтади. Бегона ўтлар ўсиб ривожланиб дағаллашган ва қуригандан сўнг зааркунанда маданий экинларга ўтади.

Ўргимчаккананың одатда шамол ёрдамида ўзи ҳосил қилган иплари воситасида оқин сувлар, одамлар иш кийимлари ва иш куроллари орқали тарқалади. Шунинг учун ғўза ва бошқа экинларни даставвал даланинг чекка қисмлари заарланади. Дала ва йўл қирғоқларидаги ғўза ниҳоллари баргларига чанг ғубор тушиб, ўргимчаккананың ипларига ёпишиб, ўргимчаккананийн йиртқич кушандалардан ҳимоя қилиб, уни кўпайиб ривожланишига имконият яратади. Ҳаво ҳароратининг иссиқ бўлиши ҳам ўргимчаккананинг ривожланиб тарқалишига кулай шароитни вужудга келтиради.

Ғўза экилган майдонларда ўргимчаккананың аввал узвотдаги 1-2 туп ғўзани баргларини заарлашдан бошлайди. Ғўза ниҳолларини бу зааркунанда билан кўплаб заарланиши ва

тарқалиши ёзниңг ўрталарига түғри келади. Чунки бу даврда ниҳоллар ўсиб ривожланиб барглари бир-бирига киришиб қолиши ўргимчакканани ҳаракатланиб юришига күпrikча ҳосил қилиб ўсимликдан-ўсимликка ўтишга имконият яратади.

Ўргимчаккананинг катта ва кичик ёшдагиси ҳам баргнинг орқа томонидаги барг оғизчаларидан ўсимлик ширасини сўриб зарар келтиради. Барг орқасига жойлашиб олган ўргимчакканан аввал ўргимчак тўрлари ҳосил қилиб, ўзини ҳимоя қилиб ривожланишига шароит яратади, сўнг шу ерни ўзида тухум қўя бошлайди. Зааркунанда ўз ҳаёти давомида ўртача 140 дона, айрим вақтда эса 600 донагача тухум қўяди.

Эрта баҳорда тухумдан ўргимчакканалар 7-10 кунда, ёз ойларида эса 2-5 кунда личинкалар ривожланиб етук ўргимчакканага айланади. Ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб ўргимчакканан 7-19 кунда бир марта авлод беради. Вилоятимиз шароитида бу зааркунанда ўртача 16-18 марта авлод беради, ўтган 2006 йилда эса 18 та тўлиқ авлод берганлиги аниқланган.

Одатда ўргимчакканан яхши озиқланмаган, тагига ишлов берилмаган, сувсизликдан ҳолсизланиб ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган увват ва кирғоқлардаги ғўза ниҳолларини биринчи навбатда заарлайди.

Ўргимчаккананинг тез ривожланиб тарқалиши, оз микдорда кўрингани ҳам қисқа муддатда кўпайиб, зарар келтириш даражасига етиши мумкин.

Ўргимчакканан билан заарланган ғўза ниҳоллари соғлом ғўзага нисбатан ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Заарланган барглар сарғайиб қуриб тўкила бошлайди.

Ғўза ниҳолларини баргларда қизғиш-кўнғир доғлар ҳосил бўлганлигидан ўргимчакканан билан заарланганлигини аниқлаш имкониятини беради.

Ўргимчаккана ғўза ниҳолларининг ҳаёт фаолиятини ўзгартиради, яъни баргдаги фотосинтез фаолиятини ва модда алмашинувини бузиб, ўсимликнинг куриб қолишига сабаб бўлади.

Аниқлаш усули – ўргимчаккана кўпайиб ва кўплаб майдонларга тарқалишини олдини олиш мақсадида мавсумда ҳар 5 кунда камидан бир марта ғўза ва бошқа экинларни ўсиш даврида диққат билан синчиклаб текшириб чиқиш лозим.

Бунинг учун ўргимчаккана ва унинг табиий кушандалари хисобга олинади. Дастреб текшириш март ойининг 1-ўн кунлигида униб чиқсан кенг баргли бегона ўтларда (откулоқ, шўра, печак) пайдо бўлган ўргимчаккана аниқлашдан бошланади.

Бунинг учун дала қирғоқларида ҳар 20-25 метр оралиқдан 1 тадан 20 та намуна олинади. Бу намуна олинган майдоннинг катталиги $0,25 \times 0,25$ метр бўлади. Ҳар бир намунадаги ҳамма бегона ўтларнинг ҳар бир тури синчиклаб текшириб кўрилади. Заарланган ва заарланмаган туплар аниқланади. Ҳар бир намунадан ўргимчаккана билан заарланган кенг баргли ўтларда иккитасини ажратилади, уларнинг баргларига жойлашган ўргимчаккана сони ҳисобланади.

Экин майдонларида ўргимчакканани аниқлаш мақсадида ҳар 20 гектаргача бўлган майдондан 20 та намуна олинади. Ҳар бир намунада 5 тадан ўсимлик синчиклаб кўриб чиқилади. Ўргимчаккана билан заарланган ўсимлик микдорини, соғлом заарланмаганларга нисбатан неча фоиз ташкил этишини хисоблаб чиқилади.

Ўргимчаккана сонини аниқлаш учун намунада олинган 5 та ўсимликдан заарланганини ажратиб олиб, уларнинг ҳар биридан 3 тадан барг, яъни пастки, ўрта ва тепа қисмидан олинган барглардаги зааркунанда сони лупа ёрдамида саналади.

Тұпланған маълумотлар махсус дафтарга ёзиб борилади.

Хар 100 туп күрилған ўсимликда ўргимчакканы 10 дона, фойдалы ҳашорот 1 дона бўлса, бўндай ҳолатда ўсимликларни кимёвий ишловсиз ҳимоя қила олиш мумкин.

Кураш чоралари: Ўргимчакканани оммавий ривожланиб, тарқалишини олдини олиш чоралари қуйидагилардан иборат:

1. Дала майдонларидан ғўзапояларни илдизи билан олиб чиқиб кетиш.
2. Икки ярусли плуг билан чукур ҳайдов ўтказиш.
3. Дала қирғоқларидаги тутлар ва бошқа дараҳтларни эгилган шох-шаббаларини кесиб, дараҳт тагларини очиш.
4. Баҳорда ҳайдаладиган ерларга чилла суви бериш.
5. Дала қирғоқларидаги, йўл ва ариқ зовур бўйларидаги бегона ўтлар қолдиқларини феврал март ойларида қўл кучи ва кетмон билан йўқ қилиш чораларини кўриш.
6. Феврал ойида яъни ўсимликнинг тиним даврида дала қирғоқларидаги тутлар ва бошқа дараҳтларни 5° ли ИСО билан ювишни ташкил қилиш. Тутлар новдаларини кесиб бўлгандан сўнг $0,5^{\circ}$ ли ИСО билан такрорий ювишни ташкил қилиш.
7. Профилактик ишловлар ва қарши курашиш мақсадида гектарига 500 тадан 3-4 марта олтинкўз қўйишни ташкил қилиш.
8. Ғўза униб чиққандан сўнг текшириш натижасида ўргимчакканы билан заарланған ўсимликлар аниқланғанда ва заарланиш учоқлари пайдо бўлганда шу жойни 5-6 метр атрофини олtingугуртни хўлланувчи кукунини 1,5 фоизли эритмаси билан ёки $0,5^{\circ}$ ли ИСО билан ювишни ташкил этиш лозим.
9. Ғўза қатор ораларига биринчи комплекс ишлов берилгандан сўнг зааркунанда учоғи бўлган майдонларга ҳар гектарига 40-50 кг дан олtingугуртни сув билан чангитишни

ташкил қилиш лозим.

10. Июн-июл ойларида айрим майдонларда ўргимчаккан айында күплөр ривожланиб, тарқалиши аниқланса, Ниссоран, Неарон ва Омайт каби маҳсус акарицидлар билан кимёвий ишловлар ўтказиш тавсия этилади.

2017-йилда вилоятимиз ғўза майдонларида 36,1 минг гектарда ўргимчаккан тарқалиши башорат қилинмоқда. Жумладан:

Мингбулоқ туманида	-6,0 минг га
Косонсой туманида	-2,3 минг га
Наманган туманида	-3,0 минг га
Норин туманида	-3,0 минг га
Поп туманида	-6,0 минг га
Тўракўргон туманида	-2,5 минг га
Уйчи туманида	-3,5 минг га
Учкўргон туманида	-4,5 минг га
Чорток туманида	-1,5 минг га
Чуст туманида	-3,2 минг га
Янгиқўргон туманида	-0,6 минг га

Кўсак қурти ривожланиб, тарқалиши ва унга қарши кураш чоралари.

Кўсак қурти ғўзанинг асосий зааркунандаси ҳисобланиб, 120 турдаги ўсимликлар билан озиқланади, айниқса ғўза, помидор, бақлажон, нўхот, мош, соя ва маккажўхори ўсимликларини кўпроқ заарлайди. Зааркунанданинг битта авлоди ривожланиши 35-40 кун давом этади ва вилоятимиз шароитида 3-4 та авлод беради. Кўсак куртини бир авлоди ривожланиши учун 11 градусдан юкори 550 градус фойдали ҳарорат йиғиндисини олади, шундан: 50 градус тухуми, 300

градус курти, 200 градус ғумбаклик даврида олади. Бу зааркунанда одатда тупроқда йўл қолдириб 8-12 см чукурлигига кириб ғумбак холатида қишлиди.

Кўсак курти 2006-йил мавсумида кўпгина ғўза, маккажўхори ва кечки сабзавот экилган майдонларда тўйинган ҳолда, ҳар йилгидан кўра кўп миқдорда ғумбаклари қишловга кетганлиги кузатилди.



23-расм.

Кўсак курти капалаги

Кўсак курти ғумбаги эрта баҳорда 11 градусдан юқори 200 градус иссиқликни олганда, тупроқнинг ҳарорати 16 градусдан юқори бўлганда ғумбаклардан капалакларни учиши кузатилади, вилоятимиз шароитида апрел ойининг учинчи ўн кунлиги бошларида 22-23 кунларига тўғри келади. Кўсак

курти капалаги йирик қанотини ёзганда 30-40 мм, танасининг узунлиги 17-20 мм келади. Танасининг ранги кўкиш, сарик, кулранггача ўзгаради. Капалак учгандан 3-4 кун ўтиб урчиб тухум кўйишни бошлайди. Капалаклар ўртача 500-600 та айрим капалаклар эса 3000 тагача тухум кўяди. Биринчи авлод капалаклари тухум кўяётган даврда ғўза ниҳоллари ёш бўлганлиги сабабли, капалаклар дала қирғоқларидағи бегона ўтларга ва томорқалардаги эртанги сабзавот экинларига ўз тухумларини якка-якка ҳолда кўяди.

Зааркунанданинг тухуми оқиш кулранг, гумбазсимон шаклда 1 мм катталикда бўлади. Кўсак куртининг иккинчи яъни ғўзада бўладиган биринчи авлодини кўпайиб кетишини олдини олиш мақсадида фермер хўжаликлари раҳбарлари, МФЙ, худуд агроном-энтомологлари, мутахассислар билан биргаликда хонадонлардаги ва томорқа хўжаликлари экинларидаги

зааркунанда тухумига қарши биомахсулотларни қўйишни ташкил этиш лозим.



24-расм. Кўсак курти тухуми ва курти

Кўсак куртининг табиатдаги иккинчи (ғўзадаги биринчи) авлоди капалаклари учиши июн ойини 1-ўн кунлиги охири 2-ўн кунликларида асосан ғўза майдонларида ғўзанинг шоналаб, гуллаш даврларига тўғри келади. Бу авлод капалакларини учишини аниқлаш мақсадида ферамон тутқичлардан фойдаланилади, ферамон тутқичлар дала кирғоғининг 25-30

метр ичкарига ҳар 2 гектарига 1 донадан қўйилади, ферамон тутқичга тушган капалаклар ҳар куни қайд қилиб борилади. Ферамон тутқичларни фойдаланиш муддатларини узайтириш мақсадида кечкурун фойдаланилиб, кундузи салқин жойларга олиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Кўсак курти капалаги учишга бошлагандан 3-4 кун ўтиб капалаклар тухум қўйишни бошлиди. Капалак тухумларини биттадан асосан ғўзанинг ўсув нукталари яқинидаги янги баргларга, шона ва гулкосаларига қўяди. Шу билан бирга капалаклар ғўзаси ғовлаб ўсан сернам далаларни ёқтиради. Тухумлардан қуртларнинг чиқиши баҳорда 5-6 кун ёз ойларида эса 3-3,5 кунга тўғри келади.

Зааркунанда тухумлари аникланган майдонларга тезлик билан ҳар уч кунда кетма-кетлигини узмаган ҳолда трихограмма ва олтинкўзни белгиланган схемаларда қўйиш лозим. Кўсак курти

капалаклари одатда күёш ботгандан сўнг, кечки салкинда тухум кўяди. Трихограмма янги кўйилган тухумларни яхши заарлайди. Бир литрли шиша банкаларга тайёрланган трихограммалар эрта тонгдаги ҳаво салқинлигига кўлланилса, банка ичидағи трихограммалар ҳаракатсиз ҳолатда бўлиб, ғўза майдонларига бир текисда тарқатилишига эришилади. З кунлик тухумларга кечиктириб кўйилган биомахсулот самара бермайди ва майда ёш куртлар чиқиб кетади. Трихограммани далага кўйишда ғўза майдонларида аниқланган кўсак қурти тухуми сонига қараб асосан 100 туп ғўзада ўртача 2-3 дона кўсак қурти тухуми аниқланганда ҳар гектарига 1 граммдан 10×10 схемада ва ундан ортиқ тухумлар аниқланганда эса 10×5 схемада кўйиш тавсия этилади.

Кўсак қурти тухумдан чиқиб, ғумбакка кетгунгача 24 донагача ҳосил органларини шикастлайди. Курт танасининг тузи озиқланаётган ўсимлигининг рангига қараб ўзгариб туради.

Кичик ёшдаги куртларга қарши курашиш учун олтинкўз личинкаларидан фойдаланилади. Бунинг учун ҳар гектарига аниқланган заараркунанда куртининг қалинлигига қараб 500-1000 донагача олтинкўз кўйилади.

Кўсак куртини ўрта ва катта ёшдаги куртларига қарши эса бракон далага кўлланилгандан сўнг озиқланиб 5-6 кундан кейин куртларни чақишини ҳисобга олиб, кўсак қурти тухумларидан майда ёш куртлар чиқиши билан куртнинг қалинлигига қараб гектарига 500-1000 донадан учирилади.

Кўсак куртини табиатдаги учинчи (пахтада иккинчи) авлоди июл ойининг иккинчи ўн кунлигини охирларидан бошлаб учади. Бу авлодига қарши ҳам юкорида кўрсатиб ўтилган кураш тадбирлари ўтказилади.

Кўсак қурти ҳар 100 тўп ўсимликда 10-12 донадан ошганда

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳа мутахассислари холосасидан сўнг юкори самара берувчи фойдали ҳашоротларга кам таъсир этувчи кимёвий воситалар билан ишлов бериш тавсия этилади.

Кураш чоралари: Бундан ташқари қўсак қуртига қарши курашишда ғўзада агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш катта аҳамиятга эга.

1. Кузги шудгорни ўз вақтида ўтказиш.

2. Ҳайдалмай қолган ерларга қишиги яхоб суви бериш бунинг натижасида қишлийдиган ғумбакларни 80-90 фоизи йўқотилади.

3. Эрта баҳорда йўл, ариқ ва дала қирғоқларидаги қўсак қуртига озука бўладиган бегона ўтларни йўқ қилиш.

4. Экинларни бир текисда суғориш мақсадида сув кўллаб қолмайдиган қилиб ер текислаш.

5. Ғўза ўсув даврида чеканка қилинганда чилпилган ўсув нуқта ва баргларни этакларга солиб даладан олиб чиқиб кетиш ва кўмиб ташлаш, бу тадбир қўсак қурти тухуми ва ёш куртларини 40-55 фоизгача йуқолишига ёрдам беради.

6. Эрта муддатларда сифатли дефолиация ўтказиш.

2017-йилда вилоят бўйича ғўза майдонларида 27,9 минг гектарда қўсак қурти тарқалиши башорат қилинмоқда. Жумладан:

Мингбулоқ туманида	- 5,6 минг га
Косонсой туманида	- 2,1 минг га
Наманганд туманида	- 2,5 минг га
Норин туманида	- 2,5 минг га
Поп туманида	- 3,2 минг га
Тўракўргон туманида	- 1,8 минг га
Уйчи туманида	- 2,4 минг га
Учкўргон туманида	- 2,9 минг га

Чорток туманида	- 1,0 минг га
Чуст туманида	- 2,5 минг га
Янгиқўргон туманида	-1,4 минг га

Кишлоқ хўжалигида хусусан узумчиликда илгор технологияларни жорий этиш ва у асосида мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини кўтаришга эришиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Айниқса узумчилик соҳасида ҳосилдорликни ошириш кўп жиҳатдан улардаги касаллик ва зааркунанда хашоротларга қарши курашишнинг тежамкор усусларидан фойдаланишга боғлиқ. Маълумки узум (ангир) қурти боғларда қишлоғни ғумбак ҳолатида ўтказади. Эрта баҳорда (кунлик ўртача харорат 10°C данюқори бўлганда) ғумбакдан капалак учиб чиқа бошлайди ва 8-10 кун мобайнида озиқланиб, мевали дараҳтлар айниқса, узум баргларининг бандлари ва мева тўқималари орасига тухум кўяди. Бир дона капалак 100 тагача тухум кўйиши мумкин. Тухумлар 8-10 кун ичидаги ривожланиб қуртга айланади ва жуда тезлик билан узум гулидан заарлашни бошлайди. Узум қурти жуда тез харакат қиласиган хашоротдир. Ушбу хашоротга қарши курашда кимёвий воситаларни қўллаш уларни кейинчалик меваларда тўпланишига ва сифатини бузилишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан инновацион лойиҳа тайёрланиб унда узумчиликда ангир қуртига қарши курашда биологик восита трихограммадан фойдаланиш технологиясини яратиш ва уни амалиётга жорий этишга бағишиланган.

Боғдорчилик хусусан узумчиликда зааркунандаларга қарши курашда экологик жиҳатдан хавфсиз ва юқори самарадор биологик восита трихограммани янги технология асосида қўллаш.

Узумчиликда зааркундаларга қарши курашда экологик жиҳатдан хавфсиз усууллардан фойдаланиш, қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

- узумчиликда зааркунанда хашоротларга қарши кимёвий усуlda курашишнинг атроф муҳит билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш;

- биологик восита трихограммани узумзорларда зааркунанда хашоротларга қарши курашишнинг энг мақбул варианtlарини ишлаб чиқиш;

- узум (ангир) куртини узумзорни заарлаш даражасини башорат (прогноз) килиш ва заарлаш даражасига қараб трихограммани тарқатиш усулини ишлаб чиқиш;

- узумчиликда зааркунанда хашоротларга қарши курашда биологик восита (трихограмма)дан фойдаланишнинг кимёвий усулга нисбатан иқтисодий ва экологик самарадорлигини аниқлаш;

- узум ва узумдан тайёрланган маҳсулотларни кимёвий таҳлил этиш ва экологик тозалигини исботлаш;

- узум (ангир) қуртига қарши курашда биологик восита (трихограмма)дан фойдаланиш технологиясини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва қўллаш.

Узумчиликда узум (ангир) қуртига қарши курашда биологик восита (трихограмма)дан фойдаланиш технологиясини Республикаиздаги 120 минг гектардан ортиқ майдонларда амалиётга жорий этиш мумкин. Таклиф этилаётган усул амалдаги мавжуд усуулларга нисбатан маҳсулот тан нархи 20%га камайтирилишга, инсон саломатлигига таъсир этувчи захарли кимёвий моддалар ишлатилмаслигига, табиатдаги мавжуд фойдали энтомофагларнинг кўпайишига ва асосан узум ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга

эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етиш йўллари ва чоралари” китобида инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётiga таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий етиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишининг ишончли йўлларини ёритиб беришга қаратилган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга катта еътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган (И.А.Каримов).

Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқаришга, хусусан кишлок хўжалигининг барча тармоқларига еришилаётган илгор технологияларни жорий етиш ва у асосида мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини кўтаришга еришиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Республикамизнинг тупроқ иқлим шароитлари мева ва узумнинг ҳамма тур ва навларидан мўл ҳамда сифатли ҳосил етиштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам кўпчилик дехқон-фермер хўжаликлари боғ ва токзорларга катта еътибор бериб, улардан йил сайин мўл - кўл ҳосил етиштириш хисобига кўплаб даромад олмоқдалар. Лекин фермер хўжаликларининг бозор иқтисодиёти шароитида ракобатга мослашиши сифатли кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан бевосита боғлиқ. Сўнги йилларда таркиби етарли даражада ўрганилмаган ва маҳаллий шароитларда синовдан ўтмаган кўплаб турдаги пестицидлар, гербицидлар, ўсимликлар ўсишига таъсир етувчи воситалар ички бозорда пайдо бўлди. Уларни тарғиб етаётган реклама маълумотларида пестицидларнинг факат таъсир етиш

механизими хақидагина маълумотлар бор. Уларнинг таркибидаги кўшимчалар микдори иккиласми оқибатлари хақидаги маълумотлар деярли берилмаган. Махаллий шароитларда пестицидлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги атроф-мухитга салбий таъсир етиши билан бирга, заарли моддаларнинг маҳсулотда тўпланишига сабаб бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан боғдорчилик хусусан узумчиликда узум навлари зааркунанда ва касалликларига қарши экологик жихатдан самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий етиш асосида сифатли узум ва узум маҳсулотлари тайёрлаш узумчиликдаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Узум қурти (Ангур қурти). Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистоннинг марказий вилоятларида узумчиликда энг кўп зарар келтирувчи зааркунанда хашоратлар жумласига узум ёки ангур қурти киради. Ангур қурти (Грозевая листовертка) хашоратлар оиласининг танга қанотлилар отряди, барг ўровчилар (Тортисидае) оиласига мансубдир. У ғумбаклр ҳолида қишлиайди ва биринчи насли ерта баҳорда капалак узум бошларида гул тўпламларига, 2 чи наслида еса ёш меваларга, 3 чи наслда пишаётган шингилларга 40-80 тагача тухум қўяди. Унинг личинкалари 20-30 кун давомида 5 ёшни ўтайди ва ёз ойларида узум танасининг турли жойларида ғумбакка айланади. Ундан 8-12 кун келгуси бўғин капалаклари чиқиб яна тухум қўя бошлайди ва йил давомида 3-4 марта авлод беради. Бир дона курт 80 дона гул шонасини, 10 донадан ортиқ узум бошини заарлайди. Натижада узум бошлари иссиқ хараоратда қурийди, намгарчиликда еса ёнидагиларни ҳам чириб кетишига сабаб бўлади. 10-60% гача хосилни камайтириб иқтисодий зарар келтиради (25 расм).



25-расм

Биз ушбу заракунанда ҳашаротга қарши курашда кимёвий моддалар ўрнида биологик восита – трихограмма пашасидан фойдаланиб қарши кураш чоралари кўриш мумкинлигини тажрибалар асосида вилоятимиз худудидаги узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида исботладик.

Трихограмма капалаклар тухумининг (паразит) кушандаси ҳисобланиб, 70дан ортиқ заракунанда ҳашоратлар тухумларида ривожланади. Ҳозирда Республикаизда 800 дан ортиқ биолабораторияларда уни кўпайтирилиб заракунандаларга қарши курашда кенг фойдаланилмоқда. Хусусан вилоятимизда ҳам биомахсулотлар кўпайтиришга мослаштирилган Наманган “БИОСЕРВИС” МЧЖ ва хар бир туманда биолабораториялар мавжуд. Уларда трихограмма ишлаб чиқариш имконияти ва шароити етарли даражада таъминланган.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Юкорида қайд этилган кимёвий воситалар З турга бўлинади: инсектицидлар, акарицидлар ва фунгициддар.

Инсектицидлар ҳашаротларга қарши, акарицидлар мева ўргимчакканаларига қарши, фунгицидлар касалликларга қарши кўлланилади. Куйида кенг тарқалган, дала, ҳовли ва томорқада ишлатиш учун рухсат этилган препаратларга қисқача таъриф берамиз. Меваларда препаратлар қолдиги бўлмаслиги учун

улардан күрсатилған муддатлардагина фойдаланиш мүмкін.

Карбофос (50%ли эмульсия концентрати). Оч сарик рангли суюклиқ, ёқимсиз ҳидга эга, аммо пуркалғандан кейин ҳиди тезда йүқолади. Сув билан яхши аралашади. Сұрувчи ва кеми्रувчи зааркунандаларға қарши олма, нок, олхўри, гилос ва токни ҳимоя қилишда ишлатилади.

Бу препарат зааркунанданинг тухумларига таъсир қилмайды. Шунинг учун каналарға қарши курашда 7–10 кун оралатиб камида 2 марта пуркаш керак. Охирги пуркаш ҳосилни йиғиширишдан 20 кун олдин тугалланиши лозим. Бөгларнинг тури ва ёшига қараб гектарига 1–3 кг гача препарат сарфланади.

Бензофосфат (30% ли) хұлланувчи куқун ҳолида ишлаб чиқарилади. Бөг ва токзорларда мавсум даврида мевахұр ва барг кеми्रувчи құртларға, шира ва каналарға қарши ишлатилади. Охирги пуркаш ҳосилни йиғиб олишдан 30 кун аввал тугалланиши лозим. Бөгларнинг тури ва ёшига қараб гектарига 2,5–4,5 кг дан сарфланади.

Золон (35% ли) күлланилиши жиҳатдан бензофосфатдан фарқ қилмайды.

Пиретроидларға амбуш (25% ли эмульсия концентрати), цимбуш (25% ли ва 10% ли э.к.), рипкорд (40% ли э.к.), сумицидин (20% ли э.к.) лар киради.

Бу препаратларни мавсум даврида мевахұр құртларға, шира ва куяларға қарши құллаш яхши самара беради. Микдор жиҳатдан нисбатан кам сарфланади, бөг ва токзорларнинг турига ва ёшига қараб 0,8–2 кг атрофида, охирги ишлов ҳосил йиғиб олиннишидан 20—25 кун аввал үтказилиши керак.

Тамаки ҳашаротларға қарши курашда қадимдан күлланиладиган ўсимлик. Барги, банди ва куритилаётгандан түкилған барча чиқындиларининг ҳаммасидан фойдаланиш

мумкин. Тамаки саноати чиқиндиси, тамаки куруми савдо тармоғида ҳам сотилади. Кўпинча дала ҳовли ва томорқа шароитида ишлатилади.

Тайёрлаш усули.

1-усул: 1 кг тамаки чиқиндиси 10 литр қайноқ сувда дамланади. Бир сутка ўтгач сузилади. Ишлатишдан олдин иккى қисм сув кўшиб суюлтирилади ва ҳар 10 литр сувга 40—50 г совун кўшилади.

2-усул: 0,5 кг қуритилган тамаки барги билан кўшиб майдаланади ва 10 литр сувда 2 сутка бўктирилади. Қийин сузилади ва яна шунча сув кўшиб суюлтирилади. Ишлатишдан олдин ҳар 10 литрга 40—50 г совун кўшиб аралаштирилади. Тамаки қайнатмаларини салқин, коронғи жойда оғзи ёпиқ шиша идишларда бир неча ой сақлаш мумкин.

Тамакидан тайёрланган препаратлар барг ширалари, нок шираси, куя куртлари ва бошқа ҳашаротларга қарши курашда яхши самара беради.

№ 30 препаратлари (№30 А, № 30 С, № 30 М). 76% ли минерал-нефть эмульсияси концентрати кўринишида ишлаб чиқарилади. Эрта баҳорда, куртаклар бўртмасдан олдин 50% ли эритмаси қалқондорлар ва бошқа турдаги зааркунандаларга — каналар, шира, сохта қалқондорларга ва куяларга қарши ишлатилади.

Нитрофен (60% с.э. пастали). Кўнғир, кора рангли, ўткир ҳидли паста. Сувда яхши эрийди. Эрта баҳорда куртаклар бўртгунча зааркунандалар қишлидиган даврда, касалликларнинг юқумини камайтириш мақсадида мевали дарахтлар ва токка пуркалади (100 литр сувда 2–3 кг). Гектарига 40–60 кг атрофида сарфланади.

КОЛЛОИД ВА ХҮЛЛАНУВЧИ ПРЕПАРАТЛАР

Олтингугурт (80% ли) сувга яхши аралашадиган оқ, сарик рангли кукун. Каналарга қарши курашда ишлатилади. (100 литр сувга 0,5 – 1 кг хисобидан). Йиғим-теримга 5–6 кун қолганда пуркаш тұхтатилади. Гектарига 12–20 кгдан сарфланади.

Омайт (30% ли) хүлланувчи кукун ва 57% ли эмульсия концентрати шаклида ишлаб чиқарилади. Мавсум даврида каналарга қарши боғларга пуркалади. Боғнинг ва препаратнинг турига қараб, гектарига 2,5–4 кг дан сарфланади. Күтиш даври 45 кун, яғни ҳосилни йиғиши 45 кун қолгунча ишлатиш мүмкін.

Түйилган олтингугурт сарик рангли кукун бўлиб, сувда эримайди. Мевали дараҳтлар ва токка чанглатиш йўли билан ишлов берилади. Гектарига 25–35 кг микдорида сарфланади.

Фунгицидлар

Бордо суюқлиги (БС) мис купороси эритмаси билан оҳак суспензияси аралашмасидан иборат ҳаво ранг суспензия. У данакли мева дараҳтларининг доғланиш, шафтоли баргининг бужмайиш, токнинг доғли антракноз касаллигига қарши, олма дараҳтларининг калмараз ва бошқа касалликларига қарши ишлатилади. У бевосита ишлатишдан олдин тайёрланади. Боғларда дараҳтлар барги ёзилмасдан аввал 3–5% ли БС пуркалади. Мавсумда 1% ли БС ишлатилади (1 гектарга 12–18 кг БС сарфланади).

3% ли 100 литр БС тайёрлаш учун 3 кг мис купороси 50 литр сувда эритилади ва шунча микдорда сўндирилмаган оҳак кўшилади. Мис купоросининг эритмаси оҳак эритмасига куйилади. Суюқлик бетон чуқурларда тайёрланади. БС ни томорқадаги боғларда кўллаш ҳам мумкин.

Мис хлороксиди (90% ли) яшил рангли, ҳидсиз, сувда эрийдиган кукун бўлиб, БСнинг ўрнини босади. Мавсумда олма,

нок, гилос, олхўри, шафтоли ва ўрикнинг калмараз, доғланиш, барг бужмайиши касалликларига (100 литр сувда 300–400 г), токнинг антаркноз касаллигига қарши ишлатилади (100 литр сувда 405 г). Охирги пуркаш ҳосил йифилмасидан 20 кун аввал тўхтатилади. 1 гектар бокқа 2–4 кг мис хлороксида сарфланади.

Мис купороси (тўтиё, 98% ли) сувда эрийдиган мовий рангли қукун. Куртаклар ёзилгунча боғларга 1% ли (100 литр сувда 1 кг тўтиё эритмаси) эритмаси билан ишлов берилади. Калмараз, доғланиш, барг бужмайиши, антракноз каби касалликларга қарши курашда самарали восита. Гектарига 15–20 кг сарфланади. БС тайёрлашда ҳам қўлланилади.

Темир купороси (53% ли) қукун шаклида, сувда эрийди. Қайси касалликларга қарши ва қачон ишлатилиши жиҳатидан мис купоросига ўхшаш бўлади, 2–3% ли эритмаси ишлатилади. Гектарига 30–40 кг темир купороси сарфланади.

Оҳак-олтингугурт қайнатмаси (ООҚ ёки ИСО) сув, туйилган олтингугурт ва оҳакнинг 17:2:1 нисбатдаги аралашмаси. Бу аралашма 1–1,5 соат давомида қайнатилади (100 литр қайнатма олиш учун 85 литр сувда 10 кг олтингугурт ва 5 кг оҳак эритилади). Қайнатма олча рангли бўлади. Кўпинча унинг кучи 15–20° бўлиб чиқади. Мавсумда сепиш учун 1° ли бўлади. 100 литр 1° ли эритма тайёрлаш учун қайнатма қиёмидан 5 кг олинади.

Токка кузда ёки эрта баҳорда пуркаш учун 5° ли эритма ишлатилади. Томорқа шароитида 10 литр сув ҳисобидан тайёрланади. ООҚ мева каналарига ва ун шудринг касалликларига қарши курашда яхши самара беради.

Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлишича, боғ ва токзорларни зааркунанда ва касалликлардан ўз вақтида, киска муддатда ҳимоя қила олган хўжаликларда юқори самарадорликка

эришилади. Бир марта пуркаш ишлари узоги билан 3–5 кунда тугалланиши керак.

Ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун 30–40 гектар мева боғига битта пуркагич, олтингүргүрт билан чанглатиш учун 70–80 гектар токзорга битта чанглаткич зарур бўлади.

Кўйида боғ ва токзорларда фойдаланиладиган чанглаткич ва пуркагичлар ва уларнинг иш унумини келтирамиз:

Боғ ва токзорларда фойдаланиладиган чанглаткич ва пуркагичлар

Маркаси Иш унуми (га/соат)

ОШУ-50 А 4–7

ОП-2000 1,5

ОВТ-1 В 1,1

ОВП-12004-7

ОУМ-4 7,29

ОШТ-1 1,5-3,0

Масалан, олма қуртига қарши 100 га мева боғига ишлов бериш лозим бўлсин. Хўжаликда ОВП - 1200 пуркагичи мавжуд. Пуркаш ишларини саҳарда бошлаб, кун қизиб кетгунча тугатиш керак. Ўрта хисобда 5 соат ишланса ва соатига ўртача 4–5 га боққа ишлов берилса, пуркагичнинг кунлик иш унуми 20–25 га бўлади. 100 га боққа битта пуркагичда 4–5 кун ишлов берилади. ОУМ-4 ва ОШТ-1 пуркагичларини токзорларда ва пальметта боғларида қўллаш қулагай. ОШУ-50 А чанглаткичидан ҳам токзорларни кул касаллигидан ҳимоя қилишда фойдаланилади.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ИШЛОВ БЕРИШ ҚОИДАЛАРИ ВА АЙРИМ ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Зараркунандаларга қарши кураш чора-тадбирлари сифатли бўлиши учун дорилаш ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши шарт. Препаратлардан тайёрланадиган ишчи суюклигини бевосита ишлатиш олдидан тайёрлаш керак. Пуркаш ва чанглатиш ишларини шамолсиз осойишта кунлари ўтказиш зарур. Пуркашдан кейин ёмғир ёғиб ўтса, пуркаш ишлари такрорланади.

Пуркаш вақтида пестицидлар ишловчи ходимларга тегмаслиги керак. Пуркаш ишларига жалб қилингандарни эҳтиёт чоралари билан таништириш керак. Ўспирин ёшлар, bemорлар ва ҳомиладор ёки эмизикли аёллар бундай ишларга қўйилмайди.

Ишлаётган одамлар маҳсус кийим, халат, комбинезон, этик, қўлқоп, кўзойнак билан таъминланади. Иш тугагандан кейин яхшилаб совунлаб ювениш лозим. Охирги дорилаш ишларини ҳосил йигим-теримига 1–1,5 ой қолганда тугатиш керак.

Боғ ва токзорларни зараркунандалардан химоя қилиш самарадорлигини оширишда парвариш ишлари – қаторларни ва туплар орасини ҳайдаш, шакл бериш, буташ, ўз вақтида ва сифатли хомток қилиш, суғориш, озиқлантириш ва бошқа парваришга оид тадбирлар тўла-тўкис ўтказилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Үзүүм зараркуундаларига карши кураашда күллэшгэх руухат этилгэн кимсвийн дорилар

№	Перепаратынг номи	Сарфлаш нормаси (га/кг ёки га/л)	Перепарат пуржаладиган эсчин тури	Кайсий зараркуундага карши ишлэтилий	Ишлэтиши мулдатги, усули ва тавсия этилгэн чөлөв	Хосил юигишга канча вакт колтанды ишлов туталланай	Бир мавсумда неча марта ишлэтилий
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Золол, 30% Н.К.	1,3-3,3	Ток	Барг ўровчи курглар, чипор капалаклар	Үсүмликтар вегетацияси даврида пуркалади	40	2
2	Золон, 35% ЭМ.К.	1,0-2,8	Ток	Барг ўровчи куртлар, чипор капалаклар, каналар	Үсүмликтар вегетацияси даврида пуркалади	40	2
3	Кварк, 10% ЭМ.К.	3,0-9,9	Ток	Барг ўровчи куртлар, чипор капалаклар, каналар	Үсүмликтар вегетацияси даврида пуркалади	40	2
		1,0-2,8	Ток	Барг ўровчи куртлар, чипор капалаклар, каналар	Үсүмликтар вегетацияси даврида пуркалади	40	2

1-жадвал давоми

4	БИ-58, 40% ЭМ.К.	1,2-3,0	Ток	Каналар, барг ўровчи куртлар, улсимон куртлар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	30	2
5	Децис, 2,5% сус.к.	0,4-0,6	Ток	Барг ўровчи куртлар, битлар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	30	2
		0,4-0,6	Ток	Барг ўровчи куртлар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	30	2
6	Карагэ, 5% ЭМ.К.	0,3-0,5	Ток	Барг ўровчи куртлар, каналар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	20	2
7	Маифос, 50% ЭМ.К.	1,0-3,6	Ток	Унсиммон куртлар, каналар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	20	2
8	Митак, 20% ЭМ.К.	1,6-2,4	Ток	Үргимчакканалар, барг ўровчилар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	30	2
9	Неорол, 50% ЭМ.К.	1-1,8	Ток	Каналар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	45	1
10	Олгиннугурт, 80% күкүн ва колloid	10-16	Ток	Каналар	Усиммиклар вегетацияси даврида пуркалади	1	5

1- жадвал давоми

11	Омайт, 30% н. кукун	1,6-2,4	Ток	Каналар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	60	2
12	Омайт, 57% ЭМ.К.	1,2-1,8	Ток	Каналар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	60	2
13	Сүми-альфа, 5% ЭМ.К.	0,4-0,6	Ток	Барг ўровчи куртлар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	45	1
14	Френеникілл, 20% ЭМ.К.	0,4-1	Ток	Барг ўровчи куртлар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	45	2
15	Фыюри, 10% с.әкиптар	0,25	Ток	Шингіл барг ўровчи куртлар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	30	2
16	Циракс, 25% ЭМ.К	0,16-0,32	Ток	Барг ўровчи куртлар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	25	3
17	Фьюри, 10% с.әк.	0,25	Ток	Шингіл барг ўровчи куртлар	Үсімліктар вегетациясы даврида пуркалади	30	2

УЗУМ НАВЛАРИ

Маълумотларга кўра узумнинг тўрт мингга яқин нави маълум бўлиб, шундан 400 дан ортиги Ўзбекистонда ўстирилади.

Узум навлари ишлатилишига қараб уч гурухга, яъни винобоп, майизбоп ва хўраки навларга бўлинади.

Винобоп навларга алеатико, алиготе, баян-ширеј, буваки, беҳишти (бишти) баҳтиёрий, оқ мускат, рислинг, ркацители венгер мускати, ғулжа, сояки, саперави кабилар; майиз (кишмиш) боп навларга оқ кишмиш, қора кишмиш, пушти кишмиш кабилар; хўраки навларга ҳусайни, тойифи, нимранг, эчкиэмар, каттакўргони, туятиш, чарос, Андижон қораси, коражанжал, қора гўзал, сўрхок китоб, Александр мускати, чиллаки, даройи, победа, "Ризамат" каби навлар киради. Пишиш вақтига қараб, эртапишар (оқ ҳалилий, қора ҳалилий, даройи, чиллаки, қора кишмиш, тағоби, алиготе кабилар), ўртапишар (баҳтиёрий, буваки, эчкиэмар, оқ вассарға, победа, сояки, чарос, саперави, ҳусайни, "Ризамат", туятиш кабилар); кечпишар (баян-ширеј, беҳишти, каттакўргони, октябрский, тойифи, нимранг, сultonий кабилар) бўлади.

Хўраки навларнинг узум боши, ғужуми йирик, турли ранг ва шаклда. Ғужумлари этдор, ширин бўлади. Ўрта пишар навларининг баъзилари ҳамда кечпишарлари тегишли шароитда баҳоргача сақланиши мумкин.

Узумнинг уругсиз навлари кишмиш деб аталади. Улардан майиз (кишмиш) солинади. Ғужумлари турли рангда ва таркибида шакар моддаси кўп бўлади.

Винобоп навларнинг узум боиш унча катта бўлмайди, ғужумлари турли шакл ва рангда, кишмишларга караганда шакар моддаси камроқ бўлади. Бу навлардан мусаллас, шампан, кучли десерт винолар тайёрланади.

УЗУМ КҮЧАТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

Узум новдаларидан қаламчалар тайёрлаш ва уларни сақлаш. Мева дараҳтлари каби узум ҳам уруғидан, ҳам вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Узум, асосан, вегетатив йўл билан - қаламчасидан парҳиш қилиб, баъзи ҳолларда пайвандлаб ҳам кўпайтирилади. Қаламчадан кўчат қилиб ўстирилган узум икки-уч йилда ҳосилга киради.

Узум новдаларидан қаламчалар, асосан, кузда, узум кесиш вақтида тайёрланади. Эрта баҳорда тайёрланиши ҳам мумкин. Қаламчалар нав хусусиятини тўла сақлаган, серҳосил, касалликларга чалинмаган узум тупларининг яхши пишган бир йиллик новдаларидан тайёрланади. Эркаклаган, занглардан ўсиб чиқкан ҳамда бачки новдалардан қаламча олинмайди. Новдаларнинг учки қисми ҳам қаламчага яроқсиз ҳисобланади. Тайёрланаётган қаламчаларнинг узунлиги 40-50 см, йўғонлиги хўраки узумларда 10-12 мм, винобоп узум навларида 6-8 мм, ҳар бир новдада камида тўрт-бешта куртак бўлиши керак. Қаламча икки баробар, яъни 80—100 см, баъзи яхши ва камчил узум тупларида новдалар камроқ бўлса, қаламчалар 30-40 см узунликда тайёрланиши мумкин. Бунда улар экиш олдидан ўртасидан иккига бўлинади. Ҳар қайси навдан алоҳида қаламча тайёрланади. Олинган қаламчалар 50, 100, ҳатто 200 тадан қилиб юмшоқ сим ёки тол новдаси билан боғланади. Ҳар бир боғламга навнинг номи, қаламчалар сони фанер ёки тахтачага қалам билан ёзиб қўйилади. Тайёрланган қаламчалар қиши билан ертўла ёки траншеяларда тупроқка кўмилган ҳолда сақланади. Траншеялар 60-70 см, икки баробар узунликда тайёрланган қаламчалар учун 120 см чукурликда қазилиши керак. Қаламчаларни жойлашдан илгари траншеяларга сув қўйилиб намиктирилади. Сув сингиб кетгач, қаламчалар тик ҳолда, нав тартиби билан

жойлаштирилади. Боғламлар оралиғидаги бўшлиқларга тупрок тўлдирилади. Қаламчалар устига 20-30 см қалинликда тупрок ташланади, навлар алмашиб кетмаслиги учун ҳар бир нав устига навнинг номи ёзилган қозиклар қоқиб қўйилади. Қаламчалар экилгунича шу ерда сақланади.

Қаламчаларни экишга тайёрлаш. Экиш. Кўчат етишириш. Баҳорда, яъни март ойининг охирларидан, апрелнинг ўрталаригача қаламчалар кўмилган жойидан олинади. Экиладиган томони биринчи кузгача кесилади, икки бўғим оралиғи боғ араси ёки пичоқ билан тирналиб, сўнг тайёрганган жойга экилади. Тирналганда илдизчалар тезроқ ривожланади, қаламча яхши тутади.

Қаламчаларни ўтқазиш учун қатор ораси 80-90 см, чукурлиги 30-40 см бўлган ариқчалар қазилади. Қаламчалар 1.0 см оралиқда, қияроқ қилиб экилади. Қаламчанинг бир-иккита кўзи тупроқдан ташқарида қолдирилиши керак. Қаламчалар экиб бўлингач, қатор бўйлаб олинган эгатлар орқали, ўсув даврида ер шароитига қараб 12—15 марта сугорилади. Қаламчалар ўтқазилганидан бошлаб, июль ойигача ҳар ҳафтада, сентябрь бошларигача эса ҳар 15—20 кунда сугорилади. Ҳар галги сугоришдан сўнг кўчатзор тупроғи юмшатилади, бегона ўтлар йўқотилади. Кўчатлар май-июнъ, июль ойларида қўшимча озиклантирилади. Ҳар галги озиклантиришда соф ҳолда гектар хисобига 15-20 кг азот берилади. Августда ҳар бир кўчатда яхши ривожланган бир-иккита новда қолдирилиб, бошқалари олиб ташланади. Октябрь ойида кўчатлар қазиб олинади. Кўчатзор тупроғи куриб зичлашиб қолган бўлса, кўчат кавлашдан тўрт-беш кун олдин сугорилади. Қазиб олинган кўчатлар сортларга ажратилади ва 25-30 тадан боғланади. Доимий жойга ўтқазиш учун илдизи, новдалари яхши ривожланган кўчатлар сараланади.

Экиш учун ажратилган күчатлар кузда экиладиган бўлса, экиб бўлингач, тупроқка кўмилади. Баҳорда экиладиган бўлса, ҳар бир узум нави алоҳида боғ-боғ қилиб боғланиб, траншеяларда сақланади. Яхши ривожланмаган күчатлар ўз жойида келаси йилгача қолдирилади. Қаламчаларни йирик майдонларга экишда ПРВН-2,5 А ўрнатма узумзор плуги, КРК-60 узумзор универсал машинасидан фойдаланилади. Доимий майдонга экиш учун ажратилган күчатлар навига, тупроқ шароитига қараб 3x3 м, 3x2,5 м, 2,5x2,5 м, 2,5x2 м, кучсиз ўсувчи навлар, ҳатто 2x1,5 ли схемада экилади.

Узум кўчатини ўтқазиш. Узум кўчати кузда (ноябргача) ва баҳорда (март-апрелда) ўтқазилади. Ўтқазиш учун келтирилган кўчатлар хилланади, илдизнинг шикастланган қисми олиб ташланади, соғлом илдизларнинг учи кесиб кисқартирилади. Ер устки қисмида яхши ривожланган новдаларнинг бир-учтаси қолдирилиб, улар икки-уч кўз қолдириб кесилади. Кўчатларни экишдан олдин, яхши тутиб кетиши учун сув, тупроқ ва чириган гўнгдан иборат суюқроқ аралашмага ботириб олинади. Кўчат илдизлари чуқур ўртасида ҳосил қилинган дўнгчага бир текис таралади ва тупроқка кўмилади. Илдиз орасида бўшлиқ қолмаслиги учун тупроқ оёқ билан босиб зичланади. Кузда экилган кўчатлар ёнига қозиқ ўрнатилиб 20-30 см қалинликдаги тупроқка кўмилади. Кўчат ўтқазиб бўлингач, албатта суғорилади. Кўчатларни қандай схемада экиш тупроқ ва иқлим шароитига, нав хусусиятига қараб белгиланади. Бунда қатор ораларини механизация ёрдамида ишлашга кулайлиги ҳам инобатга олинади. Узум нав хусусиятларига кўра, кучли, ўртача ва кучсиз ўсади. Хўраки ва майизбоп навлар кучли ўсувчи, винобоп навларнинг кўпчилиги ўртача ва кучсиз ўсувчи хисобланади. Шунинг учун суғориладиган, унумдор ерларда қатор ораларини 3—2,5 м,

қатордаги туп ораларини күчли ўсуви навлар учун 3-2,5 м, ўртаса ўсадиганлари учун 2,5-2 м, кучсиз ўсадиганлари учун 2—1,5 м қилиб белгилаш мүмкін. Тош-шағалли ерларда қатор ва туп оралари 2,5x2 м, 2,5x1,5 м, лалми ерларда эса 2,5x2,5 м, 2,5x2 м, 2,5x1,5 м бўлади.

Узум тупларини экиш схемасига кўра, бир гектарга қанча туп кўчат кетишини ҳисоблаш мүмкін. Масалан, узум 3x2,5 м ли схемада экиладиган бўлса, ҳар гектарга 1333 туп, 3x2 м ли схемада 1660 туп, 2,5x2 м ли схемада эса 2000 туп узум кўчати кетади. Буни аниқлаш учун бир гектар, яъни 10.000 m^2 қатор билан туп оралигини кўпайтирилганда чиққан сон (масалан, 3x2 м = 6 m^2) га бўлинади. Узум кўчати ўтқазилаётганида нав хусусиятини назарда тутиш, яъни чангланувчи ва чангловчи навлар экилиши керак. Бунда бир-икки қаторга чангловчи, бир қаторга чангланувчи (нимранг, чарос, каттакўргон ва бошқалар) навлар ўтқазилади.

Узум яхши парвариш қилинса, ундан бир неча йиллар мобайнида мўл ва сифатли ҳосил етиштирилади, иқтисодий самарадорлиги ортади. Шунинг учун у керакли шаклга солиниб, турли усулларда ўстирилади. Бу иш узум навига, ўсиш кучига қараб амалга оширилади.


Ёш узумларни парвариш қилиш. Узум кўчати ўтқазилгандан кейин узумзор тупроғи доимо юмшоқ ҳолда ва бегона ўтлардан тоза туриши керак. Бунинг учун кўклам ва ёз ойларида қатор оралари уч-тўрт марта культивация қилинади ёки ағдармай ҳайдалади, қатордаги туп оралари икки-уч марта чопилади. Кузда қатор оралари ағдармасдан 28-30 см чукурликда шудгорлаб кўйилади. Узум ўтқазилишининг биринчи йилида узумзор, ер бетининг баланд-пастилигига қараб, икки ёқлама (узунасига ва кўндалангига) культиваторда ишлаб чиқилади.

Узум қатор ораларидан ўнта полиз экинлари ва эртаги картошка экиб фойдаланиш ҳам мүмкин. Бу экинлар ёш узумларга халал бермаслиги учун улар узум қаторидан 0,5 м қочириб экилади. Қатор ораларидаги экинларни сугориш сентябргача тұхтатилиши зарур, шундагина узум новдалари совуқ тушгунча яхши пишиб улгуради. Узумлар қатор ораларига экилган экинлардан қатын назар, алохида парвариш қилинади.

Узум экилишининг биринчи йили узумзор 8—10 марта апрелда бир-икки, май ва июнда иккитадан, июлда икки-уч ва августда икки марта сугорилади. Бундан ташқари, ноябрь-февраль давомида узумзорга бир-икки марта сув берилади.

Намли ерда узумзорлар күлда ёки гидробур воситаси билан бир-икки марта сугорилади. Сугорышдан кейин узумзор ери юмшатиласы.

Сувли ерлардаги икки-уч ёшли узумлар ўсув даврида түрт-олти марта сугорилади. Бундан ташқари, куз-қишлоғи даврида бир-икки марта сув берилади. Ер ости суви юза жойлашган участкаларда сугориш сони, шунингдек, ҳар галги сугорышда бериладиган сув нормаси (ер ости „сувининг қанчалик юза жойланишига қараб) турлича бўлади. Сершагал ерлардаги узумзор дастлабки ва кейинги икки йилда бўз тупроқли ерлардагига қараганда кўп марта сугорилади, лекин бунда ҳар галги сугорышда бериладиган сув нормаси камайтирилади.



26-расм. Ток күчати.

а) ўтказишдан олдин; б) ўтказиш вақтида.

Хар галги сугоришдан кейин сугориш эгатлари юмшатиб чиқилади.

Узумларни зааркунанда ва касалликлардан сақлаш учун профилактик тадбирлар кўрилади. Ёш узумлар қиши совуғидан шикастланмаслиги учун октябрда кўмилади. Бу узумлар дастлабки икки йилда кўкламда кесилади. Узумлар кўмилгандан кейин текшириб чиқиб, уларни совуқ уришдан сақлаш чоралари кўрилади, чунки узум ёшлик вақтида совуққа нисбатан чидамсиз бўлади.

Узумзор барпо этишда ундаги узумларнинг нави тоза, дурагай узумлар аралашмаган бўлишига, бир хил қалинликда жойланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Узумзордаги узумларнинг нав тозалиги майнинг иккинчи ярмида (ўса бошлаган ёш новдаларга караб) аниқланади. Бунда аралашиб қолган барча бегона навлар олиб ташланади, бунинг ўрнига тегишли навнинг бақувват кўчати ўтказилади.

Айрим ҳолларда май ва игонь ойларида шу йил янгидан

ташкыл этилган күчатхонадан олинган күчат экилиши мумкин, аммо бу ҳолда күчатдаги барча ёш (хом) новдалар олиб ташланади, жуда авайлаб экилади ва бу күчат дастлабки вакътларда пухта парваришлиб ва соялаб турилади. Узумзордаги ўсимликлар хатосига экиш учун бошқа участкада кекса туплардан пархишлиб маҳсус етиширилган күчатдан фойдаланиш мумкин. Бунда мазкур күчат июнь ойида кўчириб ўтқазилади. Шу хилда етишириб қайта экилган күчат яхши парваришлиб борилганда, иккинчи йили ҳосил қила бошлайди. Хатосига янги күчат экилишининг иккинчи йили узумларни кўмиш олдидан, тутмай қолган күчатлар ўрнига икки йиллик бақувват күчат қайта экилади.

Узум ўтқазилишининг иккинчи йилида хато бўлиб қолган жойлари узум кўкаришидан олдин пархиш қилиш йўли билан тўлдирилади.

Ёш узумларни тезроқ маълум шаклга киритиш учун уларни ўтқазишнинг биринчи йилида ҳар бир узум тупида тўртта-бешта бақувват новда қолдирилади, бошқа новдалари кесилади. Агар новдалар етарли даражада ривожланмаса, бир-иккита бақувват новдалари 12-13 см га етганда чеканка қилинади. Булардан ўсиб чиқсан новдалар кейинчалик узумга шакл бериш учун фойдаланилади, Агар новдаларда етарли микдорда қўлтиқ шохлари пайдо бўлмаса, булар ҳам чеканка қилиниб, иккинчи тартиб новдалар чиқартирилади, мана булар узумни маълум шаклда ўстиришда фойдаланилади.

Узум новдалари яхши ўсиши учун биринчи йили қозиққа кўтариб бойланади; келаси йили ҳар бир новданинг 12-15 куртакдан юқориси кесилади. Булар кейинчалик узум зангига айлантирилади. Узум кўкламда тупроқдан очилгандан кейин унда етарли микдорда новдалар бўлмаса, уларнинг бир қисми, 12-15

куртакдан юқориси кесилади, бир-икки новдада эса икки-уч куртак қолдириб кесилади. Бу куртакдан келгусида занг бўладиган новдалар чиқади.

Кўкламда новдаси узун қолдириб кесилган кўпгина узум навлари илгор агротехника усулида парвариш қилинганда шу йилнинг ўзидаёқ узумзорнинг гектаридан 20—30 центнергача ҳосил олинади.

Узум экилишининг иккинчи йилида тупда яхши ривожланган ва ҳосил қилган новдалар қолдирилади. Учинчи йили кўкламда токка шакл бериш иши давом эттирилиб, ҳалиги новдалардан ҳосил маданглари чиқарилади.

Учинчи йили ҳар бир тупда учта-бешта занг қолдирилади. Бунинг ҳар бирида битта-иккитадан маданг бўлади.

Ҳар бир мадангда умумий куртак миқдори 100—150 га етадиган новдалар қолдирилади; мана шу учинчи йилдаёқ узумзорнинг гектаридан 100—150 ц ҳосил олинади.

Узумлар экилишининг учинчи йилидан кечиктирмай бағаз ва ишкомга кўтарилади.

Соҳибкор узумчи Ф. Б. Баширов узум тупини тезрок шакллаш усулини ишлаб чиқди. Бунда ёз даврида кўчат уни чимтилиб, ортиқча новдалари хомлик вақтида олиб ташланади. Бу усулни кучли даражада ўсадиган навларда қўлланиш мумкин.

Узумни дараҳтларда ўстириш. Бу жуда ибтидоий усул бўлиб, Сурхондарё вилоятининг (Денов, Шўрчи ва Китоб туманларидағи) тоғли жойлардаги қишлоқларда учрайди. Бунда узум тури ёнига дараҳт экилиб, узум шу дараҳт устига чиқарип юборилади. Бундай узумлар қиши тушиш олдидан кўмилмайди, кўкламда новдаси барг ёзиш вақтида кесилади. Узумни бу усулда ўстириш ариқ бўйларида ўстирилаётган якка дараҳтлар бўлган тақдирдагина қўлланилиши мумкин. Бунда парвариш иши энг

кам бўлгани ҳолда анча яхши ҳосил олинади.

Бу усулнинг камчилиги: узум новдаларини парвариш қилиш қийинлашади, новдалари жуда қалинлашиб кетиши натижасида замбуруғ қасаллиги кўп пайдо бўлади, ҳосилининг сифати пасаяди ва уни узиб олиш қийинлашади.

Узумни ерда ўстириш. Бу усул баъзи жойларда кекса узумзорларда кўп кўлланилади. Бунда анча қимматга тушадиган ёғоч зарур бўлмайди. Узумларнинг новдалари ер устига қилинган дўнгларда бемалол ўса беради. Бу усулда узум ўстаришда 2 м кенгликда ва 1 м чукурлиқда ариқ олиниб, хар бир ариқнинг икки четига узум ўтқазилади; Ариқнинг бир четига ўтқазилган узум қатори билан иккинчи четига экилган узум қаторининг ораси 2—2,18 м бўлади. Бир ариқ билан иккинчи ариқ ораси 6—7 м қилинади, бунда хар гектарга 600-1100 туп узум жойлашади.

Бу хилдаги узумларни шакллашда ҳар тупда паст бўйли занг қолдириб, хар бир зангдан беш-олти маданг чиқарилади. Бу маданглар ер бетига ёйилиб ўсаверади. Мадангдан ўсган новдалар пушта томонга тараб қўйилади. Бунда узумда ҳосил бўлган кўпгина узум бошлари ерга тегиб туради. Баъзи жойларда бу хилда ўстирилган узумлар қисқа бўйли тирговичларга кўтариб қўйилади. Масалан, бўйи 50-70 см келадиган иккита айрига бағаз қўйиб узум маданг ва ҳосилли новдалари шу бағаз устига олинади. Бунда узум туплари орасига ҳаво эркин кириб, узум бошлари ерга тегмайди.

Узумни кузда кесишда фақат заиф ўсган ва хом новдалари олиб ташланади. Бу узумлар мана шу ҳолда кўмилади. Узум апрель-май ойлари охирида кесилади, бунда барча заиф ва ҳосилсиз новдалар олиб ташланади. Узумни бу хилда ўстиришда ҳар бир тупда кўп сондаги куртакка эга бўлган анчагина новдалар қолдирилганидан, ҳосил мўл бўлади. Масалан, Самарқанд

туманида Оқ шивилғони нави кўпгина участкаларда ерда ўстирилади. Натижада ҳар йили 20—22 т дан ҳосил олиб турилади.

Узумни бу хилда ўстиришнинг бир қанча муҳим афзалликлари бор. Бунда куз-қиши даврида ва эрта кўкламда чукур ариқларга қўйилган сув туфайли узумзорда кўпгина нам захираси йигилади. Бундай узумзорларни ёзда суформаса ҳам бўлади. Узум қаторлари орасида чукур ариқ бўлганидан тупроқ орасига ҳаво эркин кириб, ер бирмунча яхшироқ қизиди. Натижада ўсимликларда фотосинтез ҳодисаси кучаяди. Бундан ташқари, узумни кўтариш учун ёғоч жуда кам сарф бўлади.

Шу билан бирга, узумни бу хилда ўстиришнинг камчиликлари ҳам бор. Узумзорни механизмлар воситаси билан ишлаб бўлмайди, ўсимликнинг новда, куртак ва шўралари кўпинча кўкламга қора совуқдан шикастланади. Шунингдек, узумга тушадиган зааркунанда ва касалликларга қарши кураш ишлари ҳам қийинлашади. Узум анча қалинлашиб кетиши сабабли шўрадаги гуллари яхши чангланмай узум бошлари чачок бўлиб қолади, ҳамда ерга тегиб турган бошлари баъзан чирийди.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг Самарқанд филиали КД-35 тракторига ўрнатиб ишлатиладиган алоҳида мослама ишлаб чиқарди. Симли сўриток, сўри, ишкомларга кўтарилилмайдиган узум тупларининг қатор орасини ишлашда бу мослама воситаси билан механизмлардан фойдаланиш имконияти туғилди.

Узум туплари ерга тараб ўстириладиган узумчилик Ўзбекистонда ҳозирча мавжуд бўлганидан бу хилда узум ўстиришни бирмунча такомиллаштириш зарур. Бунда хато ерлари пархиш қилиш йўли билан тўлдирилади: ҳосил қиласидиган новдалар кўп қолдирилади. Кекса, узум туплари ёшартирилади;

узумни кесишида албатта ўринбосар новда қолдирилади; бундай узумлар махсус тирговичларга олинади; систематик равишида ўғитлаб, ерини ишлаб турилади; заараркунанда ва касалликлар пайдо бўлишига қарши тадбирлар кўрилади.

Узумни тирговичисиз ўстириш. Узумни бу хилда ўстириш усули Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида учраб туради. Бунда узум тупида 70—100 см баландликда занг ҳосил қилинади. Бу зангда қисқа маданглар бўлади, булардан чиқкан ҳосил новдалари пастга эркин осилиб туради. Бу хилдаги узумзорнинг гектарида 2000 гача узум тупи ўстирилади. Бу хилда узум ўстиришда тиргович талаб қилинмайди, лекин узумзорни ишлашда механизациядан фойдаланиш қийинлашади. Бу усулни томорқа участкаларида узум кўмилмайдиган бўлганидагина қўлланиши мумкин.

Узумни ишкомда ўстириш. Узумни бу хилда ўстириш усули Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида кўп тарқалган. Бунда узум қаторларининг ораси 3,5—5,5 м ва қатордаги туп ораси 2-4 м қилинади. Эски узумзорларда қатор ораси 5 м ва туп ораси 3 м бўлган узумларни ҳам учратиш мумкин. Бунда гектарга 660 туп узум жойлашади. Бундай узумзорларда узум тупи шахмат тартиб билан жойлашади.

Узум туплари ишкомга олинади, ишком 3,5—4 м узунлиқда бўлган йўғон тол пояларидан қилинади. Бунда поянинг ост томони қозик шаклида йўнилиб, узум қаторидан 0,5 м қочириб ерга сукиласди. Пояларнинг юқориги учи эгилиб ишком қилинади, ишкомнинг баландлиги 2,5 м, бир ишком билан иккинчи ишком ораси 1,5—2 м қилинади. Сўнгра бу ишкомларга симли сўриток ёки ёғочбағаз бойлаб чиқиласди. Узум туплари шу ишкомга кўтарилиб тараб бойланади. Ёз давомида пайдо бўлган новдалар ишком бағазларига қараб бойланаверади. Узум бошлари

ишкомнинг ички томонига тушириб кўйилади. Узум бу **хилда** ўстирилганда узум бошларига ёруғлик яхши тушиб, у ранг**дор** бўлиб пишади. Узумни бу хилда ўстириш усули узумзорларда кенг миқёсда қўлланилади.

Узумни бу хилда ўстиришнинг бир қатор камчиликлари **ҳам** бор. Бунда узумзор ерини ишлашда механизмлардан фойдаланиш қийинлашади; узум тупини кузда кўмиш ва кўкламда очишиш ишлари ҳам осон бўлмайди; узумда замбуруғ касалликлари **кўп** пайдо бўлади, бунинг устига, жуда кўп микдорда ёғоч сарф бўлади ҳамда ҳар йили таъмирлаб туриш учун кўп меҳнат кетади. Шунинг учун хўжаликда тол экиб, уни ҳар уч-тўрт йилда **махсус** каллаклаб туриш йўли билан поя ва бағаз етиштириб турилади.

Узумни – "воиш" усулида сўрида ўстириш. Бунда узум горизонтал ва нишоб сўриларда ўстирилади. Узумни нишоб сўрида ўстириш усули Самарқанд вилоятида кўп таркалган. Бунда узум тури қия қилиб қурилган нарвонсимон сўрига олинади. Бундан ташқари, ярим горизонтал сўри ҳам бўлади, бунда узум ердан 0,5—0,7 м баландликкача алоҳида тиргакда тикка кўтарилиб, сўнгра қиялаштирилади.

Горизонтал сўри Фарғона водийсида кўп қўлланилади. Бунда узум қатори бўйлаб ҳар 3,5—4 м жойга 2 м лик бақувват устунлар ўрнатилади. Бу устунларнинг юкори томони пишик бағазлар билан бирлаштирилиб чор бурчак сўри ҳосил этилади. Мана шу бағазлар устига узунасига ва кўндалангига ингичкароқ бағаз кўйиб бойланади. Узум тупининг занги 2 м гача баландликда тик ўстирилиб, сўнгра унинг маданг ва новдалари сўри устига таралади. Узумни бу хилдаги сўрида ўстириш усули узум қишида кўмилмайдиган ва хўраки нав узумлар етиштириладиган жойларда қўлланилади. Бу хил сўрининг камчилиги шундан иборатки, кўп микдорда ёғоч сарф бўлади,

узум зааркунанда ва касалликлар билан кўпроқ заарланади,
узумзорни ишлашда механизациядан фойдаланиш қийинлашади.

Машхур соҳибкор Ризамат Мусамухамедов сўрининг яхшиланган усулини тавсия этди. Бунда сўрининг яхши томонлари сақланиб қолиб, айни замонда ундаги бир қатор камчиликлар бартараф қилинади. Унинг тавсиясига кўра, узум жуфт қатор қилиб экилади. Ҳар жуфтдаги қатор ораси 2 м, бир жуфт билан иккинчи жуфт ораси 4—5 м ва қаторлардаги туп ораси 2,5—3 м қилинади. Ҳар тупда 3 тадан занг ўстирилади.

Қатор орасининг ичкари томонига 8 м оралатиб ва узум тупидан 20—30 см қочириб бақувват устунлар қадалади. Ҳар бир жуфт қатордаги устун учи билан иккинчи жуфт қатордаги устун ичига хода кўйиб бирлаштирилади. Услунларнинг қатори бўйлаб ва уларнинг ўстига кўндаланг ўрнатилган ҳолда — бағазларга бир неча қатор сим тортилади. Мана шу симли сўритокларга узум тупи таралиб бойланади. Бир қаторга экилган ҳар тупдаги барча занг бир томонга, иккинчи қатордаги занглар иккинчи томонга кўтарилади. Натижада кенглиги 4-5 м келадиган аллея ҳосил бўлади. Бунда узумзор ерини ишлашда механизациядан Фойдаланиш осонлашади. Аллеялар орасидаги 1,5-2 м кенгликдаги жойни от машиналари билан ишлаш мумкин бўлади.

Узумни симли сўритокда ўстириш. Барча узум ўстириш **усулларига** қараганда оддий симли сўритокда ўстириш маъқул **хисобланади**, чунки бунда узумзор ерини машиналар ёрдамида **ишлаш** куляйлашади. Шу билан бирга, узум бу усулда **Ўстирилганда** ўсимликнинг ўсиши ва ҳосил қилиши учун, **шунингдек**, барча агротехника тадбирларини амалга ошириш **учун** яхши шароит туғилади.

Симли сўриток уч хил; қалпоқсиз, қалпоқли ва икки қанотли **бўлади**. Булардан қалпоқсиз симли сўриток энг кўп кўлланилади.

қисмига тайёрланадиган устун учун: 6 кг цемент, 25 кг арматура темир; оралиқ ёғоч устуннинг кўмиладиган қисмига тайёрланадиган устунча учун: 2 кг цемент, 0,9 кг темир сарф бўлади.

Асосий темир-бетон устун ва асосий ёғоч устуннинг темир-бетон қисми ерга 70—80 см чуқурликда, оралиқ устунлар эса 55—60 см чуқурликда кўмилади.

Оралиқ устунларга, маълум (40—50 см) масофа билан симли сўриток илаштириб қўйиладиган илмоқчалар қилинади.

Ёғоч устунларни ўрнатишда унинг дориланган қисми ердан 15—20 см чиқиб туришига айниқса эътибор бериш зарур.

Симли сўриток қилиш техникаси. Картанинг бурчагига энг четки узум тупидан 1—1,5 м ва узум қаторларидан 10—20 см қочириб асосий бош устунлар ўрнаталади. Бу устунлар орасига сим тортиб, шу сим бўйлаб барча бош устунлар ўрнатилади. Бунда ҳар бир жуфт бош устун ўша узум қаторидан 10—20 см масофада бўлади. Бош устунлар узум қаторидан ташқари томонга 10—15 даражада қия қилинади. Шундан кейин оралиқ устунлар тиккасига ўрнатилади. Бош устуннинг мустаҳкам жойланиши учун шу устуннинг юқорироқ қисмига бойланган 5 мм лик симнинг иккинчи учи харсангга бойланади, устундан 1 м масофада чуқурлиги 70 см, эни 50-60 см катталикда чукур қазилади. Мана шу чукурга ҳалиги харсанг кўмилади.

Устунлар бўйлаб тортиладиган симнинг энг қуйидагаси 3,5—4 мм, бошқа қатордаги симларнинг ҳаммаси 2,5-3 мм йўғонликда бўлади. Энг пастки сим ердан 40-50 см баландликда, иккинчи сим биринчи симдан 40—50 см, учинчи сим иккинчисидан 50—60 см ва тўртинчи сим учинчисидан 40—50 см оралиқ билан тортилади. Сув билан таъминланган унумдор ерларда бешинчи қатор сим ҳам тортилади. Узумзорга

келтирилган симлар махсус ўрамда бўлиб, уни алоҳида ғалтак ва ричаглар воситаси билан таранг тортиб устунларга қадалади.

Узум новдалари бирмунча эркин жойланиши учун устунларнинг икки томонига икки қатор сим тортиб, буларнинг куйидагисининг ораси керги билан 20-30 см қилиб, юқоридагисининг ораси 40—50 см қилиб қўйилади.

Баъзи хўжаликларда асосий устун сифатида узум қаторлари бошида махсус дараҳтлар ўстирилади. Лекин устун сифатида фойдаланиш учун дараҳт ўтқазиш қатор ораларига қилинмайди. Чунки унинг шох-шаббаси ва илдизлари узумга халал бериши мумкин. Бош устун сифатида ўстириладиган тўрт-беш ёшли терак 3-3,5 м юқорисидан кесилади. Унда пайдо бўладиган шох ва бутоқлар вакт-вақти билан кесиб турилади. Дараҳтнинг узум тупи томондаги илдизлари ҳам кесилади. Аммо бу иш учун акас дараҳти ярамайди, чунки у жуда кўп илдиз бачки чиқаради.

Қалпоқли симли сўриток. Бунда оддий тик симли сўриток килиниб, унинг юқорисига қалпоқ шаклида кўндаланг сўри килинади. Кўндаланг сўри диаметри 6—8 см ли ингичка ёғоч ва симдан ясалади. Ингичка ёғочнинг бир томони бир қатордаги устунларнинг 170-180 см юқорисига 10—15 даража бурчак билан кия қилиб бойланади, яъни ёғочнинг иккинчи учи қарама-карши томондаги устунлар учига бириклирилади. Бу кўндаланг ёғочларга 50 см оралиқ билан иккита сим тортилади. Узум туплари мана шу сўри устига кўтарилиб, унинг новдалари қалпоқ шаклидаги симли сўриток устига тараб бойланади.

Осма симли сўриток тик симли сўритокнинг бир тури бўлиб, хўжалик учун икки марта арzonга тушади, ёғоч ҳам икки марта кам сарф бўлади. Бунда бош устунлар тик симли сўритокдаги каби ўрнатилади. Оралиқ устунлар эса картадаги биринчи, иккинчи ва энг сўнгги ҳамда бундан олдинги қаторларга

Бунда узум туплари бир қатор тик устунларга турлича оралиқ билан тортилган симли сўритокларга кўтариб бойланади. Аммо Ўзбекистоннинг иссиқ ва узумни сугориб ўстириладиган шароитида хўраки нав узум туплари офтобдан тўла фойдалана олмайди, чунки унинг барча қисмлари битта сафга жойланади. Шунинг учун хўраки нав узумларни қалпоқли симли сўритокда ўстириш яхши натижа беради.

Кўш қанотли симли сўриток. Бу юқорига томон кенгая борган иккита тик симли сўритокдан иборат. Бу усулнинг оддий симли сўритокка қараганда бир қанча афзалликлари бор. Аммо бу симли сўриток ҳозирча кўп тарқалган эмас, чунки буни кўриш бирмунча мураккаб бўлиб, кўп микдорда хода ва бағаз талаб қилинади ҳамда бундай узумзорларда агротехника тадбирларини амалга ошириш қийинроқ бўлади. Узумларни икки қанотли симли сўритокда ўстириш усулини узум қишида кўмилмайдиган жанубий туманларда қўллаган маъқул.

Тик симли сўриток қуришда узум тупининг кучли ўсишига караб унинг устунларига тўрт ёки беш қатор сим тортилади. Тик симли сўритокда ўстирилган узум ерга тараб ўстирилган узумга қараганда ҳосил қила бошлишининг биринчи йилиёк 20—25 фоиз кўп мева қиласди. Айни замонда анчагина қўл меҳнати тежалади, чунки узумни тик симли сўритокда ўстириш қатор ораларини механизмлар ёрдамида ишлаш имконини беради.

Симли сўритокда ўстирилаётган узумлар икки-уч ёшидан бошлаб тўла ҳосилга киради, ҳамда уни шу ёшидан бошлаб тўла шакллаб бундан буён мўл ҳосил қилиши учун шароит яратилади.

Тик симли сўриток ясаш учун: ёғоч, сўриток учун сим ва йирик тош (харсанг) керак бўлади. Устун ёғочдан ёки темирдан ва ёки темир бетондан ясалади. Баъзан устуннинг ерга кўмиладиган қисми темирдан ёки темир бетондан ясалиб, юқори

томони ёғочдан иборат бўлади. Устунлар қатори бўйлаб тортиладиган руҳланган сим диаметри 2,5—4 мм бўлади. Осма симли сўриток ясашда 5—6 мм ли ўрим сим (икки ёки учта симдан эшилган сим) тортилади. Ўримдаги ҳар бир симнинг диаметри 1,5—2 мм бўлади.

Темир столба сифатида темир йўл изларидан ҳамда диаметри 25—40 мм лик трубалардан фойдаланилади, Темир-бетондан ясаладиган устунлар кейинги вақтларда кўпроқ қўлланила бошланди. Бунда материал бирмунча камроқ сарфланиши билан бирга, устунлар анча узоққа чидайди.

Темир-бетон устунлар кўпинча уч қиррали шаклда ясалиб, кўндаланг кесими уч бурчак кўринишда бўлади. Ёғоч устуннинг ерга кўмиладиган қисми темир-бетондан ясаладиган бўлганда, бунинг учун эски ва қисқа ёғоч столбалардан, шунингдек, унча пишиқ бўлмаган ёғочлардан фойдаланиш имконияти туғилади.

Асосий устунларнинг бўйи 3,5—3,6 м, уч бурчак сатхнинг кўйи томони 20 см, юқори томони 10 см қилинади. Асосий устунлар орасига ўрнатиладиган ингичка устуннинг бўйи 3-3,2 м, уч бурчак сатхнинг кўйи томонини 13 см, юқори томони 9 см қилинади.

Қаторларнинг икки бошига ўрнатиладиган асосий ёғоч устун (столба) нинг ерга кўмиладиган қисми учун тайёрланадиган темир-бетоннинг бўйи 1,4—1,5 м, уч бурчак шаклли ёнларининг кўндаланг кесими 17—19 см бўлади. Оралиқ ёғоч устунларнинг ерга кўмиладиган қисми учун темир-бетон устуннинг бўйи 1,2—1,3 м, уч бурчак шаклдаги ёнларининг кўндаланг кесими 10—12 см қилинади.

Битта асосий устун (столба) тайёрлаш учун: 10 кг цемент, 5,2 кг арматура темири; битта оралиқ устун учун: 4,2 кг цемент, 2,3 кг темир; асосий (бош) ёғоч устуннинг ерга кўмиладиган

қисмига тайёрланадиган устун учун: 6 кг цемент, 25 кг арматура темир; оралиқ ёғоч устуннинг кўмиладиган қисмига тайёрланадиган устунча учун: 2 кг цемент, 0,9 кг темир сарф бўлади.

Асосий темир-бетон устун ва асосий ёғоч устуннинг темир-бетон қисми ерга 70—80 см чуқурликда, оралиқ устунлар эса 55—60 см чуқурликда кўмилади.

Оралиқ устунларга, маълум (40—50 см) масофа билан симли сўриток илаштириб кўйиладиган илмоқчалар қилинади.

Ёғоч устунларни ўрнатишда унинг дориланган қисми ердан 15—20 см чиқиб туришига айниқса эътибор бериш зарур.

Симли сўриток қилиш техникаси. Картанинг бурчагига энг четки узум тупидан 1—1,5 м ва узум қаторларидан 10—20 см қочириб асосий бош устунлар ўрнаталади. Бу устунлар орасига сим тортиб, шу сим бўйлаб барча бош устунлар ўрнатилади. Бунда хар бир жуфт бош устун ўша узум қаторидан 10—20 см масофада бўлади. Бош устунлар узум қаторидан ташкари томонга 10—15 даража қия қилинади. Шундан кейин оралиқ устунлар тиккасига ўрнатилади. Бош устуннинг мустаҳкам жойланиши учун шу устуннинг юқорироқ қисмига бойланган 5 мм лик симнинг иккинчи учи харсангга бойланади, устундан 1 м масофада чуқурлиги 70 см, эни 50-60 см катталикда чукур қазилади. Мана шу чуқурга ҳалиги харсанг кўмилади.

Устунлар бўйлаб тортиладиган симнинг энг қуйидагаси 3,5—4 мм, бошқа қатордаги симларнинг ҳаммаси 2,5-3 мм йўғонликда бўлади. Энг пастки сим ердан 40-50 см баландликда, иккинчи сим биринчи симдан 40—50 см, учинчи сим иккинчисидан 50—60 см ва тўртинчи сим учинчисидан 40—50 см оралиқ билан тортилади. Сув билан таъминланган унумдор ерларда бешинчи қатор сим ҳам тортилади. Узумзорга

келтирилган симлар махсус ўрамда бўлиб, уни алоҳида ғалтак ва ричаглар воситаси билан таранг тортиб устунларга қадалади.

Узум новдалари бирмунча эркин жойланиши учун устунларнинг икки томонига икки қатор сим тортиб, буларнинг куйидагисининг ораси керги билан 20-30 см қилиб, юқоридагисининг ораси 40—50 см қилиб қўйилади.

Баъзи хўжаликларда асосий устун сифатида узум қаторлари бошида махсус дараҳтлар ўстирилади. Лекин устун сифатида фойдаланиш учун дараҳт ўтқазиш қатор ораларига қилинмайди. Чунки унинг шох-шаббаси ва илдизлари узумга халал бериши мумкин. Бош устун сифатида ўстириладиган тўрт-беш ёшли терак 3-3,5 м юқорисидан кесилади. Унда пайдо бўладиган шох ва бутоқлар вақт-вақти билан кесиб турилади. Дараҳтнинг узум тупи томондаги илдизлари ҳам кесилади. Аммо бу иш учун акас дараҳти ярамайди, чунки у жуда кўп илдиз бачки чиқаради.

Қалпоқли симли сўриток. Бунда оддий тик симли сўриток қилиниб, унинг юқорисига қалпоқ шаклида кўндаланг сўри килинади. Кўндаланг сўри диаметри 6—8 см ли ингичка ёғоч ва симдан ясалади. Ингичка ёғочнинг бир томони бир қатордаги устунларнинг 170-180 см юқорисига 10—15 даража бурчак билан кия қилиб бойланади, яъни ёғочнинг иккинчи учи қарама-қарши томондаги устунлар учига бириклирилади. Бу кўндаланг ёғочларга 50 см оралиқ билан иккита сим тортилади. Узум туплари мана шу сўри устига кўтарилиб, унинг новдалари қалпоқ шаклидаги симли сўриток устига тараб бойланади.

Осма симли сўриток тик симли сўритокнинг бир тури бўлиб, хўжалик учун икки марта арzonга тушади, ёғоч ҳам икки марта кам сарф бўлади. Бунда бош устунлар тик симли сўритокдаги каби ўрнатилади. Оралиқ устунлар эса картадаги биринчи, иккинчи ва энг сўнгти ҳамда бундан олдинги қаторларга

ўрнатилади. Узумзорнинг биринчиси ва сўнгисидан олдинги қаторлар ўртасидаги қаторларга оралиқ устунлар икки-уч қатор оралатиб ўрнатилади. Ҳар бир оралиқ устунлар қатори бўйлаб уларнинг юқори учи орқали узум қаторига перпендикуляр қилиб тортилган 4—5 мм ли сим учи — дала йўли ёнида ерга кўмиладиган харсангга бойланади. Худди шу хилдаги иш узум қаторларининг иккинчи бошидаги йўлда ҳам қилинади, яъни симнинг иккинчи учи харсангга бойланиб ерга кўмилади. Устунларнинг юқорисидан тортиб келинаётган сим оралиқ устунларнинг учидан 5—7 см пастроғига (телеграф симларнинг столбаларига бириктирилганидек) бойланади.

Оралиқ устунлар ўрнатилмаган узум қаторлари устидан шу қаторларга параллел равишда 3 мм ли сим ўтади. Бу сим узумзорнинг икки бошидаги узум қатордариға кўндаланг тортилган ҳалиги 4—5 мм ли сим устидан ўтказилган бўлади. Бу симларни шу 4—5 мм ли сим кўтариб туради. Мана шу симлар устидан 3 мм ли симлар оралиқ устунлар ўрнига вертикал туширилади, шу симларга горизонтал қилиб кўндаланг симли сўриток тортилади.

Осма симли сўриток қилишда биринчи ва энг сўнгги қатордагидан бошка оралиқ устунларни ерга кўммай, балки пишиқ фиштдан қилинган тагликка ўрнатиш ҳам мумкин.

Осма симли сўритокка горизонтал қалпоқ қилиш қийин эмас; бунда осма симлар устидан икки-уч қатор 4—5 мм ли сим тортилади.

Осма симли сўриток қилинганда узумзорни ишлашда механизациядан фойдаланиш анча осонлашади.

Кўш қанотли симли сўритокни ясаш. Бу хил симли сўритокда узум туплари жойланадиган жой икки марта катталашади; новда ва узум бошларига ёруғлик тушиши ва улар

орасига ҳавонинг кириши ҳам икки марта яхшиланади, бинобарин, узум ҳосили ошади.

Бунда бир хил узунликдаги устунлар узум қатори бўйлаб 7-8 м оралатиб ўрнатилади, барча қатордаги устунлар ўзаро кўндалангига ҳам бир-бирининг рўпарасига ўрнашувига катта аҳамият берилади. Узумзорнинг кўндалангига (узум қаторларига перпендикуляр қилиб) ҳалиги устунлар юкорисидан йўғон ўримли сим тортилади ва бу симларнинг икки боши узумзорнинг икки четида харсангга бойланиб ерга қўмилади.

Ҳар бир устуннинг ост қисмига ердан 20 см баланд қилиб иккита йўғон металл хивчин ёки ўримли иккита сим бойланади; буларнинг бирининг учи устуннинг бир томонидан, иккincinnisinинг учи устуннинг иккичи томонидан юкорига кўтарилиб, узум қаторларига кўндаланг қилиб устунларнинг юкорисига тортилган симга устундан 1 м қочириб маҳкам (таранг қилиб) бойланади. Мана шу симларга узум қатори бўйлаб беш қатор симли сўриток тортилади, шундай қилиб, икки қанотли симли сўриток ҳосил эталади. Мана буларга узумнинг маданг ва новдалари кўтарилиб бойланади. Бунда биринчи туп узум — симли сўритокнинг ўнг қанотига, иккичи туп — чап қанотига, учинчи туп — ўнг қанотига, тўртинчиси чап қанотга ва ҳоказо равишда кўтариб бойланаверади. Туп оралари 1,25 м дан қилиб экилган узумлар симли сўритокка шу хилда жойланганда ҳар туп узум симли сўритокда 2,5 м лик жойни эгаллайди. Икки қанотли симли сўритокнинг баландлигини 2,25—2,5 м қилинади. Барча хил симли сўритокларни ўрнатиш иши узум қўмилгандан кейин то апрелгача қилинади. Буларнинг ремонти қишида бошланиб, узум очиладиган вақтгача тугалланади.

Узумни кесиб туришдан мақсад: ёш узумларни тез ҳосилга киритиш, уларни мўл ҳосил берадиган қилишдан, узумзор еридан

ва механизациядан тўла фойдаланишдан, парвариш ишларини (узумни тупроқка кўмиш, узумзор ерини юмшатиш ва шу каби ишларни) осонлик билан бажаришга имкон берадиган қилиб, маълум шаклга киритишдан иборатдир.

Ўзбекистонда узумни симли сўритокга кўтариб, елпифич шаклда ўстирганда мўл ҳосил бериши фан ва амалда исбот қилинган.

Елпифич шаклда ўстирилган узумнинг зангидан (ер бетидан) чиққан олти-саккизта кўп йиллик маданглари бўлади.

Узумда белгили микдорда маданг ва новда ўстириш иши кўчатзордан бошланади.

Узум тупларини елпифич шаклга солиш иши бир неча новда чиқариб бақувват ўсаётган кўчатлардан бошланади. Узумзорга экишга тайёрланган ҳар бир узум кўчатида иккитадан-учтадан бўғимга (куртакка) эга бўлган иккита новда бўлиши керак. Дастребки йил охирида кучли ўсган уч-тўртта новда бўлиши керак. Бордию, узум кўчати ўтқазилган йили тегишли микдорда новда чиқармаса, июнь бошида битга ёки иккита бақувват ўсаётган новдасининг уни чимтиб ташланади, шундай қилиб, кўчатда тегишли микдорда новда ҳосил этилади. Бу туп кузда кесилмайди.

Иккинчи йили қўкламда кўчатдаги новдалардан иккита-учтасини мўлжалланган маданг узунлигига қилиб, битта-иккитасини ўрни алмашадиган ва қўшимча равишда маданг чиқариладиган куртак сифатида калта (икки-уч куртак) қолдириб кесилади.

Иккинчи йил ҳам ёз бўйи ўғитлаш, хомток қилиш ва новда учларини чиллиб бориш йўли билан узун қолдирилган иккита-учта новдаларнинг ҳар бирида учта-бешта яхши ўсган, қисқа қолдириб кесилган новдаларда иккитадан шох вужудга

келтирилади ҳамда бу узум туплари кузда кесилмай, тупроқка ёки хашакка кўмилади.

Учинчи йили кўкламда узумлар очилгач, унинг новдаларини кесишга киришилади; бунда ўтган йили кўкламда узун қўйиб кесилган новдаларда 8—10 бўғимли битта-иккитадан ҳосил новда ва бир-иккита калта (2—3 куртакли) ўринбосар новда қолдирилади. Бу қисқа новдадан чиққан икки новдадан биттаси яна 2—3 куртакли қилиб, иккинчиси узун қолдириб кесилади.

Натижада учинчи йил кўкламда узум кесилганидан кейин ҳар бир тупда икки-учта ҳосил новда ва бир-иккита ўринбосар бутоқ бўлган учта маданг ҳамда янгидан вужудга келтирилаётган маданг бўлади. Тупда бундан бошқа яна унинг тагроғидан чиққан, қисқа қолдириб кесилган ўринбосар бутоқ бўлади.

Учинчи йили эса, узумлар шўра чиқарганидан кейин хомток қилиниб, ҳосилсиз ортиқча новдалар олиб ташланади, бунда кўк новдаларни кейинги хомток қилишда ҳар бир мадангда тўртта-бештадан ҳосил новдалари ва учта-тўрттадан ўринбосар бутоқчалари қолдириш эътиборга олинади.

Узум юқорида кўрсатилган усулда кесилса, ёш узумзор тўртинчи йилиёқ тўла ҳосилга киради.

Ўзбекистонда узумларни ярим елпигич шаклда ўстириш таклиф этилмоқда. Узумни бу усулда ўстиришнинг елпигичсимон шаклда ўстиришдан фарқи шуки, бунда узум тупидаги новда ва узум ғужумлари тупнинг бир томонида жойлашади. Узум ярим елпигич шаклда ўстирилганида қатордаги узум туплари орасини қисқартиш йўли билан гектардаги туп микдорини икки марта ошириш мумкин; шу билан бирга, бундай узумларни кузда тупроқка кўмишда бир томонга ётқизиш осон бўлади,

Аммо, бунда 2-3 йил ҳосил олингандан кейин туп оралатиб кундаков қилинади, яъни узум туплари икки марта камайтирилиб,

Қолган узумларнинг нормал ривожланишига шароит яратилади, ярим елпигич тарзида шаклланган узумларни механизмлар воситаси билан кўмиш ва очиш осон.

Узумни кесишида ҳар бир тупнинггина эмас, балки ҳар бир новданинг хусусияти эътиборга олинади. Бақувват новдалар чиқариб кучли ўсадиган тупларда ҳосил новдалар ва улардаги куртаклар кўпроқ қолдириб кесилади. Аксинча, заиф ўсадиган тупларда новдалар ва улардаги куртаклар камроқ (қисқа) қолдирилади. Аммо ҳаддан ташқари заифлашган тупларда бу коидани қўллаб бўлмайди. Заиф ўсаётган узумларни жуда қисқа қолдириб, ҳатто барча маданг ва бачки новдаларини олиб ташлаш керак, деган фикрлар бутунлай нотўғри. Заиф тупни жуда қисқа қолдириб кесиш унда пайдо бўладиган барг микдорини камайтиради. Бу билан унинг озиқланиши ҳам жуда сустлашиб кетади. Бундай тупларни (механик равишда шикастланган, вирус ёки саратон касаллиги билан оғриган туплардан бошқасини) кесишида уларда кўпроқ микдорда куртак қолдирилиши, айни замонда ерни ўғитлаб ва сугориб уларнинг озиқланишини яхшилаш зарур. Шундай қилинганда заиф туп бир-икки йил ичида нормал ўсиб яхшигина ҳосил қила бошлайди.

Узум тупида ҳосилли новдани қолдиришда бақувват ўсан новдаларни узунроқ қолдириб, кучсиз ўсан новдаларни калта қолдириб кесилади. Агар кучли ўсан новдалар қисқа (тўрт-беш куртакли қилиб) қолдирилса, одатда, унда узум бошлари пайдо бўлмайди, балки ҳосилсиз сурх новдалар чиқади. Кучсиз ўсан новда қисқа қолдириб кесилганда, унда нормал катталикдаги узум бошлари пайдо бўлади.

Узумда мазкур навга хос бўлмаган қисқа бўғим ораликли новдалар кам ҳосилли бўлади, бундай новдаларни ҳосил новда сифатида қолдириш тавсия этилмайди.

Зангнинг юқорисида пайдо бўлган новдалардан 15—20 куртакли қилиб ҳосил новда сифатида қолдириш учун, ёки 8-10 куртакли қилиб қолдириб янги маданг ҳосил қилиш учун фойдаланилади.

Узум тупида ҳосил новдалар етарли миқдорда бўлмаса, ундаги сурх новдалар ҳосил новда сифатида қолдирилади, бунинг учун уни узун (12-20 куртакли қилиб) кесилади, чунки бундай новдаларда ҳосил унинг ўртасида пайдо бўлади.

Узум кўмиладиган туманларда уни кесиш иши икки йўла: кузда дастлабки кесиш, кўкламда эса охирги кесиш иши ўтказилади. Дастлабки кесиш ишини Даройи халили, Чиллаки, Пино Черний, Рислинг, Алиготе каби эрта пишар навларда сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида бошланиши мумкин. Бунда ортиқча маданглар, пишмаган новдалар олиб ташланади; шу йилги пишган новдалар қисқартирилади. Мана шу ишдан сўнг узум тупи қишки кўмишга тайёрланади. Киш давомида узумнинг бир қисм куртаклари нобуд бўлиши мумкин, шунинг учун узумни кесища ўринбосар бутокчаси ҳам қолдирилади.

Кўкламда узум очилгандан кейин у сўнгги марта кесилади. Бунда тупнинг барча шикастланган қисми олиб ташланади. Ҳосил новдаларининг синган ва совук урган қисми кесилади, шунингдек, тегишли миқдорда ўринбосар бутоклари қолдирилади. Узум тупида шўра пайдо бўлгандан кейингина унда белгили сонда новда қолдирилиб, ҳосилсиз ортиқча новдалар олиб ташланади.

Узуми қиша кўмилмайдиган узумзорларда ток кесиш иши қишки қаттиқ совукдан сўнг бошланиб, куртаги бўрта бошлагунча тугалланади.

Узум кесища ўткир боғ қайчиси ва даст арра ишлатилади. Боғ қайчисини ишлатишда унинг кесадиган қисми


қолдириладиган новда томонга қаратилиб кесилади. Айни замонда чап қўл билан олиб ташланадиган новда сал пастга босилади. Даст арра билан кекса занг ва куруқ тўнкалар олиб ташланади. Узум кесиги пичоқ билан ёки боғ қайчисида силлиқланади.

Узум кесишнинг асосий қоидалари. Новда кесиб олинган жой силлиқ бўлиб, кесиш сатҳи куртак жойланган қуи томонга қарама-қарши йўналтирилган бўлиши керак; кўп йиллик новда эса тик кесилиши лозим; бир йиллик ёки кўп йиллик новдалар батамом олиб ташланадиган бўлса, узум танасига тақаб кесилиши зарур; ўринbosар новдалар ҳар йили зангнинг бир томонида қолдирилишига эришиш керак; шундагина зангдаги жароҳатлар унинг бир томонида бўлади. Ўринbosар бутоқча ҳосил новдадан пастда бўлиши, кучли ўсадиган узум навларида эса ҳар икки ҳосил новда учун битта ўринbosар бутоқча қолдирилиши керак.

Ризамат Мусамухамедов узумни еллигич шаклига киритиши қуидагича тавсия этганди. Қалпоқсиз симли сўритокка кўтариб ўстарилаётган уч яшар узумнинг ҳар бир маданида тўртта-бештадан ҳосил новда ва иккита-тўрттадан ўринbosар бутоқча қолдирилади. Тўрт яшар узумларнинг ҳар бир маданида олтитадан ҳосил новда ва уч-тўрттадан ўринbosар бутоқча қолдирилади. Бунда ҳосил новдалар имкони борича ўринbosар бутоқчалар билан навбатма-навбат қолдирилади. Маданилар бу хил новдалар кесишида симли сўритокда 1 м дан баланд кўтарилимаслиги керак. Бунинг учун мадангларни вақт-вақти билан ёшартириб, яъни туп тагидан чиқсан новдалардан ўринbosар бутоқчалар қолдириб, улардан аста-секин янги маданилар етиштирилади, кекса маданг олиб ташланади.

Уч ёшли узумларда тўртга маданининг ҳар бирида тўрттадан ҳосил новда ва шунчадан ўринbosар бутоқ

қолдирилади. Кейинги йилларда ҳар бир маданидаги ҳосил новда сони ўнтага, ўринбосар буток олтитага етказилди.



27-расм. Токни Р.Мусамухамедов усулида кесиш схемаси

Ризамат ота ҳосил новдаларни куйидагача кесади: энг юқориги "а" новдасини 17—20 бүгим, ундан пастдаги жойлашган "б" новдасини 14—16 бүгим, янада пастрокдаги "в" новдасини 12—14 бүгим, ундан пастдаги "г" новдасини 10—12 бүгим, "д" новдасини 6—8 бүгим ва "ж" новдасини 4—6 бүгим узунликда қолдириб кесади.

Келгуси йил кузида а новдаси барча шохлари билан бирга батамом олиб ташланади, б, в, г, д, ж новдаларидан ва ўрин алмашиш бутоқчасидан ўсиб чиққан новдалардан янги ўрин алмашиш ва ҳосил новдалари қолдирилади. Бундан кейинги йилда б новдаси батамом олиб ташланади, қолган новдалар эса худди юқорида кўрсатилгандек кесилади. Узум тупини шу хилда кесиб туриш натижасида бош маданига 2 ва 3 рақамли бутоққа, ундан 4 рақамли бутоққача тушади; бош маданг аста-секин шу 4 рақамли бутоққа етказилгунча мазкур бутоқдан чиқадиган новдалар сони асосий бош маданидаги дастлабки новдалар

миқдорига етказилади.

Умуман бош мадангнинг (зангнинг) бўйи 1,5 м дан ошмаслиги керак.

Узум мадангларини ўз вақтида алмаштириш учун тупнинг зангидан чиқадиган новдалардан маданглар тайёрлаб борилади. Бунинг учун зангдан чиқсан новда дастлаб битта-иккита бўғим қолдириб кесилади. Келаси йил бу қолдирилган куртаклардан ўсиб чиқсан бақувват новдаларни 10—12 бўғим юқорисидан кесилади; қачонки бу новда мадангга айлана бошлагач, кекса маданг олиб ташланади.

Узум воиш усулида ўстирилганда ҳам кесиш тартиби юқоридагича бўлади, фақат асосий маданглари 2 м узун қилиниб, ҳосил ва ўрин алмашиш новдалари икки марта кўп қолдирилади.

Узумзорда кўклам ва ёзда ўтказиладиган энг муҳим ишлардан бири хомток қилишдир.

Ортиқча новдаларни олиб ташлаш билан узум тупида қолдирилиши лозим бўлган новдалар аниқланади. Бу ишда ҳосилсиз новдаларнинг кўп қисми олиб ташланади. Натижада қолган новдалар яхши ўсиб, ўз вақтида пишади, гуллари яхши чангланиб, узум ғужумлари катталашади.

Одатда, узум тупи камида икки марта хомток қилинади. Биринчи хомток шўра пайдо бўлганда бошланиб, гуллагунча тугалланади. Барвақт ўса бошлайдиган узумлар биринчи навбатда хомток қилинади. Кўк новданинг жингалак чиқсан жойидан юқорисида шўра бўлмайди. Демак, ўсаётган новдада жингалакнинг пайдо бўлиши унинг ҳосилсиз новда эканлигини кўрсатади.

Хомток қилиш узум тупининг қуйи қисмидан бошланади. Занг ва мадангларнинг остки ёки юқори қисмидан чиқсан новдалардан энг яхшилари келгусида ўринбосар ва асосий маданг

учун қолдирилиб, бошқа кераксиз барча новдалар олиб ташланади.

Узумда шўрали новдалар етарли миқдорда бўлмаса, узумнинг ер усти қисми билан ер ости қисми ўртасидаги нисбатни бузмаслик учун ҳосилсиз новдалардан бир қисми қолдирилади. Тупда етарли миқдорда новдалар бўлса, шўрасиз ҳамда уни шакллаш учун керак бўлмаганлари олиб ташланади.

Битта бўғимдан иккита-учта новда чиқсан бўлса, шўрали новдаларгина қолдирилиб, бошқаси олиб ташланади, агар бу новдаларда шўра бўлмаса, фақат биттаси қолдирилади.

Винобоп узум навларининг кўпида одатда шўрали кўк новдалар етарли миқдорда бўлади, шунинг учун барча ҳосилсиз новдалар олиб ташланади. Аммо хўраки навларда эса, одатда, ҳосилли новдалар билан бирга, ҳосилсиз новдалар ҳам қолдирилади.

Намли узумзорларда курғоқчилик хавфи бўлган тақдирда (кишда ёғин кам ёғиб, ерда етарли миқдорда нам тўпланмаган бўлса) узумдаги ҳосилли новдаларнинг ҳам бир қисми олиб ташланади. Узум новдаларини олиб ташлаш иши барвақт ўтқазилганда уни кўл билан синдириб ташлаш мумкин. Аммо бу иш кечикиб ўтқазилганда новдалар пишишга улгуриб уни боғ қайчисисиз олиб ташлаб бўлмайди.

Иккинчи хомток қилиш иши узум гуллагандан кейин қилинади. Бунда кераксиз ва янгидан пайдо бўлаётган новдалар олиб ташланади. Морастель каби баъзи узум навлари биринчи галдаги хомтокни талаб этмайди. Чунки уларда янги новдалар жуда кам бўлади. Бунинг устига, унинг янги новдаларини офтоб уриши ҳам мумкин. Ҳар галги хомток вақтида узум новдалари бағазга бойлаб борилади.

Кўлтиқ новдаларини олиб ташлаш. Бу новдалар шу йил

ҳосил бўлган новдалардаги барг қўлтиғидан чиқади. Қўлтиқ новдалар батамом олиб ташланмайди, балки улар икки-уч баргли қилиб қолдирилади. Бу барглар янгидан вужудга келаётган куртакларнинг етилишига ёрдам беради. Натижада келгуси йил ҳосили 15 фоиз гача ошади.

Қўлтиқ новдалар олдинма кейин пайдо бўлганидан улар 2—3 йўла олиб ташланади. Узум тупида асосий новдаларнинг микдори кам бўлса, қўлтиқ новдалардан қолдириб келгуси йилда ҳосилли новдага айлантирилади. Қолдирилаётган бу новдалар шу йил ҳосил қилиши ҳам мумкин, сўнгра бу новдалардан ёш тупларда уни шакллаш учун, кекса тупларда яшартириш учун фойдаланиш мумкин. Бу новдалардан ҳосил новда ва тупдаги куртак микдорини кўпайтириш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Новда учини чилпиш. Шўраси бўлган новдаларнинг ўсишини вақтинча тўхтатиш ёки секинлатиш мақсадида уларнинг учи 1 см узунликда чиллиб ташланади. Натижада озиқ моддалар новданинг ўсишига эмас, балки ундаги шўрага кўп боради, узум ғужумлари йириклишиб, ҳосил 20—22 фоиз ошади. Бинобарин, ғужумлари сийрак бўладиган ва тули кўп тўкилиб кетадиган узум навларида чилпиш яхши натижа беради. Бундай навларга Рислинг, Саперави, Мускат Александрийский, Мускат-венгерский, Бахтиёри каби навлар киради.

Чилпиш иши узумда дастлабки гул пайдо бўлиши билан ўтказилади. Бунда пархиш қилинадиган ва заиф ўсаётган новдалардан бошқаси чилпилади. Ўз вақтида, қилинган чилпиш узум ҳосилини оширибгина қолмай, балки кейинги йилги ҳосил новдаларнинг унумдорлигини ҳам кўпайтиради.

Кучли ўсадиган новдаларни ёзда чеканка қилиш. Деярли барча узум тупларида кучли ўсиб кетадиган сурх новдалар бўлади. Узумни кесишда бундай новдаларнинг кўпи олиб

ташланади. Мазкур новдаларда учта-түрттадан қўлтиқ шох пайдо қилинса, анча яхши натижа беради, яъни бу қўлтиқ шохлар қиши совуқларига бирмунча чидамли ва ҳосилдор бўлади. Бунинг учун куйидаги ишларни қилиш зарур: биринчи хомток қилишда узум тупида қулай жойлашган кучли сурх новдаларнинг бир қисми қолдирилади; узум гулга кириши олдидан ҳалиги новдаларнинг беш-саккиз бўғимидан юқориси кесиб ташланади; узум гуллаб бўлганидан кейин қайта чеканка қилинади, яъни янгидан пайдо бўлган кучли (сурх) новданинг учи кесиб ташланади, ҳар галги чеканкадан кейин 10—15 кун ўтгач, чеканка қилинган новдадаги ортиқча заиф шохлар олиб ташланиб, унда учта-тўртга шох қолдирилади.

Бачки новдаларда узум бошлари ҳосил этиш усули. Бачки новдаларда ҳосил олиш учун қуйидаги ишлар тавсия этилади:

- узум парваришини яхшилаш (кўшимча ўғит ва сув бериш);
- барча заиф ўсаётган ва ортиқча новдаларни олиб ташлаш;
- асосий ёш новдаларнинг учини чилпиш жуда эрта муддатда, яъни узум гуллай бошлишидан 15—20 кун олдин ўtkазилиб, барг қўлтиғида жойлашган куртакларнинг тез етилиб унда новда ҳосил бўлишига ёрдам бериш;

Шўралик новдаларнинг ўсишини кучайтириш учун юртиқча бачки новдаларни ўз вактида олиб ташлаш, бу иш бачки новдаларда дастлабки жингалак пайдо бўлганда, яъни асосий новдалар чилпилганидан 10—15 кун ўтганидан кейин қилинади; бачки новдалар кўпайиб кетган тақдирда, буларнинг заиф ўсаётганларини олиб ташлаш, қолдирилаётган иккита-учта кучли бачки новданинг учини чилпиш, яъни буларда тўртта-олтитадан бўғим қолдириш (бу бўғимлардан ҳосил новдалари чиқиши) керак.

Ҳосил қиласынан бачки новдалар чиқариш учун асосий новдаларни чилпиш иши ўз вақтида ўтказилмаса, яни құлтиқ куртак ўса бошласа, биринчи тартиб бачкида шұра пайдо бўлмайди ва албатта, иккинчи тартиб бачки новдани ўсишга мажбур этишга тўғри келади.

Чилпиш вақтида новданинг энг учинигина эмас, балки асосий новдани ҳам 5—10 см узунликда узиб ташлаб, ҳар новдада кўпи билан тўртта бўғим оралиги қолдирилади. Шунингдек, узумда бачки новдалар кўпайиб кетиб, серсоя бўлиб кетмаслиги учун ҳосилсиз ортиқча бачки новдалар олиб ташланади.

Юқорида кўрсатилган ишлар бажарилган тақдирда ҳам бачки новдаларда шұра ҳосил бўлмаса, бу ишлар келгуси йил ҳосилига фойдали таъсир кўрсатади.

Узум новдаларини чеканка қилиш. Одатдаги чеканка узум навига қараб июль охири-август бошида қилинади. Бу ишни ўтказишдан мақсад: новдаларнинг ўсишини батамом тўхтатиши, узум бошларига ёруғлик ва ҳавонинг киришини енгиллатиши, узум новдалари ва ҳосилнинг тезроқ пишиши учун кулай шароит яратиш, узумзорда қилинадиган ишларни енгиллатишдан иборат.

Бунда кучли ўсадиган новданинг узум боши жойлашган еридан кейин 10 бўғим қолдириб, қолган қисми, кесиб ташланади.

Узум баргларини сийраклаш. Бунда узум тупида тайёрланган озиқ моддалар асосан узумларнинг етилишига сарф бўлади. Узумдаги узум бошларига қуёш нури кўпроқ тушиб, уларнинг рангдор бўлиб етилиши учун, қалинлашиб кетган барглар сийраклаштирилади. Бунинг учун узумлар пишишидан олдин юмшай бошлаганида ҳосилсиз новдалардаги ва узум бошидан қўйида жойлашган соя қилиб турган барглар юлиб

ташланади. Аммо бунда узум бошларини офтоб урадиган даражада жуда яланғочланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Айни замонда кераксиз хом новдалар ҳам олиб ташланади.

Ҳалқалаш. Узум баргларида ҳосил бўладиган органик моддаларни узум тупининг пастига ўтказмасдан, унинг узум ғужумларига бориши учун новданинг маълум бир жойидан 3—8 см кенглиқда пўстлоғи ҳалқа шаклида кесиб олинади. Ҳалқалаш иши узум мадангларига, ҳосил новдаларига ва бир йиллик кўк новдаларга қилиниши мумкин. Аммо ҳалқалаш усули асосан кам ҳосилли навларнинг ҳосилини ошириш учун баъзан қўлланади.

Узум бошларини сийраклаш. Узум бошларида ғужумлар жуда қисилишиб, пачақланиб кетмай, яхши тўлишиб етилиши учун ундаги ғужумлар, ҳатто айрим шингиллар сийраклаштирилади. Бу иш узум гуллаб, 10—15 кун ўтгандан кейин, яъни узум гулининг тўкилиши тугагандан кейин ўтказилади.

Узумларни сунъий чанглаш. Узум бошларидаги ғужумларнинг зичлиги нормал миқдорда ва йирикликда бўлиши учун уларнинг навларига қараб шўрасидаги гулларнинг лоақал 20—50 фоиз чангланиши зарур.

Ҳолбуки кўпинча узум ғужумлари тўкилади ва майда бўлиб қолади. Натижада ҳар йили умумий ҳосил 50% гача камайиб кетади.

Узум ғужумларининг тўкилиши ва майда бўлиб қолишига қарши курашнинг энг яхши усулидан бири шўрани ўз вақтида сунъий чанглашdir. Гулининг оналик жисмигина нормал ривожланадиган узум навлари, гарчи бу навлар оталик чанглари нормал етишадиган навлар билан аралаш экилган тақдирда ҳам сунъий чанглаш яхши натижа беради. Гулнинг оналик органигина нормал ривожланадиган узум навлари жумласига: ок

ва қизил Даройи, Эчкиэмар, Каттакўргон, Нимранг, Тавквери, Тагоби, Чарос киради. Аммо гулининг оналик ва оталик органлари нормал ишлайдиган узум навларидан баъзиларида гул ва тугилган ғужумлар кўп тўкилиб кетади, бунинг сабаби ҳам яхши чангланмаганигирид. Шунинг учун мана бундай узум навларини ҳам сунъий чанглашга тўғри келади.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган ва янги тайёрланган оталик чанги билан чанглаш. Гули кўш жинсли узум навлари яхши гуллагандан унинг шўраси енгилгина силкитилиб, оталик чангларининг бир қисми қоғоз халтачага туширилади. Шу йўсида йиғиб олинган оталик чанги гули аралаш соя жойга юпқа ёйилиб, бир-икки кун давомида куритилади. Шундан кейин уни майда кўзли элакда элаб, оталик чанглари гулдан ажратиб олинади ва чанглашга ишлатилади.

Агар бу чанглар узоқроқ муддат сақланадиган бўлса, эксикатор ёки маҳсус тайёрланган шиша банкачаларда асралади. Банка идиш ичига 5—6 см қалинликда майдаланган ойна солинади ва бунинг устига ўша ойна ярмича кучли сульфат кислота қуйилади, сўнгра ойна устига тўгарак қилиб қирқилган картон ўрнатилади. Оталик чанглари қоғоз халтачаси билан банка ичидаги халиги картон устига жойланади. Сўнгра банка оғзининг четларига вазелин суркалиб, оғзи ойна билан беркитилади. Шу усулда оталик чангларини 20 кунгача сақласа бўлади.

Чанглаш иши маҳсус тайёрланган ҳўл чанглагич аппаратида ҳамда тивитли пўстак парчаси қопланган иккита тахтакач воситасида бажарилади. Бир гектардаги Узумни бир марта чанглаб чиқиш учун 900 г чанг керак бўлади.

Чанглашнинг энг оддий усули пўстакли тахтакачда бажарилади. Тахтакач ясаш учун 20x15 см ёки 30x20 см катталиқда иккита тахтacha олиб, буларнинг бир томонига

совунлаб ювиб тозаланган қүён териси қопланади. Агар унинг тивитлари узун бўлса, қирқиб 1,5-2 см ли қилинади.

Чанглаш учун қоғоз халтачадаги чанглар тахтакач пўстакчасига туширилади ва оналик қисми нормал узум навларининг шўраси шу иккита тахтакач орасига олиниб сийпаб ўтказилади.

Янги чанг билан чанглаш учун пўстакли тахтакачни гули қўш жинсли узум навларининг 10—15 та шўраси устидан силаб ўтказиш йўли билан унинг чанги тивитга тушириб олинади; шундан кейин чангланадиган узум навларининг 20-25 та шўраси тахтакач билан силаб ўтилади. Тахтакачни ишлатишда унинг тивитлари вақт-вақти билан ҳар хил ифлосликлардан тозалаб турилади.

Бир гектардаги узумни тахтакачда чанглаб чиқиш учун 10—12 кун кетади.

Чанглашнинг муваффақиятли чиқиши учун у узум гуллари қалпоқчасининг 40 фоизи тўкилгандан бошлаб икки-уч марта тақрорланиши керак. Бунда икки-уч навнинг чанг аралашмасини ишлатиш яхши.

Чанглаш иши ҳаво очик, қуруқ кунларда қуёш чиқишидан бошлаб кундуз соат 10-11 гача, ҳаво булатли кунларда бутун кун бўйи, ёмғирли кунларда эса, ёғин тўхтаб, узум туплари қуригач ўтказилади.

Гулининг оналик қисмигина нормал ишлайдиган узумларни сунъий чанглаш ҳосилни 50-70 фоиз оширади. Бундан ташқари, чанглагичда узумга олтингугурт кукунини қаттиқ чанглаш ҳам ҳосилни оширади ва оидиум замбуруфи йўқ қилинади.

Узум бошларининг баъзилари жуда тифиз, яхши ривожланган гужумларга эга бўлади, баъзилари эса яхши чангланмаганлиги натижасида сийрак, тўла ривожланган

ғужумлари кам бўлади. Бунга, асосан, узум гуллаш даврида гулларининг яхши чангланмаганлиги ва етарлича уруғланмаганлиги, шунингдек, гуллаш даврида ва ундан кейин шўра, гул ва тугунчаларнинг озиқ моддалар билан яхши таъминланмаганлиги сабаб бўлади.

Узумларнинг чангланишида шамол, турли ҳашаротлар, айниқса, асалариларнинг роли катта. Кўпчилик узум навлари (кора кишиш, оқ кишиш, хусайни, саперави, баян ширей кабилар)нинг гуллари икки жинсли бўлиб, бундайлар ўз-ўзини чанглантиради, фақат оналик гули ривожланган навлар (нимранг, чарос, тағоби, тавквери, катгақўрғони кабилар) эса четдан, яъни қўшимча чангланишни талаб этади. Ҳатто, икки жинсли гули бўлган айрим узум навлари табиий чангланганида оналик гулининг яхши чангланмаслиги натижасида узум бошлари чочок ёки оча-бала бўлиб қолади. Узумлар сунъий усулда қўшимча чангланганда узумдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имкони туғилади.

Сунъий чанглашда бир навнинг чангчилари иккинчи навнинг уруғчисининг оғизчасига турли воситалар билан яқинлаштирилади. Сунъий усулда чангланган узум бошлари катта, ғужумлари бир текис, ғуж ва йирик бўлиб етилади.

Сунъий чанглаш учун оталик ва оналик гуллари бўлган навларнинг гул қалпоқчалари тўкила бошлаган вақтда уларни қофоз халтага кийгизиб силкитилади, натижада гулнинг чангдони халтачага тўкилади. Йиғилган чангдонлар соя жойга ёйилиб шиша билан эзилса, ичидан эркак гулнинг чанги ажралади. Тахтакачга туширилган бир галги чанг билан 25—30 та узум шўрасини чанглантириш мумкин. Чанг йиғилгандан сўнг, улар пульверизатор тизимида ишлайдиган асбобга солиниб оналик гули ривожланган навларнинг шўралари чанглантирилади.

Бунинг учун чанглажич резинка пуфаги қисилса, унинг ичидаги ҳаво чангларни ташқарига чиқариб, урғочи гулли навларни чанглайди. Бу асбоб бўлмаган тақдирда, йиғилган чанглар кичик чўтка ёки қуён терисидан тайёрланган пўстакка тегизилиб урғочи гулли навлар шўраси чанглантирилади. Агар пўстак ёғоч тахтачага тортиб михланса, ундан фойдаланиш кулайлашади. Гуллари икки жинсли бўлган баъзи ток навларининг узум бошлари, ғужумлари сийрак бўлади. Бундай узум навлари ҳам сунъий чангланганда айтилган камчиликлар бартараф бўлади.

Сунъий чанглаш узум гулларининг тахминан 50-60 фоизи очилгандা, ҳаво очик кунларда, эрталабки соатларда ўтказилиши керак. Узум гуллаган даврда оидиум — кул тушишга қарши олтингугурт кукунини сепиш ҳам гулларининг яхши чангланишига ёрдам беради, уларнинг тўклишишини камайтиради, мева тугилишини яхшилашга ёрдам беради.

Узум гулининг яхшироқ чангланиши ҳам, мўл ҳосил тугиши учун оналик гули ривожланган узум навларини икки жинсли навлар билан аралаштириб экиш ҳам яхши самара беради.

ТОКЛАРНИ СОВУҚДАН АСРАШ

Маълумки, узумлар кўпинча кузги қора совуклардан шикастланади. Масалан, октябрь ойларида ҳали узум новдалари унчалик чиниқмаган пайтда ҳаво тўсатдан 6—8°C даражагача совиб кетиши узум куртакларининг 50 фоизчасини уриб, новда тўқималарини анча шикастлайди. Ҳолбуки ноябрь ва декабрь ойларининг 16—18° гача етган совуклари баъзи бир совукқа чидамли узум навларини унча шикастлантира олмайди, совукқа чидамсиз навларнинг шикастланиши ҳам унчалик кўп бўлмайди.

Совукқа чидамлироқ навларга: Ркацители, Рислинг, Саперави, Каберне навлари киради. Совукқа чидамсиз навларга:

Хусайни, Нимранг, Каттақўргон ва бошқа кўпгина жайдари узум навлари киради. Меваси эртароқ пишиб етиладиган узум навлари эса совуққа бирмунча чидамлироқ бўлади.

Узум новдаларининг пишмай қолиши, узумзорларнинг узок вақт сувсиз қолиши ёки аксинча, ортиқча сугорилиб юборилиши, айниқса, ёзниг иккинчи ярмида кўпроқ сув берилиши, узум новдалари кўпайиб кетиб, уларга ёруғлик етарли даражада тушмаслиги, узумга кул тушиши, антракноз ва бошқа касалликларга йўлиқиши узум тупини совуққа чидамсиз қилиб кўяди. Узумларнинг совуқдан шикастланмаслиги учун биринчи навбатда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолларга йўл кўймаслик зарур. Бунинг учун узумчор кишда сугорилиши, ёзги сугориш августда тугалланиши, азотли ўғит факат ёзниг биринчи ярмида солиниши, хомтокнинг ўз вақтида қилиниши, касаллик ва зааркундаларга қарши курашиш лозим.

Ўзбекистоннинг кўпгина туманларида сентябрнинг иккинчи ўн кунлигига Оқ ҳалили, Қора ҳалили, Чиллаки, Рислинг, Қора пино, Алиготе навларини, сентябръ охирида — Оқ ва Қора шивилғони, Чарос, Саперави, Мускат, Баян-Ширей, Опорто навларини; октябрнинг биринчи ўн кунлигига барча узум навларини кесиш мумкин.

Узумларни кесиш билан бирга, кўмиш ишини ҳам олиб бориш керак ва бу иш 1 ноябрдан кечикмай тугалланиши лозим.

Агар узум кўмиш вақтигача узумзор ерлар қотиб кетган бўлса, энг аввал уни яхшилаб сугориш лозим. Кичикроқ узумзорлардаги узумлар тупрокқа кетмон билан кўмилади. Кейинги вақтларда катта боғлардаги узумларни кўмиш ишида машинадан кенг миқёсда фойдаланиладиган бўлди. Бунинг учун кесилган узум туплари қаторлар бўйлаб икки томонга ихчам қилиб ётқизилади; уларнинг ерга яхши жойланиши учун узум

ётқизиладиган ернинг ўнқир-чўнқирликлари текисланади. Агар 10—12 см чуқурлиқда ариқча қазилса янада яхши бўлади; узум тупи тупроқдан кўтарилиб кстмаслиги учун унинг учига озроқ тупроқ гашлаб бостириб қўйилади; шундан кейин қатор бўйлаб трактор омоч юргизилади; омоч ағдарган тупроқ билан узум кўмилади.

Қатор оралари 2,5 м ли узумзорда узумларни трактор омочи воситаси билан кўмиш учун КД-35 ёки Т-50 маркали тракторга маҳсус тупроқ ағдаргич ўрнатилган ПРВН-2,5 машинаси тиркаб ишлатилади. Қатор оралари 3 м ли узумзорларда эса узумларни КД-54 А маркали тракторга юқорида кўрсатилган машинани тиркаб кўмилади. Аммо шуни унутмаслик керакки, узумлар тракторда кўмилганидан кейин унинг айрим жойлари беркилмай қолиши мумкин; бинобарин, трактор юриб ўтганидан кейин узум тупларининг тупроққа яхши кўмилганлиги текширилиб, очиқ жойлари кетмонда беркитиб чиқилади.

Узумларни қиши совукларидан эҳтиёт қилиш учун кўмилган узум устига ётқизилган тупроқнинг қалинлиги Сурхондарё вилоятида ва Фарғона водийсида 15—20 см Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятида 25 см, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда 30 см бўлиши керак.

Кичикроқ боғлардаги узумларни тупроққа кўмиш ўрнига тўқай бардиси ёки майда қамиш, сабзавот экинлари палаги ва шу каби хашаклар билан ўраб- chirмаб қўйиш ҳам ёмон бўлмайди.

Тупроққа кўмилган узумлар дастлабки кучли ёғиндан кейин текширилади ва очилиб қолган жойлари беркитиб чиқилади.

Кўкламги қора совуклар кўпинча узумни шикастлайди. Узумнинг кўкламги қора совукларга чидамлилиги уларнинг тупроқдан очилган муддатига қараб ҳар хил бўлади; қора совук тушишидан олдин очилган узум, совукдан икки-уч ҳафта олдин

очилган узумга қараганда чидамсиз бўлади. Бутунлай кўммай қолдирилган узумлар куртак ёзгунча қора совуқ ўтиб кетса, улар чидамлироқ бўлади.

Узумларга, айниқса, апрелнинг охири ва майнинг бошида тушадиган қора совуклар ёмон таъсир этади. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда ҳамда тоғли туманлардан ташқари барча туманларда узумларни 10—15 мартда очиш керак. Хоразм вилояти, Қорақалпоғистонда ҳамда айрим тоғли туманларда узум апрелнинг бошларида очилиши лозим.

Узум очиш иши барча туманларда 10 апрелдан кечикмай, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда 20 апрелдан кечикмай тугалланиши зарур. Узумни кечикиб очиш унга жуда катта зарар етказади, чунки узумнинг кўкариб кетган шўраларининг кўпиниб, қолганларини офтоб уриб кетади.

Узумни очишида куйидаги тартибга риоя этиш зарур: кечикиб шўра чиқарадиган ҳамда ўрин алмашиш ва барг қўлтиғидан чиқадиган новдаси ҳосил қила оладиган узум навлари биринчи навбатда очилади; шунингдек, ҳосилга кирмаган ёш узумлар, баланд ерлардаги ва тоғ қияликларида ва айниқса, жанубий туманлардаги узумзорларнинг узумлари эрта муддатда очилиши лозим. Қия жойлар этагидаги пастлик ерларга жойлашган узумлар ва бағазга кўтармай ерда ўстириладиган узумлар ҳамда айрим сабабларга кўра симли сўритокка кеч кўтариладиган узумлар сўнгги навбатда очилади. Тупроқка кўмилган, айниқса, узум устидаги тупроқ қавати юпқа бўлган узумлар хашакка ўралган узумлардан олдин очилади. Осон исийдиган енгил тупроқли ердаги узумлар ёмон исийдиган оғир тупроқли ердаги узумлардан олдин очилади.

Узум очилгач, тезда бағазга кўтариб бойлаш керак, чунки бағазга кўтарилимаган узумлар қора совуқярдан қаттик

шикастланиши мумкин, бундан ташқари, узумнинг ерга тегиб турган новдалари тезрок кўкариб кетади.

Узумнинг очилишини енгиллатиш учун тракторга тиркаладиган ва алоҳида мосланган ПРВН-2,5 маркали машинадан фойдаланиш зарур, бу машина узум қаторларидаги тупроқни ташқарига ағдариб устидаги тупроқни олишни енгиллаштиради.

Узумларни қора совуқлардан сақлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Бу усуллардан бири узумни кузги кесишда унда керагидан ортиқ микдорда захира куртак қолдиришdir. Бундай узумлардаги куртакларнинг ҳаммаси кўкламда кўкармайди, яъни уларнинг деярли 50% куртаги тинч ҳолда қолади. Бу узумларнинг кўкарган куртаклари совукдан шикастланганда ундаги тинч ҳолда ётган куртаклар ўсишга киришади, шу сабабдан узум ҳосили унча камайиб кетмаслиги мумкин.

Узумни кузда кесишда ҳосил новдаларда калта шохлар (икки-уч бўғим) қолдирилса, кўкламда энг олдин шу новдадаги куртаклар кўкариб, асосий новда куртагининг кўкариши бир неча кунга орқага сурилади. Шу йўл билан узумнинг асосий новдаси қора совуқ таъсиридан омон қолади.

Узумларни қора совуқлардан асрash учун узумзорнинг турли жойларида тўда-тўда қилиб кўйилган ёнувчи материаллар ёқилиб, худди мева боғларидаги каби тутатилади. Қора совуқларга қарши курашнинг энг кўп тарқалган усули узумзорни кўлоблатиб суғоришdir.

Қора совуқ тушганда узумзорларга бир неча марта сунъий ёмғир ёғдириш ҳам яхши натижада беради.


Узумга пайванд солиш. Бу иш бирорта қимматбаҳо узум навини тезроқ кўпайтириш зарурияти туғилганда ёки

узумзордаги бошқа бирорта узум навини алмаштириш керак бўлганда қилинади.


Узум искана ёки ярим искана пайванд қилинади. Кўкламда узумда шира ҳаракати бошланганда унинг тевараги худди юқорида кўрсатиб ўтилганидек қазилиб, зангнинг куйи қисми тупроқдан батамом очилади. Шундан кейин зангнинг ер бетидан 7-10 см пастроғи чўрт кесилади.

Пайвандлаш учун тегишли узум навининг яхши пишган бир йилик новдаси олиниб, икки бўғимдан юқориси кесилади. Шундан кейин бу новданинг ост томони искана шаклида йўнилади, бунда искананинг бир томонидаги пўсти шикастланмаслиги керак.

Пайванд қилиш учун тайёрланган занг пичоқда тозаланиб ўртаси аста-секин ёрилади; мана шу ёриқقا ҳалиги пайвандуст новданинг искана шаклида йўнилган томони жойлаштирилади; бунда новданинг шикастланмай қолдирилган пўсти занг пўстига рўпара қилиб жойланиши керак. Сўнгра пайвандланган занг чилта билан ўраб бойланади ва тевараги чопилиб пайвандуст новданинг энг юқориги куртаги 2—3 см қалинликда тупроқ билан кўмиб кўйилади. Бу усул энг қадимги усул бўлиб, ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида баҳорда (март-апрель ойларида) узумнинг куйидаги усуllibарда уланади: узумни тепасидаги ўрта ва куйи қисмларидаги новдаларга уланади. Буларни ичидаги энг самарадори юқори қисмидаги новдаларга улашдир. Чунки бундай уланганда 1-2 йилда мева беради, ҳайвон ва турли хил ҳаракатлардан хавфсиз бўлади.



28-расм. Куртакпайванд



29-расм. Искана пайванд.

Узумзорлар таъмирланиши билан бирга, уни таъмирлаш ёки хатосини тўлдириш ишлари ҳам олиб борилади. Бунинг учун узум экилишининг биринчи йилидан бошлаб, тутмай қолган кўчатлар ўрнига икки йиллик янги кўчатлар ўтқазилади. Сийраклашиб қолган узумзорлар учинчи йилдан бошлаб пархиш қилиш йўли билан тузатилади. Пархиш қилишда пишган ёки **хом** новдалар олинади.

Кузда, узум узилгандан кейин ёки эрта кўкламда, узум кўмилмайдиган жойларда эса бутун қиш бўйи илиқ кунларда қаторда ёки рўпарадаги қаторда жойлашган узум тупидан тегишли даражада узунликда бўлган новда танланади, буни кўлтиқ шохлари ва жингалаклардан тозаланади. Янги туп ҳосил этиладиган томонга ҳараб 50-60 см чуқурликда ва шунча кенглиқда ариқ қазилади. Агар пархиш иккинчи қатордаги узум ўрнига қилинадиган бўлса, ариқнинг чуқурлиги камида 70 см бўлади. Ариқ ичи юмшатилади. Мана шу ариқка ҳалиги узум новдаси ётқизилиб, учи туп ўрнашадиган жойдан чиқарилади. Бунда ер устига чиқкан қисми икки-уч куртакдан иборат бўлади ва бунинг ёнига қозик қоқиб шу қозикқа бойлаб кўйилади. Новданинг ариқ ичидаги қисми тупроқ билан беркитиб чиқилади. Бу новданинг туп билан туташган жойидаги барча куртаклари олиб ташланади. Бир йил ўтгач, новданинг туп билан туташган жойидан йўғонлигининг ярмигача кесиб кўйилади. Иккинчи йили ишбу новда ўз тупидан батамом ажратилади.

Хом новдадан пархиш қилиш иши ҳам худди юқоридаги каби бўлади, лекин бунда шу йилги пайдо бўлган новда олинади. Кўк новда июль ойида пархиш қилиниб тупроқни тез-тез намлаб турилад.

Кўк новдани тупроқ билан тўлдирилган саватга пархиш қилиш мумкин. Саватда илдиз оттириб олинган новда икки ойдан

кейин тупидан ажратилиб тегишли жойга экилади.

Пархиш қилишга мүлжалланган узум новдаси яхши етилиши учун уни алоҳида парвариш қилинади. Кўкламда узум тупининг остки қисмидан чиқсан ва тегишли томонга қараб ўсган новда танланиб, симли сўритокка ёки алоҳида қозикқа тик кўтариб кўйилади. Бу новдадаги барча шохлар олиб ташлаб турилади, аммо чеканка қилинмайди.

УЗУМ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Цинцинатти (АҚШ) университети олимлари узумнинг ҳайратга солгулик хусусиятини кашф қилдилар. Тадқиқотлар давомида маълум бўлдики, бу мева миядаги хотира учун масъул бўлган бўлимларнинг ишини маромлаштиришга қодир экан.

Кўнгиллилар иштирок этган тажрибалар бир неча ой мобайнида ҳар куни узум ейиш ёки узум шарбатини ичиш мия ишини яхшилаши ва хотира тикланишига ёрдам беришини кўрсатди. Шу тариқа таркибида антиоксидантлар мавжуд бўлган узум нафақат хотира ёмонлашиши жараёнини секинлаштирибгина қолмай, балки уни қайта тиклар ҳам экан. Узум билан даволаш натижасида эркаклар ва аёлларнинг ақлий синовлардан ўтишлари яхшиланди. Бундан ташқари, узумни яхши кўрадиган аёллар ёдлаш бўйича синовлардан муваффакиятли ўтишди ва хорижий тилларни ўрганишлари осон бўлиши исботланди.

Узум қадим замонлардан қадрланиб келинади. XVI асрда яшаб, ижод этган шоир ва табиб Ҳаким Давоий ал-Гилоний узум Борасида битик битгани фикримиз далилидир:

*Куруқ-совуқ эрур узум мизожи,
Уруги ҳам шундай, бунга бўл рози.*

*Хўл-иссиги бўлар, жуда яхшидир,
Оқи эса меваларнинг нақшидир.*

*Янгисидан эса топар дил ҳузур,
Аммо қорин тинмой қилар қурру-қур.
Емиш қилса уни кимки наҳорга,
Иссик меъда айланади баҳорга.*

*Тану жонга ундан равнақ эрур ёр,
Ислоҳини излар бўлсанг, бил, анор.*

Узум билан даволашни мутахассислар ампелотерапия дейишади. Узум қуйидаги касалликларни даволашда тавсия этилади:

- *анемия;
- *атоник ва спастик қабзият, геморрой;
- *бронхиал астма;
- *гипертония;
- *жигар, ўт қопи ва ўт йўлларининг сурункали хасталиклари - гепатит, холецистит ва ҳакозо;
- *кислоталик юкори бўлган гастрит;
- *подогра, артрит, артроз;
- * силнинг сурункали турлари;
- * ўпка хасталиклари;
- *сурункали чарчоқ синдроми ва асаб тизими ишининг бузилиши;

*сийдик-тош касаллиги;
* буйрак касалликлари;
*юрак иллати ва юрак мушаги фаолиятининг бошқа бузилишлари;
*ўт йўллари дискинезияси.

Узум билан даволаш максадида Қримнинг шасла, рислинг, семилғон, Ўрта Осиё, асосан Ўзбекистоннинг тоғ узуми, якдана, ҳусайнини, каттақўрғон, оқ кишмиш, қора кишмиш, чиллаки, хўжааҳори ва бошқа узум навларидан фойдаланилади.

Даво учун ғарқ пишган узум танланади, bemорларга 1 кунда 0,5 кг.дан бера бошлаб, 1 суткалик микдор 2 кг.га, шарбати эса 1-2 литргача етказилади. Даво муддати 3 ҳафта давом этади.

Бошқа бир манбада эса қунига тахминан 300-500 граммдан узум енг, дейилади. Бир ой ичида бу микдор 1,5-2,5 килограммга етсин (ёки 500-750 мл янги узум сувини ичинг).

Бир қунлик ейиладиган узум микдорини учга бўлиб олинг: наҳорга - нонуштадан 40 дақиқа олдин; тушликдан 1 соат олдин; кечки овқатдан 1,5 соат олдин.

Узум билан даволашда организмда алмашинув жараёни (айникса, сув-туз алмашинуви) тезлашади, сийдик кўп ажралади, меъда секрецияси нормаллашади, ичак функцияси кучаяди ва иштаҳа яхшиланади.

Бундай даволанишда фақат янги узилган узумдан фойдаланилади. Ейишдан аввал, албатта, яхшилаб ювиш лозим. Еб бўлгач эса, тишларни тозаланг ёки оғизни озгина чой содаси қўшилган сувга чайнинг, чунки узум тишларни бузади. Ампелотерапия пайтида кам ҳаракат бўлманг. Шунингдек, хом сабзавотлар ва кўкатлар, маринадланган, тузланган ва дудланган маҳсулотлар, қовурилган овқатлар, ёғли балиқ ва гўшт, газланган ширин ичимликлар, минерал сувлар, сут маҳсулотлари, нон,

макарон, спиртли ичимликлар, музқаймоқ ва бошқа ширинликларни чеклашга тұғри келади.

Ампелотерапия тавсия этилмайдиган ҳолатлар күйидагилардир:

- *хомиладорлик ва эмизикли болалари бор оналар;
- *қандли диабет;
- *семизлик (жумладан, эндокрин ва гипофизар);
- *ошқозон ва ўн икки бармоқди ичак яраси;
- *жигар циррози;
- *буйракнинг сурункали касалликлари;
- *ошқозон операциясидан кейинги асоратлар;
- *ўт пуфагининг яллиғланиши;
- *ўткир плеврит;
- *сурункали фарингит;
- *кариес, гингивит, стоматит.

Аникланишича, 1 стакан узум шарбати ичсак, у бир кеча-кундузда истеъмол қилган В гурухи витаминига тенг бўлади. Бу эса асабийлашиш олдини олади.

Узум шарбатида иммунитетни стимуляция қилувчи аскорбинка кўп. Асосийси ушбу мевада Менделеев жадвалидаги барча элементлар мавжуд. Олимларнинг фикрича, оқ узум қора узумга-нисбатан камроқ микдорда монио-дисахаридларга эга.

Қора узум эса, мутахассислар фикрича, биофлиавоноидлар - антиоксидантларга бой бўлиб, у бизга доимо ёш, соғлом бўлишимизга ёрдам беради.

Ота-боболаримиз нонушта вактида узумни иссиқ нон билан ейишни тавсия қилганлар. Бунинг сабаби шундаки, сахарда

узилган узумда меъда қувватини оширувчи шира кўп бўлади. Тандирдан янги узилган иссиқ нонда эса айнан узумнинг шифобахшлик хусусиятини оширувчи инфракизил нурлар мавжуд.

Шу боисдан узум иссиқ нон билан ейилганда танада моддалар алмашинуви яхшиланиб, меъда ва юрак фаолияти мўътадиллашади. Баъзилар узумни уруғидан тозалаб истеъмол қиласдилар. Боболаримиз эса бундай ҳолга йўл қўйишмайди. Чунки узумнинг шираси билан бир қаторда унинг уруғи ҳам меъда ва ичак фаолияти учун ғоятда фойдалидир. Узумнинг шираси хафақон касалидан фориг қилишда бебаҳо малҳамдир, унинг уруғи сийдик йўлидаги тиқинларни тозалаб, юракка енгиллик беради, кайфиятни кўтаради.

Узум ейиш - қонни кўпайтиради, ични юмшатади, иштаҳани очади, асабларга қувват беради. Агар у овқат билан бирга ейилса, овқат тез ҳазм бўлади.

Табобатда даво сифатида меваси ва барги қадрланади. Абу Али ибн Сино ўз асарида шундай ёзган: "Токнинг суви қўтириш ва темираткилар учун доридир. Ёввойи токнинг меваси чиқиқларнинг яллигланишини қайтаради. Қириндиларининг кули сирка билан аралаштирилганда асаб буралишига, шохларининг кули эса зайдун ёғи билан қўшилганда мушакларнииг ёрилиши ва бўғинларнинг бўшашибига қарши ишлатилади. Барги ва жингак иплари иссиқ бош оғриғига суртма дори бўлади. Ёввойисининг (пўстлоги) асал билан қўшилганда қонайдиган тиш милкини тузатади".

Узум буйрак, қовуқ, ичак оғриғанда, пешоб ҳайдовчи, ўт (сафро) ҳайдовчи дармонбахш сифатида истеъмол қилинади.

Узум уруғи билан сабзи уруғини қайнатиб, докадан ўтказилади. Бу қайнатма бавосил (геморрой) хасталигига чалинган bemorларга тавсия этилади.

Узум шираси танани мустақкамлашда, кўнгил айнишини бартараф этишда ичилади.

Узум юрак-қон томир, тош хасталигига, асаб тизимида, камқонликда, сил хасталига, зиққинафас, моддалар алмашинуви бузилганда яхши наф беради. Шунингдек, паришонхотирликнинг олдини олади.

Узум балғам кўчишини кучайтиради. Шу боис йўтал, юқори нафас йўллари шамоллаганда малҳам бўла олади. Бунинг учун янги узилган узум 1:2 нисбатда қайноқ сувда 10 дақика қайнатилади. Қайнатма ярим стакандан 3-4 марта кунига ичилади.

Тухум, қанд шарбати, узум суви аралашмасидан роҳатбахш ичимлик тайёрласа бўлади.

Майиз ва пиёз шираси аралашмасидан тайёрланган қайнатма томоқ оғриганда фойда қиласди, у овозни яхшилайди.

Узумни гўраси ҳам фойдали экан. У сафрони чиқаради, чанқовни босади, ич кетишини тўхтатади, меъда, жигарга кувват беради. Барғи эса томоқ оғриганда наф беради, бунда чайилади. Шу билан бирга барғи турли яраларда, жароҳатларни даволашда тавсия этилади.

Ич кетганда нордон узумдан (ғўрадан) тайёрланган дамлама ёрдам беради. Узумнинг сиқиб олинган 1/2 стакан шарбатига 1/4 стакан қуюқ қайноқ чой қўшилади. 4 чойқошиқ шакар солиб, яхшилаб аралаштирилади.

Узум танамиздаги моддалар алмашинуви ва сув-туз мувозанатида муҳим роль ўйнайди, иммунитетни оширади ва асаб тизимини мустаҳкамлайди, шунингдек, кўзлар учун ҳам ниҳоятда фойдали.

Ошқозон ва ичаклар фаолиятида ҳам узумнинг нафи катта. Узум таркибидаги органик кислоталар (айниқса, вино ва олма) ичак микрофлорасини яхшилаб, токсинларни бартараф этади, ошқозон шираси таркибини меъёрига келтиради.

Узум суви қон томирларини кенгайтириб, юрак мушагининг озиқланишига ёрдам беради, қон босимини туширади. Қонда гемоглобин ошибб, тўқималар кислородга яхшироқ тўйинадиган бўлади.

Узум пешоб ҳайдовчи ва буйракда тошлар тўпланишига қарши ажойиб восита ҳамdir.

Узум яна жигарни токсинлардан тозалайди.

Томоқ оғриганда яхши пишган узум шарбати билан томокни чайиш жуда фойдали.

Фарингит, ларингит вақтида узумнинг куруқ барглари дамлаб ичилади. Бунинг учун 1 ошқошиқ баргни 1 стакан қайнаб турган сув билан дамлаб, 20 дақиқа тиндиринг, кунда 2-3 марта ярим стакандан ичинг.

Узумни (меваси, барг ва янги новдалардан тайёрланган экстрактни) организм кучсизланганда, камқонликда, геморой, ревматизм, артритларда истеъмол қилиш лозим.

Сийдик ҳайдовчи хоссалари туфайли мева шарбати жигар ва буйрак, подагра, интоксикация ҳамда шамоллаш, грипп касалликларида истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқ.

Америкалик кимёгарлар узумда ресвератрол -кучли антиоксидантни топишиди. У қон томирларининг умрини узайтиради ва онкологик касалликлардан ҳимоя қиласи.

Қуритилган узум баргларидан қилинган қуқун бурундан қон оққанда ҳидланади.

Узум шарбати асаб томирлари тортишишида ҳам кўл келади.

Узум қайнатмаси қучли сийдик ҳайдовчи ва ични бўшаштирувчи восита сифатида истеъмол қилинади.

Узумнинг таркибида қанд кўп бўлгани боис аллергик касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун хом узумдан шарбат тайёрлаб ичган маъқул. Узум ширинлигига қарамай, озишга, танада йиғилиб қолган хилтларни тозалашга катта ёрдам берар экан. Узум шарбати тиш эмалини мустаҳкамлаб, тиш тоши пайдо бўлишининг олдини олади.

Бошқа шарбатлардек, узумда ҳам С ва В дармондориси жуда кўп. Ҳар икки витамин ҳам соч, тирнок, энг муҳими асабларни мустаҳкамлаб, зўриқишининг олдини олади. Узум шарбатидаги Р дармондориси танага аскорбин кислотасининг тез сўрилишини таъминлайди.

Узум билан юрак-қон томир тизими хасталиклари, хотира сусайиши, аритмия, нафас қисилиши ва қон босимини самарали даволаш мумкин. Томирлардаги тиқинларни очиб, инфаркт, инсульт бўлишнинг олдини олади, умуман олганда, танани ёшартиради. Таркибида калий, магний макро ва микроэлементлар бўлгани учун юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Темир моддаси эса камқонликка даво бўлиб, подагра билан оғриганлар истеъмол қилишса, бўғинларга ўрнашиб қолган сийдик

кислоталарини чиқариб юборади.

Узумнинг қора навидан тайёрланган шарбат танани тозалайди, аммо жигарга анча оғирлик қиласди. Шунинг учун шарбатни иложи борича, юқорида айтилганидек, узум ғўраси ва сарик рангли узумдан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Шамоллаганда узум ғўрасидан тайёрланган шарбат билан оғиз чайлса, балғам кўчиради, томоқ оғригини тез тузатади.

Қон босимини пасайтириш учун кунига 3 маҳал - эрталаб оч қоринга, тушликдан 1 соат олдин, кечки овқатдан кейин узум шарбати ичиш тавсия этилади.

Қизилузум (шунингдек, сабзи, қовоқ, помидор ва шафтоли) организмнинг юрак қон-томирлари ва саратон каби хатарли касалликларга қаршилигини оширади, негаки улар таркибида дард кучини енгувчи бебаҳо фитокимёвий, моддалар кўп.

1 стакан қизил узум шарбати ҳар куни ичилса, инфарктнинг олдини олиш мумкин. У бош томирлардаги юракни қийновчи тиқинларни йўқотади.

Эндигина тухумини ёриб чиқсан жўжадан бўшаган тухум пўстлоғи қукун ҳолига келтирилади. Унга узум мусалласи қўшиб, кунига 4 мг.дан 3 маҳал ичилади. Бу малҳам буйракдаги тошни йўқотишда даво бўлади.

Косметологияда узумнинг ўзидан кўра данакларининг ёғи кўпроқ ишлатилади. У пилинглар ва ниқоблар таркибига, юз учун мўлжалланган оқартирувчи ва бактерицид лосфонлар, мустаҳкамловчи шампунлар, қазғоқ билан курашувчи воситалар, кўл кремлари тайёрлашда ишлатилади.

Ушбу ёғ терини майин ва юмшоқ қиласди, ундаги полифеноллар эса эркин радикалларга қарши курашадилар, бу эса

терини соғлом, ажайыб, күркем ҳолда сақлаш имконини беради.

Серсув узумдан бир неча донасини тешиб, шарбати билан бўйин ва ёғли юз терисини артасиз. 15-20 дақиқадан кейин ювишингиз мумкин.

Ёки узумларни эзиб, бармоқлар ёрдамида юз ва бўйинга сурасиз. 10 дақиқадан кейин эса илиқ сувга пахтани ботириб, артиб оласиз.

Узумнинг шаффоф доналаридан бир нечтасини олинг. Уларни иккига бўлиб, бир неча дақиқа юзингизга кўйинг. Бундай никоб терининг шох қаватини яхшилаб, майдада ажинларни текислади.

Аёллар узумнинг пишган мевасини эзиб юзларига суртишса, терини тиник ва ипакдек майнин қилади. Агар тери таъсирчан бўлса, 1 чойқошиқдан творог ва асал, 2 чойқошиқ узум шарбатини аралаштириб, юзга суртилади. 10 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювиб ташланади.

Шамолда дағаллашган қўлларни тозалаш учун майдаланган арпа геркулес (дўконларда бор) ва эзилган узумдан бир хил микдорда олиб, бўтқа тайёрланг. Қўлларга суртиб, 5-10 дақиқа қўл терисини айланма тарзда уқаланг. Сўнг илиқ сувда ювиб ташланг.

Простата бези шамоллаганда 2 ошқошиқ қичитки ўтининг уруғи, устига 1 стакан узум виноси қўйилиб, паст оловда 5 дақиқа қайнатилади. Уйқуга ётишдан олдин 0,25 стакан микдорида истеъмол қилинади.

Куритилган узум, яъни майиз - узумнинг қүёш нурида, очик ҳавода куритилгани бўлиб, бебаҳо неъматдир, Уни еган бола тинчланади, сутга қўшиб берилса, йўталдан фориг бўлади. Майиз узумларга қараб турли навларга бўлинади. Майда узумдан тайёрланган ва "Сабза" деб аталган уруғиз кишиши майиз энг фойдалиси хисобланади. Таркибида калий, магний бўлиб, унинг шириклигига teng келадигани йўқ.

Майиз қуидагича тайёрланади: узум етилиб пишган вақтда унинг банди қиздирилган темир билан узилиб кетмайдиган даражада куидирилади. Ичидаги чўплари чала куриган ҳолга келгунча шундоқ қолдирилади. Сўнг узум узиб олинади. Куритиш учун салқин, курук ва тутунсиз уйга осилади. Токнинг куриган баргларидан идиш ичига солиб, узум бошлари шундогича териб қўйилади. Бундай майиз ғоятда ширин бўлади ҳамда узок вақт давомида бузилмай туради.

УЗУМЧИЛИККА БАҒИШЛАНГАН УМР

Мирзо Бобур Ахсикент ҳакида "Умар шайх Мирзо муни пойтахт қилиб эрди" деб ёзганди. Хўш, "Бобурнома" муаллифининг қиблагоҳи айнан Ахсикентни нега ва қай хислатлари учун пойтахт қилиб танлади экан? Шуни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Хаёлга Амир Темурга нисбат берилган ривоят келади. Ўз салтанатига беназир бир пойтахт яратмоққа бел боғлаган Соҳибқирон номзод шаҳарларга тафтиш учун ўз фузалоларини жўнатади. Алалхусус, шаҳарлар қўй гўштининг тоза сакланишига қараб синовдан ўтказилад и. Хуллас, Самарқанд ниҳоятда пойтахтбоп экани аён бўлади...

Инчунин, Умаршайх Мирзо ҳам Ахсикентни тўқис ўрганиб, ўз қаламравида ундан муносиб хушҳаво, тупроғи тоза, суви покиза ва "нисбати йўқ" шаҳарни тополмагандир-да. Бизнингча, гапнинг индаллоси худди мана шунда. Орадан беш юз йил ўтди. Бобур Ахсикент атаган, отаси пойтахт сайлаган заминни энди Ахси ёки Янги Ахси дейдилар. Ишонингки, чиллаки май ойидаёқ (!) худди ана шу Ахсида пишади. Ахсидан кунчиқар томонга жиндай юриб, Хўжандга кирасиз. Бу қишлоқ аҳлининг жону дили - узум, битта ҳовлидан камида беш тонна узум чиқмаса, ўша уйдаги рўзгорбоши хижолат чекиб қолади. Хўжанддан чикиб, яна қуёшга қараб юрасиз, Бураматут келади. Гилосни шундай дўндиришадики, қишлоқдан кетаётган йигирма тонналик "Фура"ларнинг сони, саноғи йўқ. "Дунё аҳлини гилос билан Бураматут таъминласа керак-да" деб ўйлашингиз накд гап. Ана ўша атрофда Жанжал, Гулқишлоқ, Шаҳанд, Олчин, Лангарбува деган ўн чоғли қишлоқ бор, уларда битмайдиган дарахт, унмайдиган уруғ йўқ.

Шаҳандликнинг кетмон сопи дехқондан хафа юаркан. Армон билан дерканки, "Эгам мени ерга сукиб кўймайди-да, агар шундай қилганда, барг ёзардим, гул очардим, мева берардим". Кетмоннинг сопи-я? Нега? Чунки, ер-сувнинг андозаси жаннатмонанд.

Хўжандда Абдуқаҳхор тоға Юсупов деди:

- Ер тубига ўн газ кавлаб тушсангиз ҳам қора гилоснинг данагидай тош чиқмайди. Бу шундай тоза тупроқки, ҳамма мевани ардоқлайди, айниқса, узумни.

Дарвоқе, бу киши машҳур узумчи Абдужаббор бува Худо раҳматининг укаси. Абдужаббор бува Президентимиз истиқболига ўз остонасида пешвоз чиққан ва Юртбошимиздан ҳадя - "Жигули" олган соҳибкор эди.

Биз халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мухторхон Ҳошимхонов билан бувадан қолган узумзорга (ҳозир катта ўғил Комилжон яшайди) ва кичик ўғил Мўминжоннинг ҳовлисига кирдик. Узум туфайли иморатлар ҳашамдор, дарвозалар шоҳона, рўзғорлар бикир.

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ (Мухторхоннинг ҳикояси)

- Қишлоқка оқсоқол бўлган йилларим Асакага, Олтиариқ томонларга йўлим тушди. Кўчаларнинг у ёғидан бу ёғига сўриток тортиб, токни тараб қўйибдилар. Баргидан меваси кўп, узумнинг қалинлигидан осмон кўринмайди, жуда ҳавас билан қайтдим. Кейин бу гапни раҳматли Абдужаббор бувамга, бошка соҳибкорларга айтиб бердим, "биз ҳам шунақа қиласлик" дедим. "Кўча – бироннинг ҳаки" деган гаплар бўлди. Албатта, бу мулоҳазада ҳам жон бор. Лекин биз ўйлаган боғ кўча бўлакча эди.

- Биз шундай экиб, шундай сўриток қиласизки, ундан биронга зиён тегмайди, аксинча, кўчанинг чиройи очилади, - дедим.

Иш бошланди. Абдужаббор бувам ҳам кўчага узум экиб, сўриток қилди. Салқинини қаранг, қишлоқ кўчасидан ўтиб, хиёбонда юргандай бўласиз. Айниқса, Хўжанд маҳалласида, Бешкўча деган жойимизда ўсган токлар йўлларга жаннат тусини берди. Бунга 18-19 йил бўлди.

Бир куни "Абдужаббор отаниига Президент келадилар" деган хушхабар олдик. Ҳовли-жойлар ўзи ниҳоятда саранжом, саришта эди. Биз тағин бир сидра қараб, орасталикни кўздан кечириб чиқдик, супур-сидир қилдик. Ўшанда ҳам бобой тўқсондан ошганди.

- Ха-а, - деди у киши бизнинг ҳаракатимизни кўриб, - бир иш бор шекилли, нега ҳамманг потирлашиб қолдинг?

- Мехмон кутяпмиз, - дедик.



*Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов
Абдужаббор ота Юсупов хонадонида*

Бир ҳикматда давлат раҳбарини Аллоҳнинг ердаги соясига тенгланган. Аждодларнинг бу донишмандлиги ҳақлигини бугун ҳам кўриб, билиб турибмиз.

Негаки, Президентимиз Ўзбекистон номли Ватаннинг қай бир гўшасига ташриф буюрса, у кишининг пойқадами билан баракотлар, саъй-ҳаракатлар, беҳисоб эзгуликлар, ҳаётбахш янгиликлар ҳам етиб боради. Бу гапнинг биргина далили кўз олдимизда: Ислом Каримовнинг 2009 йил 2 июлдаги ташрифидан сўнг вилоятимиз тарихида мисли кўрилмаган янги давр бошланди, унинг самаралари барча жабҳаларда яққол кўриниб турибди.

Юртбошимизнинг Намангандаги келиши ҳар доим ҳар биримизга қувонч ва фарҳ бағишлаган. 1994 йил кузиди ҳам худди шунака бўлган эди. Ислом Абдуғаниевич Тўракўргон

туманинаги сербарака бир хонадонга кириб борди, сохибкор бир бобонинг қўлларини қўлига олиб, яхши сўзлар айтди.

- Мехмон - атойи Худо, болаларим. Хасти Ҳизирдай бўлиб, оstonамдан кириб келган кишига "Хуш кепсиз, қадамларингизга ҳасанот" дейман. Ана иннайкейин, сенларнинг устингдан арз қиласман!.

- Ие, ота, унака дея кўрманг, -дедик ва хийла шошиб қолдик.

Буванинг кулоқлари том битган, бизга парво ҳам қилмай, оёқ тиради:

- Янги машинани қачон берасанлар? Аризамни олганингга қанча бўлди? Ахир, эски тузаб, эсинг кетаркан-да. Эскиси занглааб, тўкиласман деб ётиби, сира йўлим кўпаймайди, эрталаб оёғи чўлоқ, кечкурун кулоги чинок. Дод десанг ҳам,вой десанг ҳам энди ўзингдан кўр, меҳмондан янги машина сўрайман, сўрамай кўймайман!

- Кўйинг-кўйинг - деб анча ёлвордик, аммо бувани ҳеч йўлга сололмадик...

1994 йили 4 ноябрь куни Президентимиз Наманганга ташриф буюриб, қишлоғимизга келдилар ва Абдужаббор ота Юсуповнинг ҳовлисига ҳам қадам ранжида қилдилар. Омонулла aka туманинизда, раҳматли Бургутали aka вилоятда ҳоким бўлган йиллар эди.

Ислом aka ишком тўла ҳовлини айландилар, узумларни кўриб, жуда хурсанд бўлдилар.

- Қандай муаммоларингиз бор? - деб сўрадилар Президент.

Абдужаббор бувам эшитмасдилар, лекин ниҳоятда яйраб-яшнаган қиёфада тўнгич ўғиллари Комилжонга қарадилар.

- Раҳмат, Ислом aka! Хонадонимизга хуш келдингиз. Шукур, ҳамма нарсамиз жойида, - деди Комилжон.

Ислом Абдуғаниевич ҳалиги гапни яна сўрадилар. У киши

учинчи бор сўраганларида ҳам Комилжон одоб билан жавоб қайтарди. Мен яқин жойда эдим. Кўзим Абдужаббор отада, машина сўрамай кўймайман деган пўписа қулогимда эди, юрагим увишиброқ турибман. Шунда Президент:

- Мен отахонга битта янги машина ҳадя қиласман, набираларини ёнига ўтқизиб, хузур қилиб айланиб юрсинлар, - деб ўша ернинг ўзидаёқ тегишли мутасаддига топширик бердилар.




Мен ҳайратдан, Президентимизнинг зукколигидан ёқамни ушлаб қолгандим. "Подшо - Аллоҳнинг ердаги сояси" деган гап чақмоқдай ёдимдан ўтди. Чунки, машина ҳақидаги отанинг истагини ҳеч ким Ислом акага айтган эмасди. Аллоҳ у кишининг дилига маъқул қилганки, чекка қишлоқдаги содда ва меҳнаткаш бир мўйсафиднинг тилагини, армонини кўнгил кўзи билан кўра олган. Президентимиз ўз халқи руҳини англаувчи раҳнамо эканларига ўшанда ўзим шоҳид бўлганман ва ўша воқеа унугилмас мўъжизадай юрагимга ўрнашиб қолган. Бир ҳафта ҳам ўтмади, машинани олиб келишди, қишлоқда бу воқеа катта

байрамга айланиб кетди. Яп-янги "Жигули"нинг техпаспортига Президент совғаси экани қайд этилганди.


ОТАМДАН ҚОЛГАН БАРАКА

(Комилжоннинг деганлари)


- Президентимиз совға қилган машина ниҳоятда тобида, юргизмаган кунимиз йўқ. Яқинда охорли тўртта ғилдирак қўйдим, уни биз ниҳоятда табаррук биламиз, Худо хоҳласа, ҳали кўп йиллар иш беради.



Кўпчиликнинг фикрича, дадам раҳматлидан бизга токзор, ҳовли-жой, пул-мул, машина қолган. Бу ҳам бор гап. Лекин аслида дадам бизга сохибкорлик деган жаннатий қасбкор ва туганмас барака қолдириб кетганлар.



"Токнинг тури қанча, ҳосили неча тонна?" - деб сўраб туришади. Токни санаган эмасмиз, ялпи ҳосилни тортиб ҳам кўрганимиз йўқ, билмаймиз. Шуни биламанки, бу ишкомларда отамдан қолган ўша барака бор.



Факат айта оламанки, узумзорнинг майдони 30 сотих. Ўн хилга яқин нав бор, отам ўzlари эккан ҳусайнин кўпроқ. Келинбармоқ, чиллаки, шивирғони, жайдари кизил узум... Кейинги вақтда қишлоқларда чарос камайиб кетганди,


қаламчасидан кўпайтиряпмиз, ўтган йили нишона кўрсатганди, бу йил анчагина ҳосил берди.



Эски девор-кесак билан токнинг жони кириб, яйрайди. Айниқса, томнинг устида офтоб сўхта қилган тупроқ зўр бўлади. Агар шунаقا кесак-тупроқ топсак борми, кўзимизга тўтиё қиласиз. Улар камёб, гўнг ва минерал ўғит сероб. Майиз қиласиз. Узумни узиб, харидорга тайёрлаётганда, мундайроқларини қайчилаб оламиз, ярайдиган тиникроғини ёйиб қуритилади, яроқсизини молга берамиз - яхши семиради. Узумлар орасида шивирғони билан чарос яхши майиз бўлади.

Одамлар курт-кумурсқадан, паррандадан шикоят қиласиди. Мен ҳам тайёр ҳосилни күшга талатиб кўявериш керак демайман, аслида улар мениям жонимга тегиб кетади. Лекин ўша курт-кумурсқанинг, уруғинг кўпаймагур чумчук ва олақанотнинг ҳам ризки ердан унади, у ўз ризқини ейди, биронкиниимас. Иннайкейин улар бизга кўшни яшайди, "Кўшни хақи - еттидан бир" дердилар дадамиз раҳматли (кулиб олади). Колаверса, қай

бир юртда чумчукни йўқотилгач, зааркунанда ҳашарот кўпайиб кеттанини эшигтганман. Келинг, шуларният Худо яратган, учиб-кўниб юрибди-да...




Узум мавсуми 2,5 - 3 ой бўлади. Октябрнинг биринчисидан омборга оп киришни бошлаймиз. Худонинг берган куни узум узилади, ҳар куни осмонга қараймиз. Узум ўзи сершарбат-да, унча-мунчага музламайди, лекин бандини совуқ олиши бор гап, унда мева бузилади, қораяди. Омборга 1,5 тоннагача узум кўямыз, баҳоргача сотамиз, еймиз. Уйимизга кирган ҳар бир одам, харидор ё савдогар борки, куруқ қўл билан чиқиб кетмайди. Ишкомда узум бор бўлса, меҳмон ўз кўли билан узади албатта. Қани сиз ҳам юринг-чи? (Комилжон узумзорга бошлаб, ток қайчини узатди). Марҳамат!



УЗУМЗОР - ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ (Мўминжоннинг айтганлари)

- Мана шу токларни 1991 йили дадам Худо раҳмати ўз кўллари билан экиб берганлар, 36 та кўчат эди, кучга тўлди. Аслида илдиз – тўнкаси 20 ёшда, занглари ёш. Чунки, янги сурхларни парваришилаб, 5-6 йилда алмаштирилмаса, занг қарийди, путурдан кетади. Мана, кўринг, илдиздан чикқан ўрта бармоқдай новдасидаям хосил бор.




Эски девор тупроғида ва хомтоқда иш катта. Хомтокнинг 4-5 марта қилиниши түгри, лекин бу узум пишгунича бўлади-да. Узум пишгач, ҳар куниям баргини қайчилаб ташлайверамиз, пишаётган бошларнинг усти, ости, атрофи очилиши, офтобдан, шамолдан нафланиши керак. Отам августдаи, түғрироғи, сунбуладан бошлаб, кеч кузгача токқайчини қўлдан қўймасдилар, хомтокни сира тўхтатмасдилар.

Ток кўп, ҳаммасини ётқизиб бўлмайди. Шунинг учун бир қисмини кесиб, ерга туширамиз, кўпроғи баҳорда кесилади. Аслида шундай қилмаслик керак, чунки, ток, анор, анжир қишилласига чидамайди, шунинг учун азалдан ерга босиб, тупрокқа кўмилган. Қайси бир йили ишком устида қолган токларни совук уриб кетди. Жуда ачиндим. Лекин барибир ҳамма токни кўмишга сирайм илож йўқ. Қишилса, Худо сакласин, деб тилайверамиз.



Бизда сўритоклар баланд кўтарилилмайди, дадам шундай ўргатганлар. Чунки, сўритоклар паст бўлса, ишлов бериш ҳам, хомток ҳам, узум узиш ҳам осон.

Күчада йигирма метрлик ишком бор, ҳосил жа-а зўр бўлди.
Отамдан қолган катта уйда узум жуда кўп, меники беш тонна
мўлрок бўлса керак. (Мухторхон шивирлади: -Демак,
Комилжоннинг ишкомдаги ҳосили 15-20 тонна экан-да).



Биз уч ака-укамиз. Менинг икки ўғлим, икки қизим бор -
ҳаммаси узум етиштиришни, токка қарашни яхши билади.
Бешикдаёқ гўдакларнинг оғзига узум соламиз-да.


**АБДУЖАББОР ОТА ХОНАДОНИДАГИ АЙРИМ
УЗУМ НАВЛАРИ**



Ризамат -1



Катта құрғон



Кишмиш



Эртанги Ширедер




Келинчак бармоғи



Улкан



Кетмон даста




Хусайни




Эртапишар шишаранг



Мирза хўрак



Шоханак



Қора келинчак бармоғи

Мундарижа

1.	Муқаддима	3
2.	Узумни сақлаш йўллари.....	12
3.	Ток зааркунандалари.....	19
4.	Бошқа зааркунандалар.....	45
5.	Чет мамлакатлардан ўтиб қолиши мумкин бўлган энг асосий зааркунандалар.....	46
6.	Биологик усул.....	63
7.	Боғ ва токзорларни ҳимоя қилиш воситалари.....	102
8.	Коллоид ва хўлланувчи препаратлар.....	105
9.	Зааркунандаларга қарши ишлов бериш қоидалари ва айрим эҳтиёт чоралари.....	108
10.	Узум навлари.....	112
11.	Узум кўчатлари етиштириш.....	113
12.	Токларни совуқдан сақлаш.....	147
13.	Узум ва инсон саломатлиги.....	155
14.	Узумчиликка бағишланган умр.....	165

Абдулазиз Қозоков

Мустақиллик йилларида узумчиликни ривожлантириш йўллари
(Илмий-услубий рисола)

Масъул мухаррир:

А.Шералиев

Такризчилар:

М.Абдуллаев,

А.Аъзамов

Рассом:

З.Қозоков

Компьютерчи:

Х.Насимов

Нашриётга топширилди 15.09.2016 йил
Бичими 60x84. Босма табоги 11,5.
Адади 100 дона.

Тошкент – “Наврӯз” босмахонаси.



Абдулазиз Қозоков Наманган давлат университети экология кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

1949 йил 15 апрельда Тўракўрғон тумани Хўжанд қишлоқ фуқаролари йигини Кўшқайраоч маҳалласида туғилган. 1972 йилда Фарғона давлат университетини тутгатган. 1974 йилдан бери Наманган давлат университетида ишлайди. 200 дан ортиқ илмий ишлари жумладан, 1 та монография, 60 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий-оммабоб рисолалар муаллифи.